

С. С. СОЛИХУЖАЕВ

# Болалар овқатыға қўйиладиган гигиеник талаблар



С.С.СОЛИХУЖАЕВ

Болалар овқатиға  
құйиладыған  
Гигиеник талаблар

Тошкент  
ЎзССР «Медицина»  
1989



51.28  
УДК 41.5.7

Рецензент медицина фанлари доктори, Ю. У. Ҳасанов

Солихұжаев С. С.

С 26 Болалар овқатига қўйиладиган гигиеник талаблар. — Т.: Медицина, 1989. — 158 б.

Салиходжаев С. С. Гигиенические требования к питанию детей дошкольного и школьного возраста.


ISBN 5-638-00173-5

Ушбу рисолада мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг овқати ва унга қўйиладиган гигиеник талаблар тўғрисида сўз юритилади. Унда асосий овқат маҳсулотлари — оқсилилар, ёглар, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқаларнинг ўсиб келаётган организам учун аҳамияти тўғрисида ҳам фикрлар бор.

Бундан ташқари, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга тавсия этиладиган миллий ўзбек таомларининг таркиби, тайёрлаш усуслари атрофлича ёртилган.

Рисола мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга, овқат тайёрловчи ошпазларга, врачларга, уй bekalарига, шунингдек, пазандачилик билан қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

ББҚ 51.28



С 4105070000 — 082  
М 354(04) — 89 14—89

ISBN 5-638-00173-5.

© УзССР «Медицина»  
нашириёти, Тошкент,  
1989.

## КИРИШ

Совет Давлати ташкил топган биринчи кунларданоқ Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукумати, шахсан, В. И. Ленин болаларнинг овқатланишига жуда катта аҳамият берди. Чунки овқатланишни тўғри ташкил қилиш ўсиб келаётган болалар саломатлигини сақлашда, уларнинг уйғун ривожланишида, моддаларнинг алмашинув процесслари нормал таъминланниб туришида ҳар томонлама мухим омил ҳисобланади.

Тўғри овқатланиш деганда одатда биз асосий овқат маҳсулотлари (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) нинг овқат таркибида бир-бирига тўғри нисбатда бўлишини тушунамиз. Ана шу моддалар етарли ва зарур миқдорда бўлгандагина организмнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда биологик бирикмаларга бўлган эҳтиёжи таъминланган бўлади.

Болалар овқатига қўйиладиган асосий талаблар, энг аввало, ўсаётган организмнинг улғайишини, ривожланишини тўла таъминлаши керак. Албатта, бу ерда ёш организмнинг физиологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни унутмаслик зарур.

Болалар овқатини тўғри ташкил этиш врач-педиатрлар, болалар муассасалари раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун биз ушбу рисолани овқатланишга оид замонавий фикрларга суюнган ҳолда ёзишга ва бунда педиатрлар диқ-

қатини мактабгача ёшдаги болаларни ва мактаб ўқувчиларини муассаса ёки уй шароитида овқатлантиришда нималарга аҳамият беришлиари зарурлигига қаратишга ҳаракат қилдик. Ўзбекистон аҳолиси қадимдан турфа таомлар тайёрлашнинг устаси бўлиб келган. Шу муносабат билан уйда энг кўп истеъмол қилинадиган ўзбек миллий таомларига кенгроқ тўхталишга тўғри келди. Айни вақтда унда миллий таомларни тайёрлаш технологияси, таомлар таркибидағи маҳсулот миқдори, сифатини, айниқса, витаминлар миқдорини қандай сақлаб қолиш усуллари баён этилди. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар менюси қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги ҳамда овқатланиш тартиби, овқат тайёрлаш, пишириш билан шуғулланувчи ходимлар олдига, шунингдек ошхоналарга, уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган гигиеник талаблар ва овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш омиллари тўғрисида ҳам мазкур рисолада маълумотлар бор.

Бундан ташқари, рисолада Ўрта Осиё шароитида яшаётган болалар истеъмол қилалидиган асосий миллий ўзбек таомларини ҳисобга олган ҳолда икки ҳафталик меню тавсия этилди. Тез бузиладиган овқат маҳсулотларини сақлаш муддати, бир овқат маҳсулоти ўрнига иккинчи бир овқат маҳсулотини ишлатиш тўғрисида маслаҳатлар берилди.

## 1. ОВҚАТЛАНИШНИНГ БАЪЗИ ФИЗИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки, кишининг меъда-ичак йўли бир неча бўйимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси маълум вазифани бажаради. Масалан, истеъмол қилинаётган овқат даставвал оғиз бўшлиғида сўлак безлари секретлари билан ҳўлланади, юмшатилади ва муайян луқма ҳолига келтирилади. Бу — катталарда кузатилади. Болаларда эса уларнинг тиши чиқиши билан сўлак ажralishi кучаяди, боланинг ёши улғайган сари безларнинг функцияси ҳам ортиб боради. Бу жараён то бола 10 ёшга етгунича давом этади.

Айниқса қаттиқ, қуюқ овқатнинг сўлак билан намланиши физиологик жиҳатдан жуда муҳим. Овқат қанчалик қуруқ бўлса, сўлак шунчалик кўп ва тез ажralади. Бундан ташқари, сўлакнинг етарли даражада ажralishi кўп жиҳатдан овқатнинг химиявий таркибиغا ҳам боғлиқ, албатта.

Шундай қилиб, оғиз бўшлиғида ютимга ҳозирланган овқат луқмаси меъдага тушгандан бошлаб меъда шираси ажраб чиқа бошлайди ва бу жараён истеъмол қилинган таомнинг турига қараб 10 соатгача давом этади. Ажраб чиқсан меъда ширасининг миқдори ва сифати эса истеъмол қилинган овқатнинг миқдори ва сифатига боғлиқ бўлади. Масалан, тез ҳазм бўладиган овқат истеъмол қилинганида меъда шираси камроқ, узоқ ва оғир ҳазм бўладиган таом истеъмол қилинганида кўпроқ ажralади. Чунончи, меъда шираси гўшт ҳазм қилиш жараёнида жуда кўп, сутни ҳазм қилиш жараёнида эса кам ишлаб чиқарилади; углеводли овқатларни ҳазм қилишда меъда шираси анча вақтгача ажralib туради. Бундай меъда ширасида ундаги айрим моддалар концентрацияси ўзгарибина қолмай, уларнинг ферментатив активлиги ҳам ўзгаради. Меъда секрециясининг бундай хусусияти ўз навбатида меъда безларининг самарали ишлашини таъминлайди.

Меъда ва ўн икки бармоқ ичакда қисман парчаланган овқат ингичка ичакка ўтади ва унда тўла парчалана

**бошлайди.** Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, овқатнинг ингичка ичакда ҳазм бўлиши ўзига хос аҳамиятга молик, чунки ичакнинг бу қисмида озиқ моддалар жадал парчаланиб, организмга жадал сўрила бошлайди. Сабаби, ингичка ичакнинг овқатни сўриш юзаси катта бўлади, бу эса эпителиал ҳужайраларнинг устки қисмидаги тукчалар — ворсинкалар ҳисобига яна ҳам кattalaшади.

Маълумки, ичак ширасида йигирмадан ортиқ фермент бўлиб, улардан энтерокиназа, ишқорли фосфатаза, эрипсин, липаза, нуклеаза, мальтоза, сахароза, лактоза ва эстерозаларнинг овқат ҳазм қилишдаги роли ҳар томонлама ўрганиб чиқилган. Масалан, овқат ҳазм қилишда иштирок этадиган энтерокиназа, ишқорли фосфатаза ва сахароза ўзига хос аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ичак шираси таркибида ноорганик моддалардан натрий, калий, кальций, магний, хлор, кўмир ва фосфат кислота бор, ичак ва бошқа овқат ҳазм қилиш органлари функциясини бошқаришда иштирок этадиган турли гормонлар борлиги аллақачонлар фанга маълум. Бинобарин, ингичка ичакка келиб тўхтаган овқат маҳсулотлари ана шу органик ва ноорганик моддалардан иборат секрет ва гормонлар таъсирида узоқ вақт, баъзан, бир сутка мобайнида парчаланади ва сўрила бошлайди. Сўрилиш — бу турли хил моддаларнинг овқат ҳазм қилиш йўлидан қон ва лимфаларга ўтиш жараёнидир. Овқат — ҳазм қилиш йўлининг турли қисмларида турлича сўрилади. Бу — ҳазм каналининг уёки бу қисмининг структурасига, озиқ модданинг қанча туриш муддатига боғлиқ. Масалан, оғизда ва қизилўнгачда овқат маҳсулоти айтарли сўрилмайди, меъдада бирмунча сўрилса, ингичка ичакда овқатнинг асосий қисми сўрилади. Чунки, юқорида эслатиб ўтганимиздек, ичакнинг бошдан-оёқ шиллиқ пардасини 0,2—1 миллиметр келадиган тукчалар (ворсинкалар) қоплаб олган бўлиб, шулар туфайли ичакнинг сўрилиш юзаси 8—10 баробар ортади. Ингичка ичакда сўрилмай қолган айрим моддалар, суюқликлар йўғон ичакда сўрилиб битади ва шу ерда бироз қотиб муайян формага киради.

## **2. ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОЛОГИК АҲАМИЯТИ**

Болалар овқатини тўғри ташкил қилиш улар организми ривожланишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Овқат маҳсулотлари таркибида организмга тушадиган озиқ

моддалар — оқсиллар, ёғлар, углеводлар асосий энергия манбай бўлиб хизмат қиласди. Витаминлар, минерал моддалар, сув, органик кислоталар, ошловчи моддалар каби бошқа таркибий қисмлар гарчи асосий энергия манбай ҳисобланмаса-да, организмга озиқ моддалар сўрилиши ва моддалар алмашинуvida муайян аҳамиятга моликдир.

Болаларга бериладиган овқатлар қўйидаги гигиеник талабларга жавоб бермоғи керак:

1. Истеъмол қилинадиган овқатлар таркибида организм учун керак бўлган озиқ моддалар — оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар, витаминлар ва сув етарли миқдорда бўлиши билан бирга уларнинг солиштирма қиймати эҳтиёж даражасида бўлиши керак.

2. Истеъмол қилинадиган овқатлар ҳар хил бўлмоғи лозим. Бунга ўсимлик ҳамда ҳайвон маҳсулотлари, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт, тухум, нон, ҳар хил ёрмалар, мева, балиқ ва бошқа маҳсулотларни киритиш мумкин.

3. Тайёрланган овқат сифатли бўлиши, таркибида заҳарли бирикмалар ва касал чақирувчи микроблар токсими бўлмаслиги керак. Агар қайнатилмаган ёхуд қиздирilmagан таомлар бўладиган бўлса, озода тайёрланган, турли хил ичак бактерияларидан холи бўлиши лозим.

4. Ҳажми жиҳатидан истеъмол қилинадиган таом етарли бўлмоғи ва кундалик энергетик сарфни қопламоғи зарур.

5. Истеъмол қилинадиган овқатни кун бўйига тўғри тақсимламоқ даркор. Бунда овқатланиш вақтини муайян соатга мўлжаллаб қатъийлаштириб қўймоқ лозим.

Юқорида қайд этиб ўтилган гигиеник талабларга тўла жавоб берадиган овқат маҳсулотлари организмнинг ташқи мұхит таъсиrlарига, жумладан, юқумли касалликлар чақирувчи микробларга қарши кураш қобилиятини оширади, жисмоний ва ақлий ривожланишини таъминлайди. Бинобарин, истеъмол қилинган озиқ моддаларнинг ҳазм бўлиши ва сўрилиши талаб даражасида бўлиши керак, бунинг учун эса овқат маҳсулотларини сифатли қилиб пишириш зарур. Меъда ширасининг овқат ҳазм қила олиш қобилияти, боланинг ёши ҳамда соғлиғи ҳам шулар қаторида аҳамиятга эга. Айниқса, таомлар нимадан тайёрланганлиги ўзига хос аҳамиятга эга. Масалан, ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланган таомларнинг, тахминан, 95 проценти организмга сўрилса, ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган таомларнинг 80 проценти сўрилади, холос.

Маълумки, бола организмига тушаётган асосий овқат маҳсулотлари: оқсиллар, ёғлар, углеводлар миқдори 1:1:4 нисбатда бўлганда уни оптимал нисбат дешиш расм бўлган.

Таомлар билан истеъмол қилинган оқсиллар, ёғлар, углеводлар меъда-ичак йўлида парчаланиб организм томонидан ўзлаштирилгац ёниб энергияга айланади<sup>1</sup>. Энергия тирик организмнинг ҳаёт-фаолияти учун энг муҳим манбадир. Нафас олишдан тортиб ҳазм жараёнларининг юзага чиқишида, ақлий меҳнатдан тортиб жисмоний меҳнат қилишда — барчасида энергия сарф бўлади. Энергия сарфини аниқроқ кўриб чиқадиган бўлсак, у қуидагида тақсимланади:

1. Ички органлар, системалар ва тўқималар функцияларини таъминлаб берувчи биохимиявий процессларга сарфланади.

2. Истеъмол қилинган овқатни ҳазм қилиш ва озиқ моддаларни ўзлаштиришга сарфланади. Бу — асосий алмашинувнинг 10—15 процентини ташкил қиласди.

3. Боланинг ўқишига, унга алоқадор ишларни бажаришга, актив дам олиш, ўз-ўзига хизмат қилиш, спорт фаолиятига ва бошқаларга сарфланади.

4. Бола организмининг ўсишига, органларининг ривожланишига ва такомиллашувига сарфланади.

Тўғри овқатланишнинг илмий хulosалари боланинг ўшига, ўқишига, спорт билан шуғулланишига, турмушнинг шарт-шароитлари ва иқлимга асосланиб чиқарилади. Бир кунлик истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибидаги оқсил, ёғ ва углеводлар миқдори ҳам худди шу хulosалардан келиб чиқиб белгиланади.

## 2.1. ОҚСИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ОРГАНИЗМ УЧУН АҲАМИЯТИ

Оқсиллар овқат маҳсулотлари таркибига кирувчи, ҳаёт учун муҳим бўлган юқори даражадаги бирикмалардир. Оқсилсиз ҳаёт ва ривожланиш мумкин эмас. Чунки истеъмол қилинадиган ҳар галги овқат маҳсулотлари таркибидаги оқсиллар организмда янгидан-янги тўқималар ҳосил бўлишида, тараққий этишида иштирок этади, мана нима учун боланинг ўсиши ва улғайиши даврида

<sup>1</sup> Иссиқлик энергияси одатда килокалория (ккал) ёки килоджуллар (кЖ) билан ўлчанади. 1 ккал 4,186 кЖ га teng. Масалан, организмда 1 г оқсил ёнганида 4 ккал ёки 16,74 кЖ энергия ҳосил бўлади; 1 г ёғ ёнганида 9 ккал ёки 37,67 кЖ, 1 г углерод ёнганида 3,75 ккал ёки 15,7 кЖ энергия ҳосил бўлади ва ҳоказо.

овқат таркибидан оқсиллар миқдорининг етарли бўлиши аҳамиятга эга экан. Бу — оқсилларнинг организмдаги хизматининг бир томони бўлса, иккинчи томони — организмнинг юқумли касалликлар чақирувчи микробларга қарши ҳимоя кучининг — иммунитетнинг ҳосил бўлиши учун зарур (оқсиллар антителонинг таркибий қисмига киради). Бундан ташқари, истеъмол қилинадиган овқатлар таркибидаги оқсиллар қизил қон танаачалари (эритроцитлар) билан гемоглобиннинг таркиб топишида муҳим аҳамияти бўлган биологик бирикма — ферментлар ва гармонлар ҳосил бўлишида бевосита иштирок этади. Демак, кўриниб турибдики, боланинг ҳаёт-фаолиятида оқсиллар етакчи функцияни бажаради.

Агар, борди-ю, таркибидан етарли даражада оқсил тутмаган таомларни сурункасига истеъмол қилинадиган бўлса, айниқса, бола ёш бўлганида унинг ўсиши ва улгайиши сусаяди, марказий нерв системаси фаолияти бузилади, ташқи муҳит таъсирига, чунончи, юқумли касалликлар таъсирига бардош беролмайди, турли хилдаги касалликлар оғир ўтади ва кўпинча тузалмас асоратлар қолдиради. Бундан ташқари, қон танаачаларининг ҳосил бўлиши, оқсиллар алмашинувида иштирок этадиган кўпгина ферментлар фаолияти, организм тўғри ривожланишида иштирок этувчи секретлар, гармонлар, баъзи витаминлар комплексининг ҳосил бўлиши издан чиқади. Организмда оқсил етишмаганида ички безлар, жумладан, қалқонсимон без, буйрак ости бези ҳамда жинсий безлар фаолиятида ўзгаришлар қайд этилади. Қалқонсимон без функциясининг бузилиши ўстирувчи гармон кам ажралишига, буйрак ости бези функциясининг бузилиши эса адреналин кам ажралишига олиб келади ва ҳоказо.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлики, организмда оқсил етишмаганида жигарда холин ажралиши камаяди, бу ҳол жигар фаолиятининг ўзгаришига олиб келади.

Кўриниб турибдики, оқсилнинг организмда етишмаслиги деярли ҳамма органларда ўзига хос ҳар хил ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳозир фақат таркибидан кам миқдорда оқсил тутган овқатлар истеъмол қилинандагина эмас, балки таркибидан керагидан ортиқ миқдорда оқсил тутган таомлар истеъмол қилганда ҳам организм салбий таъсиirlарга учраши исботланган. Бундай салбий таъсиirlар жумласига буйракда функционал ўзгаришларининг содир бўлиши, аллергик касалликлар қелиб чиқиши ҳамда ички

безлар фаолияти ошиб кетиши кабиларни киритиш мүмкін. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда мамлакатимизда истеъмол қилинадиган таомлар таркибидаги оқсиллар организмнинг физиологик эҳтиёжини тұла қондирадиган, аммо шу билан бирга ортиқчалик қилмайдиган даражада бұлишига қатъий амал қилинмоқда. Бунинг учун овқатланиш түғри ташкил этилганды кундалик истеъмол қилинадиган овқат маҳсулоттарининг 11—13 проценти оқсиллар ҳисобига қопланмоғи лозим. Айниқса, болалар ва ўсмирларга бериладиган овқат маҳсулотлари таркибидаги оқсиллар миқдори уларнинг физиологик талабини, жумладан, ўсиш ва ривожланишини ҳисобга олиб белгиланмоғи лозим. Масалан, бола организмининг физиологик талабини қондира оладиган бир суткалик овқат маҳсулоти таркибидаги оқсил мактабгача ёшдаги болаларга 60—70 г ни ташкил қилауди, аниқроқ қилиб айтадиган бұлсак, 3—5 ёшгача бұлған болаларнинг ұар 1 кг оғирлигига 3,8, 5—7 ёшдаги болаларнинг ұар 1 кг оғирлигига 3—5 г дан оқсил түғри келади.

Боланинг бир қунлик асосий озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини граммлар ҳисобида тақсимлаб чиқадиган бұлсак қуйидагича манзарага эга бўламиз (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

**Боланинг бир қунлик овқати таркибидаги озиқ моддалар (г ҳисобида)**

Боланинг өши	Оқсиллар	Еғлар	Углеводлар
1—3	45—55	40—50	170—180
4—6	60—70	55—60	200—250
7—9	75—85	65—70	270—300
10—12	90—100	75—80	320—350
13—15	105—110	85—100	350—400

Маълумки, овқатлар таркибидаги оқсиллар овқатнинг ҳазм бўлиши жараённан аминокислоталарга парчаланиб, сўнг қонга сўрилади ва организмда ўзига хос маҳсус оқсил ҳосил бўлишида иштирок этади. Аминокислоталар ўзининг физиологик аҳамиятига кўра ҳамда организмда кечадиган ҳаётий муҳим процессларда иштирок этишига қараб ұар хил бўлади. Уларнинг биологик аҳамияти билан физиологик аҳамияти организмнинг ринонжланишида иштирок этишида, оқсилни синтез қи-

лишда қатнашувчи бирикмаларнинг таркибига киришида рўй-рост намоён бўлади.

Одатда, аминокислоталарни организмнинг ўсишида ва ривожланишида иштирок этишига қараб алмаштириб бўладиган ва алмаштириб бўлмайдиган групага бўлинади. Алмаштириб бўладиган аминокислоталар организмда синтез йўли билан ҳосил қилинади. Уларнинг ана шу хусусияти туфайли агар овқат маҳсулотлар таркибида бундай аминокислоталар кам бўлса ёки бутунлай бўлмаса, ички синтез йўли билан уларни ҳосил қилиш ва шу билан организм эҳтиёжини қондириб бориш мумкин. Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни эса организмда синтез йўли билан ҳосил қилиб бўлмайди. Шу туфайли организмнинг бундай аминокислоталарга эҳтиёжи ҳар кунлик овқат маҳсулоти билан етарли даражада (тайёр ҳолда) қондириб турилмоғи лозим. Бу хилдаги аминокислоталарнинг аҳамияти катта бўлиб, улар хусусан организмнинг ўзига хос оқсилини синтез қилишда, ички безлар фаолиятини оширишда ҳамда биологик жиҳатдан юқори активликка эга бўлган компонентлар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Организмда синтез қилинмайдиган аминокислоталарга қўйидагилар киради: треонин, валин, лейцин, изолейцин, метионин, триптофан, лизин, фенилаланин ва бошқалар.

Организмнинг алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга бўлган кундалик эҳтиёжини тақсимлайдиган бўлсак 2-жадвалда келтирилган манзарага эга бўламиз.

## 2-жадвал

### Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга бўлган суткалик эҳтиёж (г ҳисобида)

Аминокислоталар	Авторлар		
	А. Э. Шарпинак	Р. Роуз	Р. Блок, Д. Боллинг
Триптофан	1,6	1,82	1,1
Лизин	8,0	5,83	5,2
Фенилаланин	4,5	4,13	4,4
Лейцин	—	4,69	9,1
Валин	6,0	4,13	3,8
Изолейцин	10,0	2,94	3,3
Треонин	—	2,94	3,5
Метионин	2,5	3,5	3,8

Хозир фанда аминокислоталарнинг учинчи группасини, яъни ўсишга таъсир этувчи группасини ажратиш лозим топилмоқда. Бежиз эмаски, аминокислоталарнинг учинчи группасига кирувчи кислоталарни «ўсишни ривожлантирувчи» аминокислоталар деб аталадиган бўлди. Бундай аминокислоталар жумласига аргинин, триптофан, глютамин кислота, пролин, цистин, серин ва тирозинлар киради.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳайвонот ва парранда маҳсулотлари (гўшт, тухум, балиқ гўшти) таркибида оптимал миқдорда ҳамма алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар бўлади. Ўсимлик маҳсулотлари таркибида ҳам маълум миқдорда аминокислоталар борки, организмнинг аминокислоталарга бўлган миқдорий эҳтиёжини қондиришда уларнинг ўзига хос аҳамияти бор. Масалан, дон ва дон маҳсулотлари таркибидаги аминокислоталар шулар жумласидандир.

Алмаштириб бўладиган аминокислоталар организмда синтез йўли билан ҳосил бўлиши мумкинлиги туфайли организмнинг бундай аминокислоталарга бўлган эҳтиёжини аниқлаш анча қийинчилик туғдиради. Хозирги кунда бир кунлик овқат маҳсулоти таркибида тахминан 6 г аргинин, 2,3 г цистин, 3—4 г тирозин, 3 г аланин, 3 г серин, 16 г глютамин кислота, 6 г аспарагин кислота, 5 г пронин, 3 г глицин бўлиши тавсия этилади.

Алмаштириб бўладиган аминокислоталар ҳам организмда муҳим вазифани ўтайди. Улардан айниқса, аргинин, цистин, тирозин, глютамин кислотанинг организмда кечадиган физиологик жараёнларда иштирок этиши алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталардан қолишмайди.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, ўсимликлар таркибида баъзи бир хил алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар миқдори ҳайвонот маҳсулотлари таркибидаги аминокислоталар миқдоридан кўп бўлиши аниқланган. Шу сабабли меню тузатганда овқат маҳсулотларини шундай танлаш керакки, бир хил овқат маҳсулотлари таркибида етишмаётган аминокислоталар миқдори бошқа хил овқат маҳсулотлари таркибидаги аминокислоталар миқдори ҳисобига қопланади. Масалан, талаб этилаётган аминокислоталар миқдорига эришиш учун сутни оқ нон билан, хамир овқатларни сузма ёки гўшт билан истеъмол қилиш зарур. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, организм учун муҳим аҳамиятга эга бўлган алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар гўшт. Билиқ на тухум таркибида сероб бўлади.

Картошка, гуруч, нұхат, нон, маккажүхори ва бошқа үсімлік маҳсулотлари таркибида мұхим ақамиятта эға бўлмаган аминокислоталар бўлади.

Дуккакли үсімліклар орасида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни энг кўп сақловчи үсімлік бу — мөшдир. Бундан ташқари, мөш таркибида химиявий структураси жиҳати билан ҳайвон маҳсулотлари таркибидаги алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталардан фарқ қилмайдиган аминокислоталар бор. Мөшнинг шу хоссасини ҳисобга олган ҳолда болаларнинг оқсилига бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида уни етарли миқдорда овқат маҳсулотига қўшиб истеъмол қилиш тавсия этилади.

## 2.2. ЕҒЛАР ВА УЛАРНИНГ ОРГАНИЗМДА ТУТГАН ҮРНИ

Еғлар асосий овқат маҳсулотлари қаторига киради, организм учун унинг физиологик ақамияти ниҳоятда катта. Маълумки, ёғлар энергия манбаи бўлиб, бошқа овқат маҳсулотларига қараганда организмда ёниб, юқорида қайд қилганимиздек, катта энергия беради. Жумладан, 1 г ёғ ёнганида 9,0 ккал энергия ажралса, 1 г оқсил ёки углевод ёнганида 4,0 ккал атрофида энергия ажралади.

Еғлар витамин А, Е, Д, К ларни ўзига бириктириб олиш хусусиятига эга. Улар таркибида организм учун мұхим ақамиятта эга бўлган фосфатидлар (лецитин), ўта тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари, стеринлар, токофероллар ва бошқа моддалар бор. Еғларнинг организм тўқималари ташкил топишида иштирок этиши ва бошқа функциялари кўпдан бери маълум.

Кейинги йилларда ёғлар тўғрисидаги тушунчалар анча кенгайди. Уларнинг таркибига кирувчи моддаларнинг биологик ақамияти ҳамда баъзи бир касалликлар, жумладан, атеросклероз касаллигининг олдини олишдаги роли аниқланди.

Еғлар протоплазмалар таркибида киради ва запас ҳолда тери ости ёғ қатламида тўпланади. Бундан ташқари, организмда углеводлардан ва қисман оқсиллардан синтез йўли билан ҳам ёғ ҳосил бўлиши мумкин. Еғ тайёрланган таомга ўзига хос маза киритади ва тўйимлигини оширади.

Еғларни олинишига қараб талабга жавоб берадиган ва талабга жавоб бермайдиган ёғлар деб иккى группага тафовут қилиш расм бўлган. Масалан, таркибиди ёғди эрийдиган витаминлар бўлгани учун ҳайвон ғларини та-

лабга жавоб берадиган ёғлар деб, бундай хусусиятга эга бўлмагани учун ўсимлик ёғларини талабга жавоб бермайдиган ёғлар деб санаб келинган. Қейинги йилларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, ёғларни бу хилда группаларга ажратиш нотўғри экан. Чунки таркибида фақат витамин А ва D ларни тутиши билан чекланиб юқорида қайд этилган бошқа муҳим биологик аҳамиятини эътиборсиз қолдириб талабга жавоб берадиган ёки талабга жавоб бермайдиган ёғлар деб бўлиш тўғри эмас. Бунинг устига ўсимлик ёғини талабга жавоб бермайдиган ёғлар дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Бинобарин, ўсимлик ёғлари таркибида ҳайвон ёғларига нисбатан бир неча бор кўп миқдорда организм учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ўта тўйинмаган ёғ кислоталари борки, буларнинг организм учун аҳамияти бениҳоядир. Демак, ёғларни нимадан олиннишига (ҳайвонларданми ёки ўсимликларданми) ва уларнинг организмга қандай сўрилишига қараб эмас, балки таркибидаги организм учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бирикмаларнинг ёғга бўлган эҳтиёжини қондириб бўлмайди. Масалан, ҳайвонот ёғлари таркибида витамин А ва D мўлроқ бўлган бир пайтда ўта тўйинмаган ёғ кислотаси кам бўлади. Худди шунингдек сутдан олинган ёғ таркибида айниқса ўсаётган организм учун муҳим аҳамиятга эга бўлган арахидон кислотаси мўл бўлса-да, ўта тўйинмаган ёғ кислотаси камлик қиласи. Аксинча, ўсимлик ёғлари таркибида витамин А ва D бўлмаган бир пайтда фосфотидлар, линолен кислота етарли бўлади. Демак, ҳайвонот ёғлари таркибидаги моддалар билан ўсимлик ёғлари таркибидаги моддаларга бир вақтда организм эҳтиёжини қондириш учун халқимиз азалдан бери қўллаб келадиган омухта ёғдан фойдаланиш керак бўлади. Омухта ёғ бу ҳайвонот ёғи билан ўсимлик ёғининг аралашган туридир. Буни аниқроқ баён қиласи билан бўлсан, омухта ёғ таркибида 60—70 процент ҳайвонот ёғи, 30—40 процент ўсимлик ёғи бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда саноатда хам юқорида қайд этилган нисбатда омухта ёғ тайёрлаб истеъмолга чиқарилмоқда.

Ёғларнинг химиявий таркибида келсак, улар мураккаб биологик бирикмалардан иборат бўлиб, асосий таркибий қисми ёғ кислоталари ва глицериндан ташкил топган. Ҳужайра мембранныеидаги моддалар алмашинуви процессларининг идора этилишида, шунингдек,

митохондрийларда энергия ҳосил бўлиш процессида ўта тўйинмаган ёғ кислоталари (ТЕК) — арахидонат, линолинат, липоат кислоталарнинг роли айниқса катта. Мембраналарнинг ёғ кислоталари таркибининг тахминан 25 процентини арахидонат кислота ташкил этади. Овқат рационида ўсимлик ёғлари кўп бўлганида мембраналардаги тўйинмаган ёғ кислоталарининг спектри жуда бой бўлади. Ўсимликнинг тўйинмаган ёғ кислоталари одам организмидаги энергия манбай бўлиб хизмат қиласди. Мана шу ёғ кислоталари холестерин биримларини бартараф этиш ва атеросклерознинг олдини олишда, шунингдек қон томирлар деворининг эластиклигини ошириш ва шиллиқ пардалар ҳамда теридаги алмашинув процесларини яхшилашда муҳим ўрни бор. Шунингдек, липоидлар, фосфолипидлар ва холестеринларнинг ҳам организмдаги аҳамияти катта. Чунончи, фосфолипидлар деярли барча ҳужайралар мембранасининг таркибий қисмига киради, мия ва нерв толалари тўқимаси фосфолипидларга айниқса бой. Фосфолипидлар липотроп хоссага эга бўлиб, жигардан ёғни ташқарига чиқаради, ҳазм жараёнида унинг ичакда эмульсияланишини кучайтиради ва шу тариқа унинг сўрилишини кучайтиради. Фосфолипидлар одатда холестериннинг организмдан чиқиб туришини енгиллаштиради, демак, атеросклерознинг олдини олишда юқорида айтиб ўтганимиздек, ижобий роль ўйнайди. Бундан ташқари, фосфолипидлар энергия ҳосил қилиш процессида актив иштирок этиб, организмда гемоглобин тўпланиб боришига яхши таъсир кўрсатади. Нерв системаси фаолиятини активлаштиради, жумладан, қўзгалиш процесси кучайишига ёрдам беради. Борди-ю, истеъмол қиласиган овқат маҳсулотида фосфатидлар этишмагундай бўлса, у ҳолда организмда турли хил ўзгаришлар, хусусан, камқонлик келиб чиқиши, ёғларнинг кўп миқдорда запас ҳолда тўпланиши кузатилади. Ўсимликлардан соя ва кунгабоқар ёғлари фосфатидларга анча бой.

Холестерин организмда ёғ кислоталари, жинсий гормонлар ва буйрак устки безлари гормонлари ҳосил бўлишида, шунингдек, терига ультрабинафша нурлар таъсир қиласидаги витамин D<sub>2</sub> ҳосил бўлишида салмоқли роль ўйнайди. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, одамда ҳеч қачон холестерин этишмовчилиги бўлмайди. Бунга сабаб холестерин турли хил овқат маҳсулотларидан: ёғ, углеводлар, аминокислоталардан муттасил ҳосил бўлиб туради. Бундан шундай хулоса чиқадики, атеросклероз ривожланишида муайян роль ўйнайдиган хо-

лестериннинг организмда ортиқча тўпланиб қолишига экзоген йўл билан, яъни овқат билан бирга организмга тушиб турадиган холестерингина сабаб бўлиб қолмай, балки организмда холестерин алмашинувининг бузилиши, унинг ортиқча ҳосил бўлиб туриши ва тўпланиши ҳамда унинг организмдан ташқарига секин чиқарилиши сабаб бўлади.

Тўйинмаган ёғ кислоталарининг овқат рационида етишмаслиги терида турли хил ўзгаришлар пайдо бўлишига (терининг қуришиб туриши, пўст ташлаши, экзема, гиперкератозга) олиб келади. Ультрабинафша нурларга бўлган организм сезирлигини кучайтиради, қон томирлар үтказувчанлигини оширади (капиллярларни ёрилиб кетишга мойил қилиб қўяди, гематурия юзага келади), меъда ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ пардасида яралар пайдо бўлишига, тишларни кариесга, бўғинларда артритлар бошланишига мойил қилиб қўяди.

Ёғларнинг биологик аҳамиятларидан яна бири — таркибида ёнда эрувчи витамин А, D, Е. К ни сақлашидир. Ёғлар, бундан ташқари, овқат таркибида бўладиган каротин сўрилишида иштирок этади. Масалан, ёғсиз овқат таркибидаги каротиннинг фақат 15 проценти организмга сўрилса, ёғли овқат таркибидаги каротиннинг 80—85 проценти сўрилади.

Овқатнинг органолептик хоссасини оширишда ҳам ёғларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, ёғлар овқатнинг узоқ муддат меъдада туришини таъминлайди, бинобарин, ёғлар организмни узоқ муддат тўқ тутиб туради. Бир кунлик овқатда таркибидаги ёғга бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг эҳтиёжи 60—70 г ни, мактаб ёшидаги болаларнинг эҳтиёжи 80—93 г ни ташкил қиласди.

Кўп миқдорда истеъмол қилинган ёғ организмда моддалар алмашинуви процессини издан чиқаради, организмда заҳарли моддалар, жумладан, кетон танаачалари тўпланишига сабаб бўлади, овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини сусайтириб қўяди. Бундан ташқари, ортиқча миқдордаги ёғ запас ҳолида тери ости ёғ қатламида тўпланади-ки, бу бола бўлсин, катта ёшли киши бўлсин семириб кетишга олиб келади.

Болаларга сутдан олинадиган ёғ билан бирга одатда ўсимлик ёғлари ҳам бериб туриш тавсия қилинади. Шундай қилинганда, юқорида айтиб ўтганимиздек, организм учун муҳим бўлган ёғлар таркибидаги моддалар билан бир-бирини тўлдириб туради. Чунончи, ёш болалар овқатига кунгабоқар ёғи, жўхори ёғи бериш мақсад-

га мувофиқ келади. Бундай ёғларни рафинатланмаган (юқори температурда қиздирилмаган) ҳолда бериш тавсия этилади. Бунинг сабаби — ёғлар рафинатланса, яъни қиздирилса, унинг таркибидаги организм учун муҳим биологик аҳамиятга эга бўлган фосфатит билан ўта тўйинмаган ёғ кислотаси парчаланиб кетиб, ёғлар ўзининг тўлақонли сифатини йўқотади. Аммо, чигитдан ва соядан олинадиган ёғларни рафинатлаб берган маъқул, чунки бундай ёғлар юқори температурда қиздирилганида таркибидаги заҳарли модда — гассипол нейтралланиб кетади. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, организмнинг ёғга бўлган эҳтиёжи иқлим шароитига қараб ўзгарди, жумладан, шимолий иқлим шароитида яшовчи аҳолининг бир кунлик овқатидаги ёғ миқдори бир суткада сарф қилинадиган энергиянинг 38—40 процентини, ўрта иқлим шароитида 33 процентини ва жанубий (иссиқ) иқлим шароитида эса 27—28 процентини ташкил қилиши керак. Истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибидаги ёғнинг миқдори сурункасига организм эҳтиёжини қопламайдиган даражада истеъмол қилинганда марказий нерв системаси фаолиятида, организмнинг иммунобиологик механизмида турли хил кўринишда ўзгаришлар содир бўлади.

Овқат маҳсулотлари таркибида ёғ етишмаганида, бундан ташқари, жигарда, буйракларда, мия тўқималарида ва бошқа органларда дегенератив ўзгаришлар келиб чиқиши мумкин.

Овқат маҳсулотлари таркибидаги асосий озиқ моддалар — оқсиллар, ёғлар, углеводлар тўғри нисбати организмда кечадиган кўпгина муҳим процессларнинг актив ўтишига сабаб бўлади.

### 2.3. УГЛЕВОДЛАР ВА УЛАРНИНГ ОРГАНИЗМДАГИ АҲАМИЯТИ

Углеводлар ҳам организмда энергия ҳосил бўлишининг асосий манбаларидан биридир. Уларнинг овқатдаги физиологик қиймати энергия ажратиш қобилияти билан белгиланади. Углеводлар мускул тўқималари ҳаракатланишида сарф бўладиган энергиянинг ҳамда организмдаги анатомик-физиологик процессларнинг ўрнини қопловчи асосий энергиянинг манбаи ҳисобланади. Бинобарин, мана шу асосий энергия манбаи бўлган углеводлар организмда кислород бор ва кислород йўқ шароитда қанчалик оксидланиши билан баҳоланади.

Маълумки, ҳар қандай жисмоний ҳаракат углевод-

ларга бўлган эҳтиёжни оширади. Демак, жисмоний иш билан банд бўлган бола ширинликни одатдагидан кўра кўпроқ истеъмол қилиши керак. Агар истеъмол қилинаётган овқат таркибида углеводлар миқдори етарли даражада бўлса, тўқималар ва ҳужайралар таркибидаги уларнинг миқдори энергия сарфланишига қарамай доимийлигича тураверади.

Углеводлар, қонда ўлароқ, организмда депо ҳолида кам сақланади. Унинг мана шу хусусияти организм эҳтиёжини қондириш учун кундалик овқат маҳсулоти билан етарли даражада муттасил истеъмол қилиб турилишини талаб этади.

Углеводлар оқсил, ёғ алмашинуви процесси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Масалан, организмда оксидланиш процесси юқори бўлмаса, у ҳолда углеводлар ёғларга айланиб тери ости ёғ қатламида ҳамда ички органлар атрофида тўпланиб боради. Борди-ю, оксидланиш процесси жадал кечса, углеводларнинг талайгина қисми оксидланиб, охирги маҳсулотларгача парчаланади.

Оғир жисмоний иш бажарилганда борди-ю, энергетик харажатлар углеводлар ҳисобига қопланмайдиган бўлса, организмда доимо запас ҳолда бўладиган ёғлардан қанд ҳосил бўлиб, мана шу қанд ҳисобига энергетик харажатлар қопланиб туради. Лекин кўпинча бунинг акси бўлади. Масалан, Ўрта Осиё шароитида истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибида кўп миқдорда углеводлар бўлиши сабабли ортиқча углеводдан янги ёғ тўқималари ҳосил бўлиши ва запас ҳолида ёғ депосига қўшилиши қайд қилинади.

Углеводлар озиқ сифатида асосий овқат маҳсулотлари қаторига киради. Кундалик энергетик харажатларнинг ярмидан кўпроғи истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибидаги крахмал билан қанд ҳисобига қопланиб туради. Нон ва макарон маҳсулотлари, ёрмалар, картошка, шакар, қандолат маҳсулотлари, турли хил ширинликлар углевод етказиб берадиган асосий манбалардир. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, бола рационидаги қанд билан крахмал нисбати 1:3 — 1:4 бўлиши керак, бу деган сўз қанд рационидаги умумий углеводлар миқдорининг 1/3 — 1/4 қисмини, крахмал 2/3 — 3/4 қисмини ташкил этиши керак.

Тузилишининг мураккаблиги, эриши, организмга сўрилиши ва гликоген ҳосил қилишига қараб овқат маҳсулотлари таркибидаги углеводлар оддий ва мурекаб углеводлар (полисахаридлар) га тафо'ут қилинади.

**Оддий углеводларга таркиби мураккаб бўлмаган ва сувда тез эрувчи моновида дисахаридлар киради.** Буларнинг ҳаммаси сувда яхши эрийди ва организмга яхши сўрилади. Овқат маҳсулотлари билан қабул қилинадиган моносахаридлар углеводларнинг энг оддий формаси ҳисобланади. Моносахаридларга глюкоза, фруктоза ва галактоза киради. Глюкоза моносахариднинг кўп тарқалган тури бўлиб, у кўп мевалар таркибида бўлади, бундан ташқари, у организмда дисахарид билан крахмалнинг парчаланиши ҳисобига ҳам ҳосил бўлади. Организмда глюкоза тез ва енгил гликоген ҳолида ўзлаштирилиб мия ва мускул тўқималарида, шу жумладан, юрак мускулларида сарф бўлади. Бундан ташқари, қон таркибидаги қанд мувозанатини сақлашда ҳамда жигарда гликоген запасининг етарли даражада сақланниб туришида ҳам глюкоза асосий роль ўйнайди.

Деярли ҳамма вақт оғир жисмоний иш бажарилгандага глюкоза организмда энергия манбай вазифасини ўтаб, қандга бўлган эҳтиёжни тўла қондириб туради.

Фруктоза ҳам глюкозага ўхшаш хоссаларга эга, у ўзининг шундай хоссаси туфайли ҳам организмга тез сўрилади, лекин у ичаклардан жуда секин сўрилади. Фруктоза кўп миқдорда (70—80% гача) жигарда тўпланини ва бу ерда глюкозага нисбатан осонгина гликогенга айланади. Бундан ташқари, фруктоза фақатгина жигарда тўпланимай, бошқа ички органларда ҳам тўпланини ва запас ҳолда сақланади. У моддаларнинг алмашинув процессида фаол қатнашади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда организмни углерод билан таъминлашда истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибидаги қанднинг фруктоза турига катта аҳамият берилмоқда. Масалан, фруктозанинг кўп яхши томонларини яъни унинг осон сингишини ва запас ҳолида тўпланишини ҳисобга олган ҳолда ва шунингдек ёф ва холестерин алмашинувидаги, тиш кариеси касаллигининг олдини олишдаги аҳамиятини назарда тутиб СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Илмий кенгаши ўзининг 1979 йил 4 майдаги қарори билан фруктозани қандолат ва чанқовни босиши учун мўлжалланган салқин ичимликларга қўшиб ундан кенг фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб берди. Айниқса, фруктозани биринчи галда болалар ва кекса кишилар овқатига қўшиб беришини кенг йўлга қўйиш тавсия этилди.

Истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибидаги дисахаридларга киравчи сахарозанинг ҳам алоҳида аҳамияти бор. Ўзининг сувда эриши, организмга сўрили-

Ши ҳамда ширалиги жиҳатидан сахароза моносахаридларга яқин туради.

*Мураккаб углеводлар (ёки полисахаридлар)* ўз молекуласининг мураккаб тузилиши билан характерлидир, сувда ёмон эрийди. Буларга: крахмал, гликоген, пиктин моддалари ва клетчаткалар киради.

Кралмал яхши пишмаган меваларда, жавдар унidan ясалган нонда, баъзи ёрмаларда, сабзавотларнинг дағал қисмида, илдиз мевали сабзавотлар таркибида кўп бўлади.

Клетчатка сўрилмайди, энергия ажратмайди, лекин овқатнинг ҳазм бўлишида муҳим роль ўйнайди. Чунки клетчатканинг дағал қисмлари ичак деворларини қитиқлаб, унинг пересталтикасини кучайтиради, бу эса ўз навбатида овқат моддаларининг ичакда сўрилишини ва ичакнинг ўз вақтида чиқиндилардан бўшалишини таъминлайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда кундалик овқат миқдорига етарли даражада клетчаткалар тутган маҳсулотлар қўшиб бериш керак.

Организмнинг углеводларга бўлған талаби доимо унинг энергетик сарфига боғлиқ. Қанча кўп жисмоний иш бажарилса, углеводларга бўлган талаб ҳам шунча ошади. Бу ўринда ёш ҳам аҳамиятга эга. Масалан, мактабгача ёшдаги болаларнинг кундалик истеъмол қиладиган овқати таркибида 240—280 г углевод бўлиши керак. Буни бошқача қилиб айтганда боланинг ҳар бир кг оғирлигига 12—15 г углевод тўғри келиши керак. Бунинг устига истеъмол қилинадиган углеводларнинг умумий миқдорининг 60 граммини қанд, қолган қисмини эса овқат маҳсулотлари таркибидаги ҳар хил углеводлар ташкил қилмоғи лозим. Бундан ташқари, углеводларнинг овқат маҳсулотлари билан организмга сўрилишини яхшилаш учун истеъмол қилинадиган таомлар ҳар хил бўлиши лозим. Болаларга бериладиган овқатлар фақат ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланибина қолмай, балки унга ёрма, ун, сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳамда ҳўл мева қўшилган бўлиши лозим. Бундай овқат маҳсулотлари ўз таркибида экстракт моддалар, минерал тузлар ва ҳар хил витаминалар тутади, булар овқат маҳсулотларининг организмга сўрилишини янада яхшилайди.

## 2.4. ВИТАМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ САЛОМАТЛИҚ УЧУН АҲАМИЯТИ

Замонавий медицина тараққиёти, жумладан, овқатлашини илмий ташкил этиш шуни күрсатадики, организмнинг тұғри ривожланиши, боланинг туғилган биринчи кунидан бошлаб истеъмол қиласынан овқати маҳсулотлари таркибіда оқсил, ёғ, углеводлар, микроэлементлар, минерал туз ва бошқаларнинг етарли даражада бўлиши билан бирга муҳим аҳамиятга эга бўлган витаминларнинг ҳам етарли миқдорда бўлиши талаб этилади. Мамлакатимизда, айниқса, кейинги вақтларда болалар овқатининг витаминларга бой бўлишига катта эътибор берилмоқда. Чунки витаминларга бўлган болалар эҳтиёжи кун сайн ортиб бормоқда. Шундай экан, бу талаб-эҳтиёжни биргина табии маҳсулотлар ҳисобига қондириш қийинdir. Шуни назарда тутган ҳолда олимлар катта изланишлар қилиб витаминларни дастлаб лабораторияда, сўнгра саноат шароитида мураккаб синтез қилиш ва микробиологик усуллар ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Қадим витаминларнинг организмда тутган ўринини ҳамма билар эдими? Йўқ, албаттa. Бу ҳақда ҳам узоқ тадқиқот ишлари олиб борилди. Масалан, витаминларнинг одам организми учун зарурлигини биринчи бўлиб рус врачи Н. И. Лунин 1880—1881 йилларда исбот қилиб берди. У бир гуруҳ ҳайвонлар устида тажриба ўтказиб уларни фақат сунъий равишда тайёрланган озуқа бирикмалари — оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ҳамда сув билан боқди. Бироқ бундай овқат маҳсулотлари билан овқатлантирилган ҳайвонлар узоқ яшай олмади. Лекин шу сунъий тайёрланган овқатларга озроқ миқдорда бўлса ҳам табиии сут қўшилиб боқилган ҳайвонлар соғ қолди. Шунда Н. И. Лунин маълум бўлган овқатдаги бешта бирикма: яъни оқсиллар, ёғлар, углеводлар минерал тузлар ва сувдан ташқари, унда яна нималардир бўлиши керак деган фикрга келди ва буни тажрибада исботлаб берди. Бироқ ўша давр фанинг тараққиёти пастлиги туфайли Н. И. Луниннинг бутадқиқоти ўша вақтда етарлича эътироф этилмади ва кўп ўтмай унутиб юборилди.

1890 йили Яванинг абадий яшил тропик оролиги голландиялик врач Эйкман келади ва маҳаллий аҳоли орисида «бери-бери» деб аталувчи (уни таржима қилганди, «оёқ кишани» деган маънени билдиради) касаллик қади мдан кенг тарқалганини кўради. Бу киссаллик оёқ-

ларнинг увишиши билан бошланиб, кейин талваса тутар ва охири оёқлар фалаж бўлиб қолар эди. Қасалликнинг келиб чиқиши ҳам, даволаш усуслари ҳам номаълум эди. Эйкман ўзича кузатишлар олиб борди ва бир куни ката克拉даги оқланган гуруч (пўстидан тозалаб оппоқ ҳолга келтирилган гуруч) билан боқилган товуқлар ҳам одамларга ўхшаб «бери-бери» қасаллигига дучор бўлганини кўради. Эркинликда юрган, лекин дон ўрнида ўшандай оқланган гуруч бериб боқилган товуқларда эса «бери-бери» қасаллигига хос ўзгаришларни кўрмади. Шундан кейин у қасалликнинг сабаби, чамаси, оқланган гуручда бўлиши керак деган хulosага келади. Кейинчалик Эйкман тажриба ўтказиб — товуқларга фақат оқланган гуруч бериб боқади ва шу йўл билан товуқларда ўшандай қасалликни келтириб чиқаради. Товуқларни тузатиш мақсадида эса, уларни гуруч қипиғи билан боқади. Натижада, товуқлар соғайиб кетади. Бироқ олим бу қасалликнинг сабаби нимада эканини, уни қандай моддалар келтириб чиқаришини ёки нима етишмаганда мазкур қасаллик вужудга келишини ва нима учун гуруч қипиғи шифобахш таъсир кўрсатишини аниқлашга муваффақ бўлмади.

Иzlаниш давом этар эди. 1912 йили польшалик олим К. Функ шоли қипиғидан рангиз кристалл модда ажратиб олишга эришди. Бу моддадан жуда оз миқдорда бўлса ҳам қасал одам ёки ҳайвон, парранда овқатига қўшиб бериш полиневрит («бери-бери») қасаллигидан соғайиб кетишига олиб келди. Функ ихтиро қилган модда, олим тахмин қилганидек, тозаланган гуруч дони таркибида бўлмай, унинг қипиғида экан.

Олим тадқиқот ишларини давом эттира борди. Ўзи ихтиро қилган кристалл модданинг химиявий таркибини атрофлича ўрганди ва ниҳоят унинг таркибида амин групласига мансуб азот борлигини аниқлади. К. Функ бу шифобахш моддани латинча витамин, яъни «вита» — ҳаёт, «ҳаётбахш амин» деб атади.

«Бери-бери» қасаллигининг сабабини излаш туфайли мазкур модда кашф этилганда К. Функ дастлабки витаминни витамин «Б» ёки латин транскрипциясида «В» билан ифодалади. Шунга қараб биринчи марта витамин В<sub>1</sub> (тиамин) кашф этилган деса бўлади.

Орадан кўп вақт ўтмай, К. Функ ўзининг физиологик тажрибаларини ҳамда клиник маълумотларини умумлаштириб «бери-бери» қасаллигини авитаминоз (витаминеизланиб қолиш) деб таърифлади. Ўша йиллардан бошлаб витамин ҳақидаги таълимот жадал ривожланти-

риб борилди. Бошқа бир қанча касалликлар, масалан, шапкүрлик, камқонлик, тери касалликлари ва бир қанча бошқа касалликлар ҳам авитаминоздан эканлиги аниқланды, уларга даво бўлувчи янгидан-янги витаминлар топилди.

1920 йилга келиб ўзида «ўсиш фактори» ни сақловчи витаминни инглиз олими Друмонднинг таклифи билан «витамин В» деб аташ расм бўлди. Витамин В нинг таркибини ўрганиш натижасида унда одам организмига турли хил таъсир кўрсатувчи яна бир қанча физиологик актив моддалар, яъни витамин  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_6$ ,  $B_{12}$ ,  $B_{15}$ , PP ва фоли кислотаси борлиги аниқланди.

Бу группага мансуб витаминлар, бир томондан, организмдаги мураккаб моддалар алмашинуви жараёнини яхшилашга хизмат қилса, иккинчидан, нерв системаси нинг нормал ишлашига қулай шароит яратиб беради.

1921 йили рус олими Н. Д. Зелинский витаминлар ферментлар учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган фикрни илгари сурди. Мана шундан 11 йил ўтибдики, ферментлар таркибида витаминларнинг топилиши Н. Д. Зелинскйнинг башорат қилиб айтган сўзларини тасдиқлади. Қейинги йилларда 20 дан ортиқ витаминларнинг химиявий тузилиши тўла ўрганилиб, кўплари синтез қилинди. Бир қанча витаминлар табиатда битта модда бўлиб эмас, балки тузилиши ва физиологик таъсир кучи билан фарқ қиласидиган бир-бираiga яқин 3—5 та бирикмалар туркуми шаклида учраши аниқланди. Химиявий тузилиши жиҳатидан витаминларга яқин бир қанча моддалар, яъни уларнинг аналоглари ҳам синтез қилинди.

Витаминлар аслида организмда синтезланмайдиган ёки бироз миқдорда синтезланадиган паст молекулали органик бирикмалардир. Улар организмда моддалар алмашинуvida иштирок этади, одамнинг ташқи муҳитга мослашиш лаёқатига, меҳнат қобилиятига, ўсишига ва шунингдек организмнинг ҳар томонлама яхши ривожланаб боришига таъсир кўрсатади.

Витаминлар одатда асосан ўсимликларнинг яшил қисмida синтез қилинади. Бу эса уларнинг ўсимликлардаги мураккаб фотосинтез процесси билан боғлиқлигини кўрсатади. Бинобарин, ўсимликлар асосий витаминлар манбаи саналади. Бундан ташқари, бир қатор бактериялар борки, улар витамин ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлади. Буларга одам ичагидаги бактериялар, турли хил сув ҳавзаларида бактериялар мисол бўли олади.

Ҳозирги вақтда ўтказилган замонавий тадқиқотлар

шуни күрсатдики, витаминлар оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва микроэлементлар каби овқат маҳсулотларининг таркибий қисми ҳисобланади. Бинобарин, юқорида эслатиб ўтганимиздек, витаминлар боланинг тўғри ўсишига ва ривожланишига ёрдам беради, деярли барча моддаларнинг алмашинув процессида қатнашади, организмнинг турли касалликларга қарши чидамини оширади. Витамин бўлмаса, демак организмда моддалар алмашинуви бузилади, ҳаёт фаолияти издан чиқади, озиқ моддаларни ўзлаштириш, тўқима ва ҳужайраларнинг кўпайиши ва тикланиши бузилади. Шундай экан, улар ҳар кунги овқат маҳсулотлари таркибида етарли миқдорда бўлмоғи керак. Мана шунда организмда кечадиган моддалар алмашинуви ҳамда физиологик ўзгаришлар мувозанат сақлаб туради.

Витаминларнинг одам организмидаги муҳим вазифаларидан бири тўқималарда кечадиган реакцияларни тезлаштириш, яъни катализаторлик вазифасини бажаришидир. Организм учун муҳим ҳисобланган ферментлар ҳосил бўлишида иштирок этиши унинг аҳамиятини янада оширади.

Бундан ташқари, изланишлар шуни кўрсатадики, витаминлар организм тўқималарида биологик актив моддаларга — коферментларга айланиш хусусиятига эга экан. Коферментлар эса организмдаги ферментларга қўшилиб, уларнинг катализаторлик ролини оширади. Масалан, медицинада ишлатиладиган кокарбоксилаза коферменти витамин В<sub>1</sub> (тиамин) асосида олинган биологик актив моддалардан биридир. Бинобарин, витаминлар асосида коферментлар ёки уларга ўхшашиби биологик актив моддаларнинг яратилиши витаминология фанининг ютуқларидан саналади.

Витаминларнинг асосий манбай юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган овқат маҳсулотларидир. Шундай экан, аҳолининг овқат маҳсулотлари таркибида витаминларнинг организм учун етарли миқдорда бўлиши ҳамда овқат тайёрлаш жараёнида уларнинг иложи борича кўпроқ сақланиб қолишига эришиш овқат сифатини оширади.

Витаминларни тадқиқ этиш масаласига қайтар эканмиз Н. И. Лунин, К. Функ ва Эйкмандан ташқари рус олимлари В. В. Пащутин, С. А. Сосин ва америкалик биохимик Гепкинс ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлганилигини тан олишимиз керак.

1920 йилгача фан оламида фақат учтагина витамин: А, В, С маълум эди, холос.

Бизнинг мамлакатимизда витаминларнинг ҳаёт учун аҳамиятини жиддий ўрганиш асосан 1930 йилдан бошланди. Бу йилларда витаминларни тадқиқ этишга бағишиланган ишлар СССР фанлар Академияси қошидаги институтлар зиммасига юкланды. 1935 йилга келиб СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошида маҳсус Витаминология илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Институтнинг асосий илмий-тадқиқот ишлари овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминларнинг миқдори, организмнинг витаминларга бўлган талаб ва эҳтиёжини аниқлаш ва витаминлар етишмаслиги оқибатида органларда келиб чиқадиган ўзгаришларга бағишиланган эди. Шундан кейинги йилларда юқорида қайд этиб ўтилган илмий-тадқиқотлар қаторида витаминларнинг химиявий таркиби, структураси, уларнинг биохимиявий хоссалари ва синтетик йўл билан олиш усулларига бағишиланди. Бу ишларни амалга оширишда ватанимиз олимлари В. Н. Букин, Б. А. Курдяшов, В. А. Девятин ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. Мамлакатимизда витаминологларнинг катта мактаби ташкил топди, машҳур олимлар — витаминологлар етишиб чиқди. Эндиликда витаминларга бағишиланган илмий-тадқиқот ишларини ўзида мужассам этган витаминология соҳаси биология ва медицинанинг тараққий этган қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Замонавий витаминология витаминларнинг химиявий таркиби билан уларнинг овқат маҳсулотлари таркибидаги миқдорини ўрганибгина қолмай, балки уларнинг аҳоли орасида кенг истеъмол қилинадиган таомлар таркибидаги миқдорини сунъий усуллар билан кўпайтиришдек муҳим масалаларни ҳам ўрганмоқда.

Ҳозирги даврГача 30 га яқин витаминлар кашф этилган ва ўрганилган. Уларни латин ҳарфлари билан ифодалаш қабул қилинган: A, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub>, C, D ва ҳоказо.

Баъзи бир хил витаминлар сувда, бошқалари эса ёғда яхши эрийди. Уларнинг шу хоссаларидан келиб чиқиб сувда ва ёғда эрийдиган витаминларга тафовут қилинади.

Бундан ташқари, бир қатор ўсимлик маҳсулотларида шундай моддалар борки улар одам организмига тушганида ўзига хос витаминларга айланади. Ана шундай моддаларни фанда провитаминлар деб аташ расм бўлган. Бунга мисол қилиб сабзи ва ошқовоқ таркибидаги каротин (провитамин A) ни келтириш мумкин. Каротин одатда организмга тушгач тўқималарда маълум бир шароитда витамин A га айланади.

Одам организмининг витаминга бўлган эҳтиёжини ҳаммаси бўлиб бир неча миллиграммдан ташкил топган модда билан қоплаш мумкин. Бундай қараганда бу жуда оз, лекин шунга қарамай, витаминларнинг овқат маҳсулотлари таркибида шу миқдорда бўлиши одамнинг, хоҳ у катта бўлсин, овқати тўғри ташкил этилганлигининг мезонидир. Шундай экан, ҳар бир озиқ-овқат саноатида, омма учун мўлжалланган ошхоналарда, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар ошхоналарида хизмат кўрсатувчи ишловчилар, уй бекалари витаминларнинг организмдаги аҳамияти, қандай овқат маҳсулотларида бўлиши ва таомлар тайёрлашда витаминлар миқдорини яхши сақлаш йўллари тўғрисида етарлича билимга эга бўлмоқлари лозим.

Маълумки одам ҳаёт кечирар экан, унинг организмида муттасил моддалар алмашинуви процесси давом этади. Янги тўқималар эски тўқималар ўрнини қоплаб боради, эски ҳужайралар емирилиб янгилари бунёдга келади ва ҳоказо. Бу жараён таркибида витаминлар тутган ферментларнинг моддалар алмашинуви процессини тезлаштириши ҳисобига рўёбга келади.

Хозирги вақтда овқат ҳазм қилиш жараённида ҳам, шунингдек, органлар ўзининг асосий вазифаларини бажариши мобайнида ҳам витаминларнинг бевосита иштироки борлиғи аниқланган. Бошқача қилиб айтганда витаминлар организмда кечадиган асосий процессларнинг барчасида бевосита иштирок этади. Шунинг учун ҳам истеъмол қилинадиган кундалик овқат маҳсулотлари таркибида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар, микроэлементлар билан бир қаторда етарли дарожада витаминлар бўлиши кўп аҳамиятга эга деб тан олингандир. Айниқса, ўсаётган организм учун витаминларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам бирор бир витаминнинг болалар организмидаги салбий оқибатларга олиб келади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, гиповитаминос, авитаминос деб аталувчи касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Гиповитаминос — истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибида бир ёки бир неча хил витаминларнинг етишмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Авитаминос — истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибида бир ёки бир неча хил витаминларнинг узоқ муддат мобайнида кам бўлиши ёки умуман бўлмаслиги оқибатида келиб чиқадиган касаллик ҳолати (авитаминос сўзидаги биринчи «а» грекча олд қўшимча бўлиб, ўзбекча «йўқ» деган маъниони англатади).

Ҳозирги кунда мамлакатимизда витаминлар етишмаслиги ёки йўқлиги оқибатида келиб чиқадиган гиповитаминоз ёхуд авитаминоз касаллиги оммавий тарзда учрамайди. Лекин баъзи бир районларда гиповитаминоз аломатлари билан кечувчи айрим касаллик ҳолатлари учраб туриши мумкин. Бунинг асосий сабаблари аҳоли орасида ҳанузгача таркибида витаминлар тутадиган овқат маҳсулотларини яхши билмайдиган ёки ундай маҳсулотларни сақлай олмайдиган, овқат тайёрлаш жараёнида витаминларни сақлаб қолиш йўл-йўриқларига тушунмайдиган одамларнинг бўлишидир.

Аҳолининг, шу жумладан, ёш болаларнинг кўп миқдорда рафинация қилинган, яъни юқори температурада тозаланган овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши туфайли ҳозирги вақтда гиповитаминоз учрайдиган бўлиб қолди. Чунки овқат маҳсулотлари рафинатланганда ундаги витаминлар 30—50% гача камайиб кетади. Бу эса организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжини қондирмайди.

Бир қатор ўтказилган кузатишлар шуни кўрсатдики, Узбекистон шароитида қиши ва баҳор фаслларида таркибида витаминлар тутган овқат маҳсулотларини кам истеъмол қилинар экан. Етарли миқдорда истеъмол қилинадиган таомлар таркибида эса витаминлар кескин камайиб кетган бўлар экан. Республикаизда учрайдиган гиповитаминоз касаллигини ана шундай сабаблар билан боғлаш мумкин.

Бизнинг шахсий текширишларимиз эса Узбекистон аҳолисининг турли группалари орасида қиши-баҳор фаслларида витамин А билан С етишмаслигини кўрсатди. Овқат тайёрлаш технологиясини яхши билмаслик эса витаминлар миқдорининг янада камайиб кетишига олиб келади.

Маълумки, киши организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжи унинг ёшига, жинсига, яшаб турган жойнинг иқлим шароитига, организмнинг соғлиқ аҳволига ҳамда бажараётган меҳнат турига қараб ўзгариб туради. Бундан ташқари, оғир жисмоний ва ақлий меҳнат ҳам организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжини оширади. Истеъмол қилинадиган витаминларнинг миқдори эса йил фаслига ва иқлим шароитига ҳам bogлиқ. Масалан, шимол билан жануб районларда одам организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжи кўп бўлади. Шуни билган ҳолда овқат рационини тузишда организмнинг витаминга бўлган талабига қаралади. Бунинг учун эса кундалик овқат маҳсулотлари таркибида қанча миқдор-

да витамин бўлишини билиш пазандалар, уй бекалари учун жуда зарур.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, болалар организми униб-ўсаётганлиги туфайли улар оғирлигига нисбатан ҳисоблагандан витаминларга бўлган эҳтиёжлари кўпроқ бўлади. Катта ёшли кишиларни витаминлар барвақт қариб қолишдан асрайди. Улар учун овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар: А, Е, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>; В<sub>12</sub>, Р, РР, С, фоли ва пантотен кислоталари етарли миқдорда бўлиши керак.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё республикаларининг иссиқ иқлимли шароитида тер билан кўп миқдорда суюқлик чиқиб кетиши ва суюқлик билан бирга сувда эрувчи витаминлар ҳам кўп миқдорда ажраб туриши, шу туфайли эса организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжи янада ошиши етарли даражада олиб борилган тадқиқотлар билан тасдиқланди. Жумладан, ташқи муҳит ҳарорати +32°C бўлганда киши, одатда, +18°C га қараганда сувда эрувчи витаминларни икки баровар ортиқ истеъмол қилиши кераклиги қайд этилди. Тоғлик районларда эса витамин С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> ва РР ларга бўлган эҳтиёж беш баравар ортиқ экан. Ташқи муҳит ҳарорати паст бўлганда ҳам худди шунга ўхшаш ҳол кузатилади, яъни организмнинг витамин А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> ва С га бўлган эҳтиёжи ошар экан.

Йнсон учун муҳим аҳамиятга эга бўлган витаминларга қуйидагилар киради: сувда эрувчи витаминлардан— С, Р, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub>, РР; ёғда эрувчи витаминлардан А, Д, Е ва К.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, витаминлар етишмагандан гиповитаминос касаллиги келиб чиқандагига ўхшаш, витаминлар организмга ҳаддан зиёд кўп тушганда ҳам касаллик келиб чиқар экан. Бундай касалликни фанда гипервитаминос деб аташ расм бўлган. Гипервитаминос бир сўз билан айтганда витаминларни кўп истеъмол қилиш орқасида келиб чиқадиган касалликдир. У одатда витамин препаратлари синтезининг яхши йўлга қўйилганлиги, уларни bemalol харид қилиш мумкинлиги ва оқибатда керагидан ортиқ истеъмол қилиб юбориш натижасида келиб чиқади. Гипервитаминосда, масалан, витамин С кўп миқдорда истеъмол қилинганда организмда углеводлар алмашинувини бузилишга олиб келади (қонда қанд миқдори кўпайиб, сийдикда қанд пайдо бўлади, артериал босим эса кўтарилади). Бунга қўшимча минерал тузлар алмашинуви бузилади, сийдик билан кўпроқ

кальций чиқа бошлайды, бу — баъзи органлар функциясига, жумладан, юрак мускуларининг қисқарувчанлик вазифасига салбий таъсир кўрсатади. Бошқа яна бир мисол: аскорбин кислотанинг кўп истеъмол қириниши қоннинг ивиш функциясини сусайтириб қўяди, натижада, арзимаган яра-чақадан ҳам қон кетиши мумкин. Организмдан кўп миқдорда қон чиқиб кетдими, бу витамин С ҳам кўп миқдорда чиқиб кетди деган сўздир, бу эса ўз навбатида энди гиповитаминос келиб чиқишига сабаб бўлади.

Одатда, гипервитаминос А нинг ўткир ҳамда сурункали тури учрайди. Ўткир гипервитаминос А да хаддан ташқари қаттиқ бош оғриши, қайт қилиш, кўзнинг хира тортиб қолиши, бадан терисига майдо тошмалар тошиши, б—Т соатдан сўнг бадан териси палаҳсаналаҳса пўст ташлаши, организм ҳарорати кўтарилиб ланж бўлиш ва бошқа аломатлар кузатилади.

Витамин А билан сурункасига заҳарланганда, яъни гипервитаминонда тери ва шиллиқ пардалар, соchlар дагал тортиши, кўздан ёш оқиб туриши, кўз шох қаватининг қуриқшаб туриши, жигар билан талоқ катталашиб, суякларнинг деформацияга учраши кузатилган.

Гипервитаминос D катталаардан кўра болаларда кўпроқ учрайди. Бунинг асосий сабаби болалар рахит касаллигининг олдини олиш мақсадида витамин D ни кўп миқдорда қабул қилишлариdir. Унинг асосий белгилари: дармонсизланиш, ҳароратнинг кўтарилиши, чанқаш, кўп сийиш, сийдикда оқсили ва эритроцитлар бўлиши, айниқса болдир, жағ суякларнинг қаттиқ оғриши, иштаҳа пасайиши, баъзан қайт қилиш, бадан терисининг қуришиб туриши, сарғиш-гунгурт тусга кириши қайд қилинади. Юрак-томир системасида турли хилда ўзгаришлар юзага келади. Қондаги ишқорий фосфатазанинг активлиги кучайиб кетади, қон ва сийдикда кальций миқдори кўпаяди.

В группага кирувчи витаминалар кўп миқдорда қабул қилиб юборилганда одатда қисқа муддатли заҳарланиш белгилари кузатилади: одам бе-саранжом бўлиб, уйқуси йўқолади, юрак тез-тез ура бошлайди, бош оғрийди ва ҳоказо.

Никотин кислота кўп миқдорда қабул қилинганда ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар қайд қилинади: юз ва бўйин териси қизаради, бадан териси ачишиб туради, баъзан кўнгил айнийди. Бундай ҳолат ҳаммаси бўлиб 30—40 минут давом этади.

#### 2.4.1. ВИТАМИНЛАР МАНБАИ

Хозирги замон фани озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қандай витаминлар бор ва уларнинг миқдори қанча эканлигини айтиб бера олади, умуман, бу масаланинг ҳал бўлганлигига анча бўлган. Лекин жойларнинг географик шароити, иқлим, тупроқ тузилиши витаминлар ҳамма ерда бир хил тарқалган дейишга имкон бермайди, гарчи маҳсулотлар тури бир хил бўлса ҳам. Шуни инобатга олган ҳолда, аввало, жойлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминларнинг тури ва уларнинг миқдорини алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқмоқ зарур. Бунинг устига устак Ўрта Осиё иқлими шароитида бир йилда икки марта ҳосил кўтарилади, бинобарин, овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар ҳам шунга боғлиқ равишда озайиб ёки кўпайиб туради.

Умуман олганда бизда етиштириладиган деярли ҳамма овқат маҳсулотлари: сабзавот, мева, дуккакли ўсимликлар, гўшт, сут маҳсулотлари ва бошқалар таркибидаги витаминлар ва уларнинг миқдори аниқланган. Масалан, сувда эрийдиган витаминларнинг асосий манбай сабзавот ва мевалар ҳисобланади. Ўзидан барг чиқарадиган сабзавотлар витамин С, Р ва Е га бой бўлишидан ташқари, улар овқатни ҳазм қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Республиканинг катта экин майдонларига әкиладиган картошка, сабзя, қанд лавлаги, буррак, турп, редиска, шолғом ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўзида кўп миқдорда витамин С, Р ва провитамин А (каротин) дан ташқари, углеводлар, тузлар ва микроэлементлар сақлайди.

Пиёз ва саримсоқ аҳоли орасида кеиг истеъмол қилинадиган маҳсулотлар қаторига киради. Буларнинг таркибида витаминлардан ташқари алоҳида модда — фитонцид (микробларни ўлдирадиган моддалар) бор. Помидор, бақлажон, қалампир ўз таркибида юқорида қайд этилган витаминлардан ташқари минерал тузлар ва ўзига хос хушбўй ҳидли моддалар тутади.

Полиз маҳсулотлари (бодринг, ошқовоқ, тарвуз, қовун, таррак) таркибида витаминлардан ташқари организмга тез сўриладиган шакар ва минерал тузлар бор. Полиз, маҳсулотлари чанқовни босади, бундан ташқари, организмдан сийдик ҳайдайди. Ўрта Осиё иқлими шароитида, масалан, тоғли районларда ва қир-адирларда етиштириладиган ёнғоқ, тут, нок, тоғ олма, кўксултон ва бошқалар таркибида микроэлементлар, организмга

тез сўриладиган қанд кўп, витаминалар мўл бўлади. Мевалар ичидаги витаминаларнинг кўплиги жиҳатидан ўрик, шафтоли, олма, гилос, олча, анор, хурмо, лимон, беҳи, анжир, қулупнай кабилар алоҳида ўрин тутади.

Узум таркибидаги витаминаларни узоқ муддатгача сақлаб туриш хусусиятига эга. Дон маҳсулотлари витаминаларнинг В группасига бой. Лекин дон маҳсулотларидан тайёрланган таомлардаги витаминаларнинг миқдори тайёрлаш усулига боғлиқ равишда сақланиб қолади. Масалан, тоза қилиб оқланган гуруч таркибида қайд қилинган В группага кирувчи витаминаларни сақлаб қолмайди.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, дон маҳсулотлари, чунончи, бүғдой, гуруч, мош, ловия, нўхат, макка-жўхори кабиларни истеъмол қилиш билан бирга мева, полиз, гўшт ва сут маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилинса, организмнинг овқат маҳсулотларига, витаминаларга, микроэлементларга бўлган асосий эҳтиёжи бус-бутун қондирилган бўлади. Чунончи, гўшт маҳсулотлари таркибида оқсил, ёғ, углеводлар бўлиши билан бир қаторда ёғда эрийдиган ва В группасига кирувчи витаминалар бор. Айниқса, жигар, буйрак, мия каби органлар ўз таркибида кўп миқдорда турли хил витаминалар тутиши билан ажралиб туради.

Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли овқатида қўй ва мол гўшти ҳамда парранда гўшти кўп ишлатилади. Шулардан қўй гўштида витаминалар миқдори бошقا гўштлардагига нисбатан кўпdir. Гўшт маҳсулотлари садта қайнатилган ва қовурилган ҳолда истеъмол қилинади. Қишлоқ аҳолиси орасида қиш фаслида гўштдан ковурдоқ қилиб олиб узоқ муддат сақлаб ишлатиш ҳам одат тусига кирган. Бундай қилинганда гўшт сифати ва ундаги витаминалар миқдори пасайиб кетишини унутмаслик керак.

Сут ва сут маҳсулотлари ҳам республикамиз аҳолиси орасида қадим замонлардан бери кенг истеъмол қилиб келинади. Сут ўз таркибида асосий озиқа моддаларидан ташқари деярли ҳамма витаминалар: A, E, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub>, B<sub>12</sub>, PP, C ва бошқаларни тутади.

Сутнинг ўзидан ташқари, ундан тайёрланадиган маҳсулотлар, жумладан, кефир, қатиқ, қаймоқ, айрон, қурт, сузма ҳамда сутга ишлов бериб олинадиган маҳсулотлар — сариёғ, ҳар хил пишлоқлар аҳоли ўртасида кенг тарқалган озиқа маҳсулотлариdir. Бундай озиқ-овқатлар таркибида витаминалар узоқ муддатгача ўз миқдо-

рини ўзгартирмаган ҳолда сақланади. Аммо бу хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ муддат истеъмол қилиб, бошқа овқат турлари билан ўзгаририлмайдиган бўлинса, истисносиз айтиш мумкинки, организмда, айниқса болалар организмида витаминнинг у ёхуд бу турининг етишмаслик ҳолати юзага келади. Шу сабабли бир кунлик овқат маҳсулоти организм эҳтиёжини қоплайдиган даражада ҳамма витаминларни ўзида сақлаган озиқа моддалар бўлмоғи лозим. Бинобарин, юқорида номлари келтириб ўтилган овқатлар таркибида витаминларнинг бирортасининг етишмаслиги айниқса ўсиб келаётган болаларни ҳар хил касалликларга берилувчан қилиб қўйишини ҳам ота-оналар ҳеч қачон унутмасликлари керак.

#### 2.4.2 СУВДА ЭРИИДИГАН ВИТАМИНЛАР

**Витамин С (аскорбин кислота)** овқат маҳсулоти таркибида эркин, оксидланган ва бирикма ҳолида учрайди. Оксидланган формаси ҳам эркин формасига ўхшаш организмга тўла сўрилиш хусусиятига эга, лекин бирикма ҳолида учрайдиган тури эса организмга тўла сўрилмайди. Витамин С нинг оксидланган формасини дегидроаскорбин кислота, бирикма ҳолидагисини эса аскорбиноген деб аташ расм бўлган. Аскорбиноген аскорбин кислота активлигининг ярмини, бирикма ҳолидаги формаси эса сабзавот ва мевалар таркибидаги умумий витамин С нинг 80 процентини ташкил қиласди.

Витамин С организм фаолиятида муҳим роль ўйнайди. У оқсил, ёғ, углевод ва минерал тузлар алмашинувида фаол қатнашади, ферментлар ҳамда ички безлар функциясини оширади, ҳужайра ва тўқималар ўсишини тезлаштиради.

Витамин С ферментлар таркибига киргани ҳолда ҳамда эркин аскорбин кислота ҳолида организмдаги биохимиявий процессларда актив қатнашади. У юрак-томир, жигар ва бошқа органлар функциясининг нормал кечишида фаол қатнашади. Витамин С жароҳат битишини тезлаштирувчи оқсил — коллаген ҳосил бўлишида муҳим функцияни ўтайди. Ушбу оқсил моддаси алоҳида ҳужайралардан тўқима ҳосил бўлишида иштирок этади. Шу сабабли аскорбин кислота етишмаганида жароҳат битиши чўзилиб кетади.

Аскорбин кислотанинг организмдаги аҳамияти қон томирларни, айниқса, капиллярлар деворини мустаҳкамлашда, эластиклигини оширишда янада ортади. Бунинг

сабаби шундаки, витамин С организм учун зарур аҳамиятга эга бўлган яна бир оқсил модда — хондромукоид ҳосил бўлишида иштирок этади, бу модда эса қон томирларнинг эластиклигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам организмда витамин С етишмаганда қон томирлар фаолияти бузилади, натижада, милклар қонайдиган бўлиб қолади, тери қатламларига қон қўйилади, организмнинг юқумли касалликларга иисбатан чидамлилиги пасайиб, дам-бадам ҳар хил дардларга чалиниб турдиган бўлиб қолади.

Шуни қайд қилиб ўтиш ўринлики, истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотида витамин С нинг миқдори етарли бўлишига қарамай, агар одам меъда, ичак, жигар касалликларига дучор бўлган бўлса, уларда витаминларнинг организмга сўрилиши камайиб, оқибат натижада, гиповитаминоz С ҳолати юзага келиши мумкин. Ўзўзидан маълумки, бундай ҳолларда организмнинг витаминга бўлган эҳтиёжи янада ошади. Буни уйқучанлик, диққатнинг тез-тез чалғиб туриши ва иш қобилиятининг кескин пасайиб кетганидан ҳам билса бўлади.

Витамин С асосан янги сабзавот ва меваларда бўлади: Айниқса, кўк пиёз, қора смородина, наъматак мевасида, лимон, апельсин, помидор, карам ва картошка таркибида кўпdir. Шундай бўлгач, ёз ва куз фаслларида организмни витамин С га бўлган эҳтиёжини тўла қондириб юриш мумкин. Аммо қиши фаслида бу қийин бўлади, чунки озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ муддат сақланганда таркибидаги витамин С нинг миқдори 50 процентгача камайиб кетади. Шуни назарга олган ҳолда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги 1972 йил 24 авгуstdagi 695-сон буйруғига асосан болалар, ўсмирлар ҳамда баъзи бир корхона ишчиларининг овқатига қўшимча витамин С препаратини қўшиб бериш тавсия этилади.

Бундан ташқари, организмнинг ўшига қараб витамин С га бўлган унинг эҳтиёжи ўзгариб туради, буни биз юқорида эслатиб ўтган эдик. Махсус тузилган З-жадвалда унинг миллиграмм ҳисоблари батафсил келтирилган, қаранг.

**Витамин В<sub>1</sub> (тиамин)** аввало организмда углеводлар ва сув алмашинувида иштирок этади. Витамин В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub> ва пантотен кислота эса оқсилининг углеводга, углеводнинг эса ёғга айланишида ҳамда қон айланиши ва меъда-ичак ишининг яхшиланишида иштирок этади.

**Болаларниң әшига қараб витаминларга бұлған  
бир күнлик әхтиёжи (мг ұисебида)**

Болаларниң әши	A мг ва УБ	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>6</sub>	C	РР	ДХБ
1 ёшгача	0,5 (1650)	0,5	1,0	0,5	30	5,0	500
1—3 ёш	1 (3300)	1,0	1,5	1,0	40	10,0	500
4—6 ёш	1 (3300)	1,5	2,5	1,5	50	10,0	500
7—12 ёш	1,5 (5000)	1,5	3,0	1,5	60	1,5	500
13—15 ёш	1,5 (5000)	2,0	3,0	2,0	70	20,0	500

Узоқ муддат давомида витамин В<sub>1</sub> кам бўладиган овқат маҳсулотларини истеъмол қилинганда марказий нерв системасининг иши ҳамда овқат ҳазм қилиш фаолияти бузилиши кузатилади. Бундай ҳолларда аввало тинка қуриши, тез толиқиши ҳамда иштаҳанинг пасайиши каби белгилар кўрилади. Ёш болаларда витамин В<sub>1</sub> етишмагандан кекириш, ич қотиши, қорин шишуви каби аломатлар қайд қилинади.

Витамин В<sub>1</sub> қора нон таркибида, жайдари ун маҳсулотларида, хамиртуришда, арпа, қора буғдой ҳамда дуккакли ўсимликлар таркибида кўп бўлади. Жигар ва буйрак ҳайвонот маҳсулотлари ичидаги витамин В<sub>1</sub> ни кўп сақлаши билан ажralиб туради.

Витамин В<sub>1</sub> ташқи муҳит таъсирига чидамли, шу сабабли таом тайёрлаш давомида парчаланиб йўқолиб кетмайди.

**Витамин В<sub>2</sub> (рибофлавин)** ҳам бошқа витаминлар қатори моддалар алмашинувида, организмнинг ўсиши ва камол топишади, нерв системаси барқарор ишлашида, витамин РР нинг активлигини оширишда, витамин В<sub>6</sub> ва пантотен кислотанинг сўрилишида ҳамда кўриш органдарни хусусан капиллярлар тонусини сақлашда роли бор. Бинобарин, ушбу витаминнинг организмда етишмаслиги ёки йўқлиги моддалар алмашинуви бузилишига, лаблар қуришига, ёрилишига, соч тусининг ўзгаришига, тўкилишига ҳамда тери сатҳида ҳар хил ўзгаришлар, жумладан, шўралаш, дағаллашиш кабиларга сабаб бўлади.

Болаларда витамин В<sub>2</sub> етишмаганида иштаҳасининг пасайиши, ўсиш процессининг сусайиши, умумий вазнининг камайиши, тинка қуриши, толиқиши каби ўзгаришларни қайд қилиш мумкин. Кўпинча шиллиқ қаватларда, жумладан, кўз соққалари бурчакларида, оғиз бўшлиғида майда ярачалар, қизаришлар, милкларнинг ял-

лигланиш аломатлари пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда терининг қуриши, шўралаши, пўст ташлаши, лаб бурчакларида ёрилиш ва ярачалар ҳосил бўлади.

Витамин В<sub>2</sub> нинг ҳомиладор аёллар истеъмол қила-диган овқат маҳсулотларида камайиб кетиши ҳомила-нинг чала туғилишига, эмизикли аёлларда эса кўкрак бези учининг ёрилишига ва уларнинг жуда секин бити-шига олиб келади.

Витамин В<sub>2</sub> асосан ҳайвонот маҳсулотларида, чунон-чи: гўштда, жигарда, тухумда, сут ва сут маҳсулотлари-да ҳамда хамиртуришда кўп.

Витамин В<sub>6</sub> (**пиридоксин**) модда алмашинуvida, ай-ниқса оқсилни парчалашда, чунончи организм учун зарур бўлган аминокислоталардан триптофан ҳамда глю-тамин кислотанинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Ай-ниқса, бу марказий нерв системаси фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, витамин В<sub>6</sub> қон айланиши ва меъда ости безидан кислота ажралиши процессининг нормал кечишида иштирок этади.

Организмда витамин В<sub>6</sub> етишмаганида болаларда бе-саранжомлик, инжиқлик каби аломатлар кузатилади. Баъзи бир болаларнинг эса ўсишининг сусайиши, ишта-ҳасининг пасайиши ва сусткашлик қайд этилади. Бундан ташқари, витамин В<sub>6</sub> етишмаганида терида қуруқ экзе-ма касаллиги, қон таркибида эса лейкоцитлар миқдори камайиб кетиши кузатилган ҳоллар маълум.

Витамин В<sub>6</sub> асосан ҳайвонот маҳсулотларида, чунон-чи, гўшт, жигар, балиқ, тухум сарифида, қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотларидан мева ва сабзавотларда кўп бў-лади.

Витамин В<sub>12</sub> (**цианокобаламин**) оқсиллар алмашину-vida, қон танаачалари ҳосил бўлишида қатнашади. Ушбу витамин организмда етишмаганда камқонлик, меъда ва ичак фаолиятининг сусайиши кузатилади. У гўштда, тухум сарифи, сут ва сут маҳсулотлари таркибида кўп бўлади. Ичакларда микрофлора иштироқида витамин В<sub>12</sub> кам миқдорда бўлса ҳам синтез бўлади.

Витамин В<sub>c</sub> (**фоли кислота**) қон танаачалари ҳосил бўлишида, жумладан, қизил қон танаачалари синтез бў-лишида иштирок этади. Организмда Витамин В<sub>c</sub> етиш-маганида, масалан, болаларда камқонлик — эритроцит-лар, лейкоцитлар ва тромбоцитларнинг миқдори камайи-ши, меъда-ичак фаолиятининг бузилиши, лаблар бичили-ши ва ич кетиш аломатлари кузатилади. Витамин В<sub>c</sub> жигар, тухум сарифи, гул карам, картошка, помидор, сабзи, ловия, мошда, петрушка, укропда кўп бўлади.

**Витамин В<sub>3</sub> (пантотен кислота)** деярли ҳамма моддалар алмашинуvida иштирок этади, ички безлар, хусусан, буйрак ости бези фаолиятида ҳам унинг хизмати бор.

Витамин В<sub>5</sub> организмда етишмаганида тинка қуриши, ҳафсаласизлик, иш қобилиятининг пасайиши, асаб бузилиши ҳамда нафас органлари инфекцияларига организмининг қарши курашиш қобилиятининг камайиши кузатилади.

Витамин В<sub>5</sub> бир қатор қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотларидан, жумладан, дон, картошка, дуккакли ўсимликларда ҳамда гүшт, балиқ ва тухумда мұл бұлади.

**Витамин Р — флавонлар** (флавон, катехин, антоциан) ва бошқа моддалар (масалан, танин) деб аталувчи катта бир группага киради. Бу витаминнинг асосий функцияси витамин С иштирокида қон томир деворларини мустаҳкамлашда иштирок этишdir. Унинг шу хосса-сидан келиб чиқиб уларни құш витаминлар деб ҳам аталади. У организмда кечадиган оксидланиш процессини жадаллаштиради, витамин С нинг биологик кучини оширади ва унинг түқима ва органларда түпланишини таъминлайди.

Ушбу витамин истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотларида бұлмаганда ёки етишмаганида қон томирларнинг эластиклиги йұқолиб мұртлашади, ёрилувчан бўлиб қолади, шу сабабли шиллиқ қаватда ва терида қон қуиши, иш қобилиятининг пасайиши, бўғимларда оғриқ туриши кабилар кузатилади.

Витамин Р овқат маҳсулотларида витамин С билан бирга учрайди. Шунинг учун ҳам овқат маҳсулотлари қанчалик витамин С га бой бўлса, витамин Р ҳам шунчалик кўп бұлади. Витамин Р га кўк чой, наъматак уруғи, қора смородина, гул карам, нұхат, сабзи, лавлаги, апельсин, олхўри, узум ва бошқа қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотлари бойдир.

**Витамин РР (никотин кислота)** организмда қирқдан ортиқ муҳим биохимиявий процессларда иштирок этади. Қон таркибидаги холестериннинг мувозанатида, меъда фаолияти яхшиланишида витамин РР нинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, марказий нерв системасининг функцияси нормал кечишида, овқат маҳсулотлари сўрилишида ва ҳазм қилинишида, шунингдек, меъданинг хлорид кислотаси ажралишида ҳамда жигар яхши ишлашида у актив иштирок этади. Витамин РР барқарор бирикмаларга киради, у юқори ҳароратда кислород ва қуёш нури таъсирида ўзгармайди, узоқ муддатда сақ-

ланганда, мевалар консерва қилинганда ҳамда овқат тайёрланганда ҳам ўз қийматини ва миқдорини йўқотмайди.

Шунга қарамасдан баъзи ҳолларда организмда ушбу витаминнинг етишмаслиги кузатилади. Айниқса бу кундалик овқат рациони нотўғри тузилганда ва овқат режимига риоя қилинмайдига қишиларда кузатилади.

Бундан ташқари, кундалик овқатга ўзида оқсил тутган овқат маҳсулотларини кам истеъмол қилинганда ҳам организмда витамин РР ни ўзлаштириш пасайиб кетади.

Организмда мазкур витамин етишмаганида иштаҳанинг пасайиши, умумий ҳолсизлик, тез чарчаҳ, хотира-нинг сусайиши кабилар қайд этилади. Агар у одамда узоқ муддат (хроник) етишмай қолса пеллагра деб атальувчи оғир касаллик юзага келади.

Организмнинг витамин РР га бўлган эҳтиёжини асосан кунлик истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотларини тўғри танлаш билан қондириш мумкин.

Витамин РР гўшт маҳсулотларида, балиқ, қора буғдой, иўхат, гуруч, кепак, помидор ҳамда пива ачитқисида кўп бўлади.

#### 2.4.3. ЕФДА ЭРИИДИГАН ВИТАМИНЛАР

**Витамин А (ретинол).** Бу витаминнинг организм учун аҳамияти жуда катта. Витамин А кечаси кўришга хизмат қиласиган кўз тўр пардасининг таркибига киради. У оқсиллар алмашинувида, организм учун муҳим аҳамиятга эга бўлган гармонлар синтез қилинишида, асосий овқат маҳсулотлари сўрилишида ҳамда ёш организмнинг ўсишида, ривожланишида, организмда иммунитет ишланишиб чиқишида ҳамда организмни ташқи муҳит таъсиридан сақлашда ва бошқа муҳим процессларда иштирок этади.

Витамин А табиатда икки хил шаклда учрайди: 1) каротиноидлар — ўсимлик маҳсулотларида бўладиган ҳамда ингичка ичакда витамин А га айланадиган ва жигарда тўпланадиган биологик актив модда; 2) ҳайвонот маҳсулотлари таркибида учровчи витамин А.

Каротиноидлар ўсимлик маҳсулотларида кўп миқдорда бўлиб альфа, бета ва гамма изомерлари шаклида учрайди. Бу изомерларнинг ҳаммаси витаминга хос активликка эга, лекин альфа-каротин ўзининг активлиги билан бошқалардан ажralиб туради. Масалан, унинг активлиги бета-каротинга нисбатан 2 бара-

вар, гамма-каротинга нисбатан эса 3—4 баравар кўпdir.

Одатда, организмдаги мураккаб биохимиявий ўзгаришлар натижасида каротин витамин А га айланади. Каротиннинг организмга сўрилиши унинг ёнда эриш хоссасидан келиб чиқади. У фақат эриган ҳолда организмга сўрилади. Шу сабабли ҳам организмнинг ушбу витаминга бўлган эҳтиёжини қондириш ўсимлик таркибидағи каротиннинг қандай хоссада организмга тушишини ва истеъмол қилинадиган таомлар қандай усолда тайёрлашига боғлиқ.

Витамин А организмда етишмаганда шапкўрлик, кўзларнинг, юқори нафас органларининг, меъда ва ичак шиллиқ қаватларининг яллиғланиши, тиш ва суюк тўқималарнинг такомиллашиши, сусайиши ҳамда организмнинг юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилияти пасайиши кабилар қайд этилади.

Бундан ташқари, гиповитаминоz А да тери рангизланишиб қуришади, эластиклиги йўқолади, соч илдизлари қаттиқлашади, қуриб рангизланади ва тўқила бошлайди, тирноқлар юзасида оқ доғчалар пайдо бўлади, киши турли хил йирингли яраларга (маддаларга) берилувчан бўлиб қолади.

Витамин А нинг организмда етишмай қолишига асосан таркибида каротин тутган ўсимлик маҳсулотларидан нотўғри усолда таом тайёрлаш ва сурункасига бир хил овқат истеъмол қилиш сабаб бўлади. Масалан, каттакатта қилиб тўғралган сабзи таркибидаги каротиннинг фақат 5 проценти ўзлашса, майда қилиб тўғралган сабзи таркибидаги каротиннинг 10—20 проценти ўзлашади. Агар мана шундай майда қилиб тўғралган сабзини ёнда яхшилаб қовуриб димлаб пиширилса, унинг организм томонидан ўзлаштирилиши 50—80 процентга кўпайиши аниқланган. Мана таом тайёрлашни билишнинг аҳамияти қанчалик катта!

Каротиннинг витамин А га айланиши ичаклар, жигар касалланганда ва бошқа касалликларда бузилади. Бундай пайтларда организмнинг витамин А га бўлган эҳтиёжи унинг тайёр ҳолдаги шаклларидан фойдаланиш ҳисобига қондириб турилади.

Маълумки, каротин витамин А га нисбатан организмга кам ва суст сингади. Масалан, агар овқат маҳсулотлари таркибидаги витамин А овқат истеъмол қилингандан кейин ўртacha 3—5 соатдан сўнг сўрилса, каротин 7—8 соатдан сўнг сўрилади. Бундан ташқари, каротин ҳамда витамин А нинг яхши сўрилиши учун витамин Е

(токоферол) нинг организмда етарли бўлиши ижобий аҳамиятга эга. Шунингдек, истеъмол қилинган овқат орқали тушган каротиноидларнинг фақат 33 процентини организм ўзлаштиради. Ўзлаштирилган шу каротиноидларнинг тахминан 50 проценти организмда витамин А га айланаб улгуради.

Витамин А га бой бўлган овқат маҳсулотларига: сут ва балиқ ёғи, балиқ, денгиз ҳайвонлари жигари киради. Ўсимликлардан исмалоқ, қизил чучук қалампир, кашнич, петрушка, укроп ва қовоқда у кўп бўлади.

**Витамин D (кальциферол)** ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган суяк тўқималари ҳосил бўлишида, яъни кальций ва фосфор тузлари суякда тўпланишида ва умуман суяк скелети шаклланишида бевосита иштирок этади.

Айниқса у болаларнинг ўсиш даврида катта аҳамиятга эга бўлади, чунки ҳаммага маълумки, бу даврда асосан суяк тўқималари такомиллашиб боради.

Маълумки, соғлом одамнинг терисидаги ёғ безлари тери юзасини ёғлаб турувчи ёғсимон модда ажратиб турди. Мана шу ёғсимон моддага, яъни тери мойига қуёшнинг ультрабинафша нури таъсир қилганда бу модда биологик жиҳатдан актив витамин D га айланади. Ҳосил бўлган витамин D кальций ва фосфор тузлари алмашинувини нормага солиб турди. Кўриниб турибдик, витамин D ўсимлик ва ҳайвон тўқималарида синтез қилинади. У асосан тухум, балиқ уруғи, балиқларнинг айрим турлари ва мойиннинг таркибида, хусусан, треска балифининг ёғи ва жигаридаги мўл бўлади.

Болаларнинг, айниқса, гўдак ёшдаги болаларнинг организмида витамин D сурункали етишмагандага рахит деб аталувчи касаллик келиб чиқади. Бунда биринчи галда суяк тўқималарининг нормал ривожланиши, қон, мушакларда фосфор ва калий тузлари миқдорининг камайиши характерлидир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, суяк тўқималарини ташкил қилувчи ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши сусаяди, натижада, суяклар юмшаб, ўзининг нормал шаклини йўқотади ва қинғир-қийшинқ бўлиб қолади.

Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, гарчи она сути таркибида витамин D етарли бўлмаса-да, рахит касаллиги эмизикли болалар ўртасида кам учрар экан. Бунга сабаб она сути таркибида кальций билан фосфор тузлари ўзаро нормал нисбатда бўлишидир.

Болалар кундалик овқатланиш режимишинг бузилиши, пала-партиш овқатланиш, натижада, овқат маҳсуз

лотлари — оқсил, ёғ, углеводлар, минерал тузлар ва витаминаларнинг ўзаро нисбати бузилиши оқибатида ҳам гиповитаминос D касаллиги келиб чиқади. Устига-устак бунда овқат маҳсулотларининг организмга сўрилиши, ҳазм бўлиш жараёни издан чиқади.

Одамлар одатда организмнинг витамин D га бўлган эҳтиёжини қондириш учун қадимдан қўёшнинг ультрабинафша нурларидан фойдаланиб қелганлар. Қўёш нури таъсирида провитамин D витамин D<sub>3</sub> га айланади.

Витамин D дан рахит касаллигини даволашда фойдаланилганда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки витамин D кучли биологик таъсир этиш хоссасига эга бўлиб, уни керагидан ортиқ бериб юборилганда болани юқорида қайд этилган гипервитаминос D деб аталувчи оғир касалликка дучор қилиб қўйиш мумкин.

Витамин D асосан ҳайвонот маҳсулотларида бўлади. Ўсимлик маҳсулотларидан фақат баъзи бир қўзиқоринларда бор. Эргостерин ва 8-дегидрохолестерин асосан балиқ маҳсулотларида, сариёда, тухум сариғида бўлади.

**Витамин Е (токоферол).** Токоферол сўзининг маъноси «насл етиштирувчи» демакдир. Бу витаминни Эванс 1925 йили буғдой куртагидан ажратиб олган. 1936 йилга келиб витамин Е нинг альфа, бета, гамма шакллари синтетик усуlda олинади. Мана шу уч хил токофероллар ичida альфа-токоферол бета- ва гамма-формаларига нисбатан икки баровар ортиқ биологик таъсир кучига эга.

Витамин Е одам организмида оқсил, ёғлар, углеводларни ўзлаштиришда иштирок этиши билан муҳим физиологик вазифани ўтайди. Витамин Е иштироқида бошқа витаминаларнинг, жумладан, витамин А билан каротиннинг организмга сўрилиши ва ўзлаштирилиши ошади.

Токоферолларни фақат ўсимликлар синтез қилиб, одам ва ҳайвон организмида овқат маҳсулотлари орқалигина тушади. Агар овқат таркибида витамин Е этишмаса, ҳайвонларнинг нерв системасида, мушакларида нормал физиологик ҳолат издан чиқади, уларнинг жинсий фаолияти сусайиб, бепушт бўлиб қолади. Булардан ташқари, витамин Е нинг этишмаслиги туфайли ҳайвонлар шол бўлиб қолиши, бўғоз ҳайвонларнинг эса бола ташлаши кузатилади.

Эмизикли болаларда эса витамин Е этишмаганда диатез касаллиги, катталарда эса мушаклар дармонсизлиги, қувватсизланиш, тез чарчашиб каби ҳоллар қайд қилинади.

Витамин Е га бошоқли ўсимликларнинг куртакли қисмлари ва ўсимликларнинг яшил қисмлари, пахта ва жўҳори мойлари, кўк нўхат, шунингдек, сигир сути, мол гўшти, сариёф, жигар бойдир. Организмнинг витамин Е га бўлган эҳтиёжини қондириш учун овқат маҳсулотлари хилма-хил бўлиши керак.

**Витамин К (филлохинон).** Витамин К 1929 йилда копенгагенлик олим Дам томонидан кащф этилган. Дастрраб олим бошоқли ўсимликлар таркибида қандайдир номаълум, аммо қон қуюлиши касаллигининг олдини оладиган витамин бор деган хуносага келган. Қачонки, мазкур витамин маълум бўлгач унга витамин К (коагуляция витамини) деб ном берилган.

Витамин К демак қон ивиш процессида актив қатнашади. Аниқроқ қилиб айтганда, организмда маҳсус моддалар, жумладан, тромботропин, протромбин ҳосил бўлишида ва уларнинг қон ивишини нормал сақлаб туришида витамин К нинг хизмати катта.

Организмда гиповитаминон К ёки авитаминон К касалликлари келиб чиқсанда милкларнинг қонаши, сал урилган ёки лат еганда тери осталрига қон қўйилиши, натижада, у кўкариб қолиши кузатилади.

Паррандалар витамин К ни фақат овқат маҳсулотлари орқали олса, одам ва ҳайвон организмида витамин К ичаклардаги бактериялар синтези орқали ҳам ҳосил бўлади.

Витамин К га бой ўсимликлардан карам, бедани, ҳайвон маҳсулотларидан жигарни мисол келтириш мумкин.

Шундай қилиб, организм нормал тарақкий этиши учун барча витаминларнинг истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибида етарли даражада бўлиши муҳим аҳамиятга эга экан. Бунга кундалик тайёрланадиган таомлар таркибидаги витаминлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда овқатларни гигиена талабларига риоя қилиб тайёрлагандагина эришиш мумкин.

Қўйида 100 г қишлоқ хўжалиги ва ҳайвонот маҳсулотлари таркибидаги витаминлар миқдори келтирилган, 4—5-жадвалларга қаранг.

Тайёр овқат маҳсулотларида витаминларни қандай сақлаш мумкин? Одатда, узоқ муддат сақлашга мўлжалланган овқат хом ашёлари истеъмол қилинадиган овқатлар турини кўпайтириш имконини беради. Бунда фақат сақланаётган маҳсулотлар ўз сифатини йўқотмаслиги, озиқавий ва биологик хоссаларини, жумладан, витаминлар миқдорини сақлаб қолиши талаб этилади. Бунинг

**100 г маҳсулот таркибидағи витамин В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, РР, В<sub>12</sub>  
ва фоли кислота миқдори (г ҳисобида)**

Маҳсулотлар	В <sub>1</sub>	В <sub>2</sub>	В <sub>6</sub>	РР	В <sub>12</sub>	ФОЛИ КИСЛОТА
-------------	----------------	----------------	----------------	----	-----------------	-----------------

*Сабзавотлар*

Қашнич, петрушка	30—60	—	—	—	—	—
Үкрап	135	—	—	—	—	—
Қызыл қалампир	120	30—138	—	220—1	—	—
Күк пиёз	50	24—123	—	100—182	—	11
Бош пиёз	80—100	—	—	—	—	5
Исмалоқ	2360	60—90	—	7750	—	—
Карам	37—260	50—215	—	210—290	—	15
Помидор	90	0,004	—	16500	—	—
Томат	60—160	37—70	—	280—580	—	—
Сарық сабзи	49—180	50—70	190	200—1470	—	—
Қызыл сабзи	—	20	—	1400	—	—
Қызыл лавлаги	25—50	85	—	522—650	—	9
Қовоқ	20	—	—	240	—	—
Тарвуз	30—40	25—69	—	1000—101	—	—
Қовун	46—180	26—75	—	5500	—	10
Картошка	100	10	—	—	—	11

*Мевалалар*

Олма	50	5—30	—	50—91	—	1
Нок	25—45	7—30	—	91—140	—	—
Үрик	30—60	88	—	136	—	—
Шафтоли	5—30	50—65	—	7900	—	—
Олхўри	48—105	38	—	3900	—	—
Лимон	20	3—4	—	154—190	—	—
Анжир	60—65	38	—	630	—	—
Қызыл смородина	30—45	—	—	—	—	—
Наъматак	—	30	—	—	—	—
Малина	25—30	—	—	—	—	—
Маймунжон	22—45	—	—	—	—	—
Енроқ	300	—	—	—	—	—
1-нав қора чой	940	—	—	1524000	—	—
Күк чой	190	—	—	102000	—	—

*Дон маҳсулотлари ва ачитқилар*

Жайдари буғдой	440	—	—	1220—1290	1300	—
Жайдари буғдой муртаги	—	3500—5000	—	—	—	—
Қора жавдари буғдой	—	—	—	4400	—	—
Жавдари буғдой иони	160—280	67—120	—	910—2800	—	—
Қора жавдари буғдой иони	360—390	—	—	—	—	—

**4-жадвал ник г давоми**

Маҳсулотлар	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>6</sub>	РР	B <sub>12</sub>	ФОИИ микдота
Оқ жавдари бүгдой иони	30—60	—	—	—	—	—
Қуруқ пива ачитқиси	2000	12430	5180	4000—60000	—	1470
Қуруқ ион ачитқиси	2700—6600	—	—	—	—	—
Пүсти тозаланмаган гуруч	440	75—12	690	600	—	—
Пүсти тозаланган гуруч	40—80	53	—	900	—	—
Маккажұхори	440—560	82	790	—	—	24
Сарық маккажұхори	230—300	35	—	2600	—	—
Оқ маккажұхори	300—330	63	—	1800	—	—
Сули	540	60	—	1600	—	—
Арпа	360—610	7	—	4700	—	—
Құқ нұхот	80	134—200	—	700—1820	—	—
Сарық ловия	1600—3080	—	—	4900	—	—
Мош	1000	—	—	—	—	—

**Хайвон маҳсулотлари**

Сигир сути	100—127	—	160	80	7,5	0,4
Сигирнинг ёзги сути	800	—	—	—	—	—
Пишлок	—	—	—	—	—	—
Саріеф (ёзги)	3	12	—	—	—	—
Тухум сариги (ёзги)	220—420	288—766	—	36	—	—
Мол гүшти	65	140—220	—	7100—7200	—	10
Құй гүшти	—	1700—5400	1380	17200	—	—
Буқа жигары	225—400	1500—3600	—	11750	35—50	160
Мол буйраги	180—320	1750—2200	—	734	24—32	45
Сардин	30	480	—	2000—3500	—	—
Балиқ икраси	90	140	—	—	—	—

**5-жадвал**

**100 г маҳсулот таркибидаги витамин С, А, D, каротин миқдори (г ҳисебида)**

Маҳсулатлар	C	A	Каротин	D
<i>Сабзавотлар</i>				
Кашнич, петрушка	100000	—	10000	—
Укроп	135000	—	—	—
Құқ қалампир	—	—	1620—2350	—
Қизил қалампир	300000	—	13900	—
Зирк (қорақанд)	120000—164000	—	—	—
Құқ пиёз	50000—60000	—	2000—3750	—

5-жадвалниң давоми

Маҳсулотлар	C	A	Кароти т	D
Бош пиёз	5000—10000	—	—	—
Шовул, күзиқулоқ	12000—14000	—	5000	—
Исламоқ	16000—40000	—	6250—15000	—
Турп	10000—20000	—	—	—
Момақаймоқ				
барги	—	—	5960	—
Хрен	100000	—	—	—
Қарам	25000—66000	—	37	—
Томат	20000—40000	—	5000	—
Сариқ сабзи	—	—	1500	—
Қизил сабзи	5000	—	6250	—
Қизил лавлаги	5000—15000	—	—	—
Қовоқ	—	—	5000	—
Тарвуз	5000—10000	—	1000—1120	—
Қовун	16000—40000	—	—	—
Картошка	9000—20000	—	—	—

Мевалар

Олма	15000—18000	—	—	—
Нок	10000	—	—	—
Үрик	3000—10000	—	5000—10000	—
Шафтоли	7000—20000	—	—	—
Олхүри	2000—6000	—	—	—
Наъматак	1000000—4500000	—	4125—5000	—
Анор	105000	—	—	—
Анжир	60000—333000	—	—	—
Қизил смородина	8000—16000	—	—	—
Қора смородина	10000—40000	—	750—2000	—
Малина	12000—25000	—	—	—
Маймунжон	22000	—	500—800	—
Құлуданай	33000—66000x	—	—	—
Ерәнғоқ	100000—180000	—	—	—

Ҳайвон маҳсулотлари

Сигирнинг ёзги сути	2000	350—450	—	—
Сигирнинг қишки сути	—	150—240	—	—
Сариёғ (қишки)	—	—	12,5	—
Тухум сариги (ёзги)	—	—	12,5	—
Тухум сариги (қишки)	—	1250	—	—
Мол гүшти	900	—	—	—
Буқа жигары	1000—4000	—	—	—
Балиқ икраси	500	—	—	50—82

учун эса овқат хом ашёлари таом тайёрлашдан олдин кўпи билан 2—3 кун сақланган бўлиши талаб этилади. Ҳатто, шу давр ичидаги ҳам баъзи маҳсулотлар таркибидаги витаминалар, айниқса, ош кўкларда ҳамда мевалардаги витаминаларнинг кўпи парчаланиб нобуд бўлади. Масалан, укроп, петрушка, пиёздаги витамин С миқдори бир суткада 60 процентгача камайиши мумкин. Демак, сақланадиган хом маҳсулотларга ташқи муҳит (ҳаво, иссиқлик, қуёш нури ва ҳоказолар) ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, сақлаб қўйилган хом ва ярим хом маҳсулотларни овқатга ишлатишда (буни ҳамиша ёдда сақлаб) иш тутиш керак бўлади.

Ошкўклар ҳамда сабзавотлар таркибидаги витаминалар қанча миқдорда бўлишидан қатъи назар тез парчаланади ва нобуд бўлади. Масалан, сабзавотлар, эскиши билан таркибидаги витамин С нинг 1/3 қисми йўқолади.

Маълумки, ҳосил йифилганда, масалан, у сабзавотми, мевами ёки полиз маҳсулотими бундан қатъи назар турпоқдан ҳамда қуёш нуридан олаётган энергия манбайдан маҳрум бўлади. Энди улар учун асосий энергия манбаи ўз таркибидаги қанд ҳамда крахмал ҳисобланади.

Ўсимликлар тўқимасидаги ферментларда кислород иштирокида мураккаб оксидланиш процесси кечади. Буни шу процесс натижасида крахмал оддий қандга, қанд бўлса карбонат ангидрид ҳамда сувга парчаланади. Бундай процессларнинг кечиши учун тайёрланган маҳсулот қандай сақланишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, сабзавот ва мева сақланадиган жойлар ҳарорати +4°C дан ошмаслиги керак, бу — гигиеник норма.

Овқат маҳсулотлари сақланадиган жойлардаги нисбий намлиknинг ҳам аҳамияти катта. Агар нисбий намлик камайиб кетса сабзавот маҳсулотлари тез сўлийди, бу эса ўз навбатида таркибидаги витаминаларнинг пардараражадаги нисбий намлик ҳам витаминалар кўп миқдорда парчаланишига сабаб бўлади. Чунки нисбий намлик дар парчаланишига сабаб бўлади. Чунки нисбий намлик юқори бўлганида сабзавот маҳсулотлари устида сув буфлари тўпланади, бу эса ўз навбатида витаминаларни парчалашда иштирок этадиган микроблар кўпайишига имконият туғдиради.

Сабзавот ва мевалар таркибида витаминаларни парчаловчи ферментлар ҳам бўлиб, уларнинг активлиги ташқи муҳит ҳароратига, кислороднинг етарли бўлишига ва қуёш нурининг таъсирига боғлиқ.

*Сабзавот ва мевалар таркибидаги витаминаларни, тахминан, чидамсиз ва чидамли деб икки группага бў-*

*лиш мумкин.* Масалан, витаминлар ичидаги ташқи мұхиттағысырига әңг чидамсизи бу — витамин С дір. Овқат маҳсулотлари таркибидеги витамин С нинг миқдори юқорида қайд қылганимиздек унинг турига, навига, сақлаш услугуга, муддатига, сақланадиган жойнинг ҳароратига, нисбий намлык даражасига қараб 70% гача камайиши мумкин, бу деғани — 4—6 ойдан кейин витаминлар миқдори 2—3 марта камаяди.

Витамин С, айниңа юқори температура ва нисбий намлыкда етарлы даражада кислород бұлган шароитда күп парчаланади. Масалан, қүёш нури тушадиган жойда сақланган сут 5—6 минут ичидеги миқдоридеги 90% гача бұлган витамин С ни йүқтади.

Шунинг учун ҳам таркибидеги витамин С тутган овқат маҳсулотларини сақлаганды қүёш нури ва юқори температура тағысыридан, кислороддан ҳамда нисбий намлык камайиб кетишидан сақлаш даркор.

Лекин ҳамма овқат маҳсулотларыда ҳам витамин С нинг парчаланиши бир хил даражада әмас. Бундан ташқари, овқат маҳсулотлари таркибидеги витамин С нинг парчаланиши ундаги оксидловчи фермент — аскорбиназининг активлигига бир қадар боғлиқ. Масалан, нағматак, лимон каби маҳсулотларда аскорбиназа кам миқдорда бұлғанлиги туфайли ҳам кам активликка әга. Шу сабабли бу маҳсулотларни сақлаганды витамин С кам парчаланади. Шунингдек баъзи маҳсулотлар, айниңа, ўсимлик маҳсулотлари үз таркибидеги ферментлар, каротин ва бошқа бирикмалар тутады, улар витамин С ни парчаланишдан сақладайды.

Витамин А тутган овқат маҳсулотлары ташқи мұхиттағысыридан холи жойларда сақланса узоқ муддатта гана үз сифатини, жумладан, витаминини ўзгартирумайды. Бинобарин, қүёш нури ҳамда кислород витамин А ни парчаловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Тұғри, қисқа муддат сақланган овқат маҳсулотларыда (ошкүйдан ташқари) каротин парчаланиши күтилмайды. Бироқ узоқ муддат сақланган овқат маҳсулотларыда у 6—9% га камаяди.

Витамин В<sub>1</sub> билан В<sub>2</sub> нинг миқдори овқат маҳсулотларини сақлаш давомида камаймайды. Лекин нам жойларда сақланғанды, қуритилған овқат маҳсулотларыда юқорида қайд қилингандеги витаминлар микроблар иштирокида парчаланишга учрайди.

Витамин В<sub>6</sub> ташқи мұхиттеге чидамли әмас, қүёш нури айниңа унинг ультрабинафша нури бу витаминни салынат ичидеги парчалаб юборади. Шунинг учун ҳам сақ-

ланган овқат маҳсулотлари таркибида витамин В<sub>6</sub> нинг миқдори жуда кам бўлади. Овқат маҳсулотлари нормал шароитда сақланса таркибидаги витаминлар узоқ муддатда ҳам ўзгармайди. Демак, буларни билган ҳолда овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар миқдорини мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолиш мумкин экан.

Овқат маҳсулотларининг (сабзавот ва меваларнинг) озиқалик сифатини, жумладан, улар таркибидаги витаминлар миқдорини камайтирмаслик учун уларни ертўла ва омборларда 2 кг ли оғзи маҳкам беркитилган полиэтилен халтачаларга солиб сақланади. Шунда сақланган овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар миқдори камроқ йўқолади. Шу билан бирга полиэтилен халтачаларда сақланган сабзавот ва мева маҳсулотлари ўз сифатини, жумладан, хушбўй ҳидини ва мазасини узоқ муддат сақлаб қолади. Бундан ташқари, полиэтилен халтачалардан микроб ва бошқалар, қурт-қумурсқалар кира олмайди, демак, маҳсулотлар тез бузилмайди. Ҳароратга келсак, картошкани 2—3° да, карамни —2 дан —1° гача, ҳўл меваларни 2—3° температурада сақлаш қерак. Ошқўк одатдаги шароитда 3 кундан ортиқ турса, аскорбин кислота билан каротиннинг учдан бири йўқолади. Тузланган карам 3° да сақланганда аскорбин кислота бузилмай туради, аммо уни сувидан (намокобдан) олиб қўйилса, у тез нобуд бўлади.

Витаминлар миқдорини сақлаш имкониятларидан бири маҳсулотларни музлатиб қўйишидир; пиширишдан олдин эса мумкин қадар тезроқ муздан туширишидир. Овқат пиширганда витаминларни, айниқса, аскорбин кислота яхши сақланиши учун сабзавотларни тез артиб, ювиб, тўғраб, қайнаб турган сувга солиш, қозон қопқоғини ёпиб қўйиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, кўп тайёрланган таомлар истеъмол қилингунга қадар сақлаб қўйилганда ҳамда консерва қилинганда ҳам витаминлар миқдори камайиб кетади. Айрим витаминлар бундан мустасно. Шундай қилиб, тайёрланган овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар миқдорининг камайиши маҳсулотнинг сифатига, таркибида тутган витаминларнинг турига, миқдорига, совуқ ва иссиқликда тайёрланишига, ярим тайёр ёки тайёр таомларни истеъмол қилгунча кетган вақтга ва бошқаларга боғлиқ. Уй шароитида таом тайёрлаш усулининг қўпол бузилиши ҳам витаминлар миқдорининг кескин камайиб кетишига олиб келади. Айниқса, миллий таомлар тайёрлашда қовуриш, димлаш ва юқори температурада димлаш каби усууллар қўлланиши ҳам

таомларда витаминлар миқдори камайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин, буни ёдда сақламоқ керак.

Таом таёrlаш жараёнида витаминлар миқдорининг камайиб кетишининг асосий сабабларидан яна бир кислород таъсиридир. Масалан, очиқ идишларда пиширилган таомлар таркибидаги витамин С миқдори усти берк идишларда тайёрланган таомлардагига нисбатан 1,5—2 баравар кам бўлади. Бу бошқа витаминларга ҳам тааллуқлидир. Чунки, кислород иштирокида овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар парчаланиб кетади ёки тез парчаланувчи бошқа бирикмага айланади. Шу сабабли таом пиширганда қозон тувоғини ёпиб мумкин қадар кислород иштирокидан сақлаш тавсия этилади. Таомларни ёпиқ идишларда тайёрланса яна ҳам яхши. Бундан ташқари овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминларнинг кислород иштирокида парчаланиши қуёш нури таъсирида яна ҳам ортади.

Маълумки, овқат пиширилганда сувда эрувчи витаминлар таомнинг суюқ қисмiga ўтади. Бу — витаминларнинг яна ҳам кўпроқ парчаланиб нобуд бўлишига олиб келади. Шуни унутмаслик керакки, тайёрланаётган таомнинг суюқ қисми қанчалик кўп бўлса витаминлар шунчалик кўп миқдорда унинг суюқ қисмiga ўтади.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, таом узоқ муддат қайнатилганда витаминлар парчаланиб кетади. Шуни ҳисобга олган ҳолда таом тайёрлашда қуйидаги тартиб ва муддатларда маҳсулотларни пишириш мақсадга мувофиқ бўлади: тузланган карам — 1—2 соат, тузланмагани 20—25 минут қайнатилади; сабзи — 15—25 минут, картошка кубик қилиб тӯғралгани — 12—15 минут, исмалоқ ва янги узилган помидор — 6—8 минут пиширилади. Суюқ таомларга сабзавотларнинг қалинлиги ва катта-кичиклигини иложи борича бир хил қилиб тӯғраш керак.

Баъзи бир витаминларнинг парчаланишига оғир металлар иони, жумладан, мис ва темир ионлари таъсир этиб, витаминларнинг парчаланишини бир неча баровар ошириб юборади. Масалан, витамин С мис ва темир идишларга солиб қўйилган маҳсулотларда кўп миқдорда парчаланиб кетади. Шунинг учун овқат тайёрлашда чўян идишлардан, пластмасса қирғичлардан фойдаланиш лозим.

Лекин шуни эслатиб ўтиш керакки, таом тайёрлаётганда витамин С ни сақлайдиган воситалар ҳам йўқ эмас. Бундай воситаларга крахмал, ун, шакар, пиёз ва пишлоқ таркибидаги фитонцидлар, танин моддаси, глю-

татион ва флавоноидлар деб аталувчи бирикмалар киради. Улар аралашувида таомлар таркибидаги витамин С нинг парчаланиши камаяди.

Тайёр таомлар таркибидаги витаминлар миқдори ва овқатнинг сифати албатта шу овқатни тайёрлаш учун олинган маҳсулотлар таркибидаги витаминлар турига ва миқдорига боғлиқ, буни ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо мўлжалдагидан кўпроқ камайиб кетиши шаксиз.

Юқорида қайд қилинганидек сақланган овқат маҳсулотлари таркибida таом тайёрлаш пайтида хатога йўл қўйиш, тайёр овқатнинг узоқ туриб қолиши ва шунингдек уни қайта иситиш мобайнида кузатилади.

Овқат маҳсулотлари, айниса, тайёр таом сақланганда унда фақатгина витаминлар миқдори камайибгина қолмай, таъми, ташқи кўриниши, мазаси, ҳазм қилиниш ва сўрилиш хусусияти, консистенцияси ўзгаради. Шу сабабли ҳам овқат маҳсулотлари, хусусан, тайёр таом уй шароитида сақланар экан гигиена талабларига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Халқимизнинг истеъмол қиладиган овқат маҳсулотлари тури йилдан-йилга қўпайиб бойиб бормоқда. Одамларнинг уй шароитида сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларини қишига асраш, фамлаб қўйиш ҳам халқимиз орасида кенг тарқалган. Бу ўз навбатида кундалик овқат таркибida турли хил сабзавот ва мевалар бўлади, деган сўздир, бу яхши албатта. Аммо уларни сақлашнинг тартиб ва қоидаларини билиш ҳам керак. Масалан, юқорида эслатиб ўтганимиздек, овқат маҳсулотларини қўёш нури таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда улар сақланадиган ернинг ҳарорати  $0^{\circ}$  дан  $+4^{\circ}$  гача бўлиши керак. Ошкўклар, шавел, бодринг кабиларни бир суткандан ортиқ сақлаш тавсия этилмайди. Тез ишлатиб юбориладиган сабзавот маҳсулотларини 2—3 кундан ортиқ ушлаб турмаслик керак.

Тез бузиладиган овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, балиқ, тухум, парранда гўшти, сут ва сут маҳсулотлари, колбаса ҳамда кондитер маҳсулотларини сақлашга алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки уларнинг таркибida оқсили, ёғ, углевод, витамин, микроэлементлар етарли бўлганлигидан ҳамда етарли даражада намлик бўлгани учун уларда касаллик тарқатувчи микробларнинг ривожланиб қолишини ҳеч ёддан чиқармаслик керак. Айниқса гўшт ва гўшт маҳсулотларини холодильникларда  $0^{\circ}\text{C}$ , балиқни  $-2^{\circ}\text{C}$ , қолган овқат маҳсулотларини  $6-8^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлаш тавсия этилади. Сут ва сут маҳсулотларини қайд этил-

ган ҳароратда оғзи маҳкам беркитилган идишларда сақлаш лозим ва ҳоказо.

## 2.5. МИНЕРАЛ МОДДАЛАР ВА УЛАРНИНГ ОРГАНИЗМ УЧУН ФОЙДАСИ

Болаларнинг ўсиши ва ривожланишида юқорида айтиб ўтилган озиқ моддалар ва витаминлар билан бир қаторда овқат таркибида бўладиган минерал моддалар ҳам катта роль ўйнайди. Улар бола организмининг ҳамма тўқима ва ҳужайралардаги моддалар таркибига киради. Уларнинг аҳамияти суяк, мушак тўқималари ривож топишида, қон яратилишида, нерв системалари тақомиллашишида ҳамда моддалар алмашинуви процессларида иштирок этиш билан янада ортади: кўп ферментлар таркибига киради. Организмдаги асосий физиологик процесслар бевосита минерал бирикмалар иштироқида юзага чиқади. Улар оқсиллар каби орган ва тўқималар учун пластик материал бўлиб хизмат қиласди. Минерал моддаларнинг бир қисми ҳужайраларда ва тананинг тўқима суюқликларида эриган тузлар ҳолида, бошقا бир қисми қон, мия, мушакларда сарф бўлади. Уларнинг талайгина қисми организмда суяк ва тишлар ҳосил бўлишига кетади. Бинобарин, болаларнинг ўсиши учун улар истеъмол қиласидиган овқат таркибида етарли миқдорда минерал тузлар ҳам бўлиши талаб этилади. Шу фикрдан келиб чиқиб биз мазкур рисоламиизда болаларнинг бир суткалик овқат маҳсулотлари таркибига ғанча минерал тузлар бўлиши кераклигини б-жадвалда желтирдик, қаранг.

6-жадвал

Бир ёшдан ошган болаларнинг минерал тузларга бўлган бир суткалик эҳтиёжи (мг ҳисобида)<sup>1</sup>

Минерал моддаларнинг номи	Боланинг ёши, йил ҳисобида			
	1—3	4—6	7—11	12—15
Натрий	1500	2200	2500	3000
Қалий	1500	2600	3000	3500
Қальций	1000	1000	1200	1500
Фосфор	1500	1500	2000	2500
Магний	140	220	360	400
Темир	7	8	10	15
Мис	1,5—2	2,0	2,5	3,0—3,5

<sup>1</sup> Мазурин А. В. Учебное пособие по питанию здорового ребенка. — Москва, «Медицина», 1980 г.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, минерал тузлар орасида кальций билан фосфор тузи сүяк ва мушақ тўқималарининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Усиб келётган бола организмида кальций билан фосфор тузининг етишмай қолиши сүякнинг нотўғри ривожланишига, тишларнинг бузилишига ва марказий нерв системаси фаолияти бузилишига олиб келади. Агар уларнинг организмдаги хизматини алоҳида-алоҳида баён қиласидиган бўлсак, масалан, кальций ҳужайраларнинг ўсишига, қоннинг ивиш процессига таъсир қиласиди, фагоцитоз жараёнини активлаштиради. У гарчи қийин ўзлаштириладиган элементлар қаторига кирса-да, жигарда ўт кислотаси таъсирида осон сўриладиган ҳолатга ўтади. Кальцийни ўзлаштиришда витамин D нинг иштироки катта. Фосфор эса организмга яхши сўрилади. Ўнинг бирикмалари зўриқиб ақлий иш қилгандан марказий нерв системасига яхши таъсир кўрсатади.

Кальций билан фосфор сутда, сут маҳсулотларида ва сабзавотда кўп бўлади. Айниқса улар пишлоқда кўп. Шу жиҳатдан болаларга ширгуруч, сут оши, сирниклар бериш жуда фойдали. Гўшт ва балиқдан тайёрланган таомларга албатта сабзавот маҳсулотларидан қўшиб бериш керак. шунда кальций билан фосфорнинг нисбати ўзаро тўғри пропорционал бўлади.

Магний ҳам организм учун сүяк тўқималари ҳосил бўлишида керак. Бундан ташқари, у моддалар алмашинувида иштирок этади, ферментлар активлигини оширади, юрак ишини яхшилайди. Миқдорида магний кам тутган овқат маҳсулотини сурункасига истеъмол қилингандан организмда иммунитетнинг пасайиши ва шутуфайли терида ҳар хил яралар юзага келиши кузатилиди.

Магний тузига буғдой, арпа, сули, гречиха ёрма-лари бой.

Маълумки, фанда организм тўқималари таркибидаги минерал моддаларнинг миқдори 1 мг% дан кам бўлганда уларни микроэлементлар деб аташ расм бўлган. Мана шундай микроэлементларга мис, марганец, рух, кобальт молибден, темир, ѹод ва бошқалар киради.

Микроэлементлар организмда гарчи жуда оз миқдорда керак бўлса-да, улар киши ҳаётida айниқса болалар ўсишида катта роль ўйнайди. Чунончи, мис организмда қон ҳосил бўлишида, хусусан, қизил қон таначалари ҳамда гемоглобин ҳосил қилишда иштирок этади. У организмга кирган анорганик темирни **органик** боғланган темирга айлантиради, унинг қўмикка ўтиши-

га ва эритроцитларнинг етилишига ёрдам беради. Мис, бундан ташқари, оксидловчи ферментларнинг зарур таркибий қисми бўлиб ҳам ҳисобланади ва тўқималарда кечадиган газлар алмашинуви процессида бевосита иштирок этади.

Марганец организмнинг ҳамма тўқималари, айниқса, суяк таркибида кўп бўлади. У оксидловчи ферментларнинг асосий қисмини ташкил этиб, ёғларнинг организмда парчаланишини кучайтиради. Марганецнинг биологик роли организмнинг ўсишига, қон яратиш ва ички секреция безлари фаолиятига ҳамда суюкланиш процессига яхши таъсир кўрсатишида кўзга ташланади. Марганец, шунингдек, организмда витамин С ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Рух одам танасида карбонангидраза (ёки карбонат ангидраза) ферменти таркибида киради. Бу фермент организмда карбонат кислотани карбонат ангидрид гази ва сувга парчалайди. Бинобарин, карбонангидраза организм ҳаёти учун зарур форментлардандир. Рухнинг кўп қисми эритроцитлар таркибида бўлади. Шу туфайли ҳам таркибида кам рух тутган овқат маҳсулотларини сурункасига истеъмол қилинганда камқонлик касаллигига олиб келиши мумкин. Рух, бундан ташқари, ёғлар алмашинувини нормал изга солиб туради, оқсиллар алмашинувини яхшилайди, триптофан, лизин ва митионин, ҳамда аминокислоталар синтезини кучайтиради.

Кобальт қон ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди, витамин В<sub>12</sub> таркибида киради.

Темир гемоглобин ҳужайраси ҳамда кўпгина ферментлар таркибида киради, ҳужайралар ядросида бўлади. Организмдаги мураккаб оксидланиш ва моддалар алмашинуви процесси ҳам темир иштирокида содир бўлади. Темир, шунингдек, ферментлар синтезида иштирок этади.

Темирнинг организмга сўрилиши унинг истеъмол қилинадиган таомдаги органик ёки ноорганик бирикмасига боғлиқ. Масалан, ҳайвонот маҳсулотларидағи темир органик бирикма ҳолида бўлиб, одам организмига яхши сўрилади. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари орасида карам, ясмиқ, нұхат, мош, салат, узум, олма, қулупнай, гречиха ёрмаси темир тузига бой. Ҳайвонлар жигаридан олинадиган темир одамга айниқса фойдали.

Йоднинг одам танасидаги физиологик аҳамияти қалқонсимон без гормони — тироксин синтезида иштирок этишида юзага чиқади. Тироксиннинг таркибий қисмида йод бўлиши бежиз эмас. Йод етишмай қолганида

тироксин кам ишланиб чиқади. Натижада, тироксин гормон етарлича ҳосил бўлмай, без тўқимаси катталашиб кетади. Демак, ҳайвон оқсили кам бўлган асосан углеводлардан иборат бир хил овқатлар билан сурункасига овқатланиш тироксин кам ишланиб чиқишига ва оқибатда эндемик буқоқ касаллиги келиб чиқишига олиб келади.

Бундан ташқари, организмда минерал моддаларнинг ўзлаштирилиши овқат маҳсулотларида уларнинг бошқа моддалар билан қандай нисбатда бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан, ёф билан магний овқат маҳсулотларида ортиқча бўлганида кальций билан фосфорнинг сўрилиши ёмонлашади, ўт кислотаси кам бўлганда ҳам шу ҳол юз беради. Чунки ўт кислотаси кальций билан фосфорни осон эрийдиган ва осон сўриладиган бирикмаларга айлантириб беради.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, минерал элементларсиз организм нормал фаолият кечира олмайди. Минерал элементларнинг етишмаслиги моддалар алмашинувининг бузилиб кетишига ва етишмаслигига хос касалликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Минерал элементларнинг асосий манбай овқатdir. Аммо улар турли маҳсулотларда турлича миқдорда учрайди. Шундай бўлгач овқат рациони ҳар хил бўлмоғи лозим.

Овқатланишни тўғри ташкил қилишда истеъмол қилинадиган таомлар таркибида ош туз етарли бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ош туз организмда сув билан туз алмашинувини ҳамда биологик суюқликнинг танада бир хил мувозанатда бўлишини таъминлайди.

Ош туз овқатга маза беради, бундан ташқари, меъда шираси таркибига кирадиган хлорид кислотанинг ишланиб чиқишига ёрдам беради. Бир суткада бола овқат билан ёшига қараб 6—12 г гача ош туз истеъмол қилиши тавсия этилади. Туз кам истеъмол қилганда юрак фаолияти издан чиқиши, бош айланиши ҳамда меъда шираси кам ажралиши туфайли иштаҳа бузилиши каби ҳолатлар юзага келиши мумкин. Ва аксинча, ош тузни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш ҳам соғлиққа зиён келтиради, буйраклар ишини бузади, оёқ шишади, одам қувватсизланиб қолади, қон босими ошади, сочлар тўкила бошлайди, терининг эластиклиги йўқолади.

Ўрта Осиёning иқлими шароитида болалар овқатини тўғри ташкил қилишда яна бир муҳим омиллардан бири организмнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришdir. Организмни етарли даражада суюқлик билан таъмин-

лаш ниҳоятда муҳим. Сувсиз организм бир неча кундан кейин ҳалок бўлиши ҳаммага маълум. Сув организм учун сўлак ажратишида, овқат ҳазм қилишда иштирок этувчи секретлар ҳосил қилишда бевосита иштирок этади. Организмдаги барча биохимиявий реакциялар сув иштирокида содир бўлади. Щунинг учун ҳам бир сутка-да истеъмол қилинадиган суюқлик миқдори организм талабини тўла қондирмоғи лозим.

Маълумки, организмдаги сув доимо янгиланиб туради: катта ёшли одамларда 15 кун мобайнида, болаларда 3—5 кун ичидаги барча сув молекулалари қайта янгиланиб олади. Буйрак, ўпка, меъда-ичак йўли, тери сув алмашинуvida иштирок этади. Сув алмашинуви атроф мұхит температурасига боғлиқ равишда камайиб-ортиб туради. Умуман олганда организмга суюқлик масалан, тушлик овқат вақтида — суюқ овқат билан 0,5 л, овқатдан кейин ичиладиган ичимликлар билан 0,25 л ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги ширалар билан 0,25 л тушади.

Овқат менюсини тузганда албатта таомлар билан олинадиган ҳамда чанқовни қондириш учун истеъмол қилинадиган суюқлик миқдорини ҳисобга олиш даркор. Масалан, сутда 87%, турли сабзавот ва меваларда 96% гача, картошкага, гўштда 75% гача ва нонда 47% гача сув бўлишини унутмаслик керак.

Одатда, кундалик ичиладиган сув таркибида 14 хил макро- ва микроэлементлар бор. Унинг таркибидаги тузлар миқдори қанча маромда бўлса, организмдаги физиологик процесслар шунча яхши ўтади. Лекин сув таркибидаги ҳатто организм учун фойдали бўлган тузларнинг кўпайиб ёки камайиб кетиши аксарият ҳолларда ҳар хил касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунончи, кальций тузлари кўп бўлган сувларни узоқ муддат истеъмол қилиш сийдик йўлларида тош ҳосил бўлишига, калий ва магний тузлари кўп бўлган сувларни истеъмол қилиш эса юрак ва қон томир касалликлари келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин.

Кўп миқдорда қабул қилинган суюқлик сийдик ажратиши органлари фаолиятини қийинлаштиради ҳамда юрак ва қон томир системаларига ортиқча иш юклайди. Бундан ташқари, суюқликни кўп истеъмол қилинганда одам ҳаддан ташқари кўп терлайди, бу эса ўз навбатида организмдан ош туз ҳамда сувда эрувчи витаминалар, хусусан, витамин С билан микроэлементларнинг танадан кўп миқдорда чиқиб кетишига сабаб бўлади.

Бериладиган сувнинг миқдори болаларнинг ёшига

қараб белгиланади. Масалан, бола қанчалик ёш бўлса, бериладиган сув танасининг ҳар бир килограмм оғирлигига қараб шунча кўп бўлиши керак. Ёши 3 дан 7 гача бўлган боланинг ҳар бир килограмм оғирлигига 80 мл, бундан катта болаларга эса 100 мл дан сув тўғри келиши керак.

Бундан ташқари, болаларнинг сувга бўлган эҳтиёжи истеъмол қилинадиган таомлар миқдоридаги суюқлик ҳисобига қондирилмоғи лозим. Бунинг учун таомлардаги сув миқдори талаб даражасида бўлиши керак. Умуман, болаларга сувни тўғри истеъмол қилишни ўргатиш жуда муҳим. Масалан, чанқаганда сувни оз-оздан ичилса организмга кераги сўрилади-ю, ортиқчаси қолмайди. Эз кунлари ҳарорат кўтарилиган сари бола кўп чанқайди, бундай пайтларда уларга чанқовни босиш учун фақат сув эмас, балки ҳар хил мева шарбатлари, компотлар бериш керак.

### **З. ҚЕНГ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИГАН АЙРИМ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ХУСУСИДА**

Республикамиизда, айниқса, қишлоқ жойлардаги болалар овқатига тўғри тайёрланган кенг истеъмолдаги миллий таомларни киргизиш ҳаётий заруриятдир. Шуни назарга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида болалар тарбияланадиган муассасаларда кундалик овқат менюсига уйларида тайёрланадиган миллий таомлар киритилса, болалар иштаҳа билан ейдилар, бекорга исроф қилиб ташламайдилар. Аксинча, менюга қишлоқ жойларда ўзбек оиласарида кам истеъмол қилинадиган таомлар, жумладан: борш, балиқ шўрваси кабилар киритилса болалар уни иштаҳа билан емайдилар, кўпинча, чиқиндига чиқариб ташлайдилар. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда болалар оилада тандирда ёпилган нонни истеъмол қилишга одатланиб қолган бўладилар, боғчада бўлка нон берилса, албатта, уни хуш кўриб емайдилар. Бунинг устига, ҳаммага маълумки, тандирда ёпилган нон заводдагидан афзал. Демак, буни ҳам эвини қилиш керак бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, миллий ўзбек таомларининг ўзига хос мазаси, ёқимли кўриниши бор ҳамда улар юқори даражада овқатлик қийматига эга. Бежиз эмаски, ўзбек миллий таомлари мамлакатимиёнинг кўл миллатлари орасида, ҳатто, хорижий мамлакатларда ҳам довруғ таратган.

Китобчанинг ушбу қисмида қайд этилган **ФИКРЛОР**

асос қилиб олган ҳолда мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун республикамизнинг боғча ва мактаб ошхоналарида миллий таомларни тайёрлашнинг айрим томонлари хусусида фикр билдиримоқчи бўлдик.

Тайёрланатган таом сифатини ва тўйимлилигини янада ошириш ҳамда иштаҳани яхшилаш мақсадида ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган ҳар хил салатлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Лекин мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга тавсия қилинадиган салатларда ёши каттароқ одамлар истеъмол қилиладиган аччиқ қалампир, мурч, сирка кабилар бўлмаслиги керак, чунки улар меъда ва ичак шиллиқ қаватини таъсиrlаб, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Маълумки, салатлар мазали овқат маҳсулотлари қаторига киради. Одатда салатлар тушки ва кечки овқатдан олдин берилади. Салатлар қўшиб истеъмол қилинадиган таомларда асосий овқат маҳсулотларидан ташқари, витаминлар ва минерал тузлар миқдори янада ортади. Бундан ташқари, салатлар овқат ҳазм қилишда иштирок этувчи органлар фаолиятини ҳам оширади. Бунинг устига улар дастурхон bezagi ҳамдир. Иштаҳа билан, мириқиб овқатланиш учун бунинг аҳамияти катта. Салатнинг ташқи кўриниши қандай маҳсулотдан ва қайтарзда тайёрланишига боғлиқ. Бу эса салат тайёрлаш билан шуғулланувчи шахснинг идроки билан табиатига боғлиқ. Бунинг устига тайёрланадиган салат қандай овқат олдидан истеъмол қилиниши ҳам аҳамиятга эга.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга тавсия қилинадиган салатларга қўйидагилар киради: яхши пишган помидордан тайёрланган шакароп, сузмали салат (майда тўғралган кўк пиёз,райхон, кашнич ва укропнинг ярим суюлтирилган сузма ҳамда керагича қўшилган ош туздан тайёрланади), ҳар хил шаклда тўғралган турп, пиёз ва нордон анордан тайёрланган салат, редискали салат, аралаш салат (қизил сабзи ва турпни қирғичдан ўтказиб керагича ош туз қўшиб тайёрланади), сабзавот маҳсулотларига тухум қўшилган салат (майда қилиб тўғралган бош пиёз, помидор, бодринг, пишган тухумни майдалаб тўғраб керагича ош туз қўшиб тайёрланади). Сабзавот маҳсулотларидан салатларнинг бошқа турларини ҳам тайёрлаш мумкин, масалан, пиширилган картошка, сабзи, бурракни майда тўрт бурчак шаклида кесиб, унга тўғралган бош пиёз, помидор ва керагича ош туз қўшиб тайёрланган салат шулар жумласидандир. Бундай салатларга янги қаймоқ қўшилса,

салатнинг овқатлик қиймати янада ошади, организмга сўрилиши яхшиланади.

### 3.1. СУЮҚ МИЛЛИЙ ТАОМЛАР<sup>1</sup>

**Сутдан тайёрланадиган таомлар:** а) *Ширчой*. Қозонда қайнаган 0,5 л сувга 20 г чамаси қора қуруқ чой солиб унга 2 л сут қўшилади, қайнаб чиққац пишган ҳисобланади ва идишларга қўйиб устига сарёғ қўшилади. Ширчойни нон, лочира, патир, қоқи нон билан истеъмол қилиш унинг енгил ҳазм бўлишини таъминлади.

б) *Ширқовоқ* — 800 г артиб тўрт бурчак қилиб тўғралган қовоқни сувда қайнатилади, алоҳида идишда эса қайнатилган 1 л сувга керагича ош туз ва 300 г гуруч қўшиб ярим пиширилади, кейин унга 2,5 л сут ва алоҳида пиширилган қовоқни қайнаб турган вақтида қўшиб яна 25—30 минут қайнатилади. Овқат пишди деганда оловни ўчириб, 5—10 минут қозон қопқоғини ёпиб қўйилади.

в) *Ширхўрда*. 0,5 л сувга 2,5 л сут ва керагича ош туз қўшиб қайнатилгач, унга 400 г гуруч солиб, яна гуруч етилгунича қайнатилади. Сўнг идишларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

г) *Сут уера*. 150 г унга 1 дона тухум, 30 г сариёғ ва сув қўшиб тайёрланган ҳамирдан майдо қилиб угра кесилади. З л қайнатилган сувга кесилган угра ва керагича ош туз қўшиб аста айлантириб туриб қайнатилади. Угра сут устига кўтарилгач оловдан олинади ва 5—7 минут қопқоғи ёпиб қўйиб сақланади. Тарқатиш олдиндан устига сариёғ қўшилади.

**Шўрвалар тайёрлаш.** а) *Қайнатма шўрва*. 2,5 л соvuқ сувда майдаланган 500 г гўштни яхшилаб қайнатилади, қайнаган сари кўпиги олиб турилади. Сўнг унга туз ва тўғралган 0,5 кг бош пиёз, қизил сабзи (бўлинмаган ҳолда), тўғралган 0,5 кг помидор ҳамда бўлинмаган ҳолда 1 кг артилган картошкага солинади. Шу пайдан бошлаб паст оловда 1,5—2 соат қайнатилади. Сўнг идишларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

б) *Сабзавот шўрва*. 500 г гўштни истеъмол қиладиган болаларнинг сонига қараб бўлинади ва 3,5 л сувга солиб паст оловда қайнатилади, кўпиги дам-бадам олиб турилади, сўнг керагича туз, тўғралган пиёз, чучук қалампир, 3—4-дона сабзи, 4 дона шолғом, бўлакларги

<sup>1</sup>. Тавсия этилаётган таомлар ёшга қараб **15—20 болаги мўлжалланган**.

бўлиб тўғралган помидор солинади ва чамаси 1 соат паст оловда қайнатилади. Шундан кейин унга қўшимча 3—4 дона картошка, 150 г қовоқни майдалаб солинади ва яна чамаси 20 минут қайнатилади. Пишди деганда оловдан олиб 5—7 минут қозон қопқоғини ёпиб сақланиди. Сўнг идишларга тақсимлаб тарқатилади.

в) *Нўҳат шўрва*. Овқат тайёрлашдан камида 3 соат олдин нўҳатни илиқ сувда ивитиб олинади. Ивиган нўҳатни қобигидан тозаланади. 500 г гўштни майдалаб, 2,5 л сувда қайнатилади ва дам-бадам кўпигини олиб туриб, тахминан 300 г тўғралган пиёз ва 300 г ивиган нўҳат солинади ва паст оловда чамаси 1 соат қайнатилади. Кейин хоҳишга қараб унга майда тўғралган картошка қўшиш мумкин. Картошка пишгач тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

г) *Макарон (ёки вермишель) шўрва*. 500 г гўштни майда қилиб тўғраб, 3,5 л сувда паст оловда чамаси 1 соат қайнатилади ва дам-бадам кўпиги олиб турилади. Кейин тўрт бурчак шаклида майда тўғралган сабзи, картошка ва керагича ош туз солиб яна 30 минут чамаси қайнатилади. Шундан сўнг 100 г макарон ёки вермишель солиб қайта қайнатилади. Шўрва пишгач, устига ёғда қовурилган пиёз ёки помидордан тайёрланган пиёздоғ қўшиш мумкин.

д) *Жўж жўрва*. Хўроз жўжанинг пати ва ички органдари яхшилаб тозаланади ва 2,5 л сувда қайнатилади. Кўпиги олингач, 200 г гуруч, тўғралган иккита бош пиёз, 3—4 дона помидор солиб, паст оловда қайнатилади. Парранда пишгач уни шўрвадан олиб бўлакларга бўлинади ва шўрваси билан тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

е) *Дўлма шўрва*. Болаларнинг сонига қараб катталиги бир хил чучук қалампир олиб уруғи тозаланади, 500 г гўшт суюгидан ва шалхайларидан ажратилади. Суюги майдаланиб 2 л сувда алоҳида қайнатилади, қайнагач кўпиги олиб турилади. Гўштни эса тўғралган бош пиёз, петрушка, укроп билан бирга қўшиб гўшт майдалагичдан ўтказилади, керагича ош туз, ярим пиширилган гуруч, битта тухум қўшиб, аралаштириб чучук қалампирга тиқилади. Тўрт бурчак шаклида майдаланган сабзи ва тўғралган бош пиёзни эса қайнаб турган суюк шўрвасига солинади. Чамаси 10 минутдан сўнг шу шўрвага картошка, помидор ҳамда қийма жойлаб тайёрлаб қўйилган чучук қалампирни жойланади ва паст оловда 30—40 минут қайнатилади. Тайёр бўлган таом косаларги тақсимланиб истеъмолга тарқатилади.

ё) Чучвара шүрва. 500 г гүштни суягидан ва шалхай-ларидан ажратиб түғралган пиёз, керагича ош туз қўшилади ва гүшт майдалагичдан ўtkазилади. 300 г унни бир дона тухум ва 100 мл сув билан аралаштириб хамир қорилади ва уни тиндириб ўқлов ёрдамида 1 мм қалинликда ёйилади. Ёйилган хамирни катталиги  $4 \times 4$  см ли қилиб тўрт бурчак шаклида кесилади. Сўнг ҳар қайси хамир бўлагига 1 чой қошиғида тайёрланган қиймадан солиб чучвара туgilади. Гүштнинг суяги майдалиб 3,5 л сувда қайнатилади, кўпиги олингач унга ош туз ва 1 дона пиёзни ҳалқасимон шаклда кесиб, помидорни қирғичдан ўtkазиб у ҳам солинади. Шўрва қайнаб чиққач унга туғиб қўйилган чучвараларни солиб қайнатилади. Қайнаш давомида чучваралар шўрванинг устига кўтарилади ва бир оздан сўнг яна паст оловда 5—10 минут қайнатилади. Тайёр таом косаларга тақсимланиб истеъмолга тарқатилади.

ж) Қийма шўрва. 500 г гүшт суяк ва шалхайларидан ажратилади. Суягини 3,5 л сувга солиб қайнатилади, қайнагач кўпиги олиб турилади, туз ҳамда ҳалқасимон қилиб кесилган пиёз солинади. Гүштнинг юмшоқ қисмига пиёз қўшиб гүшт майдалагич ёрдамида қийма тайёрланади. Қиймага керагича ош туз, 1 дона тухум ҳамда 100 г гуруч солиб аралаштириб ёнгоқдек-ёнгоқдек соққачалар ясалади, сўнгра уларни қайнаб турган шўрвага солиб, паст оловда 15—20 минут қайнатилади ва тайёр бўлгач косаларга солиб истеъмолга тарқатилади.

з) Қовурма шўрва. Қиздирилган омихта ёғга 500 г майда қилиб бўлинган гүштни солиб то қизаргунича қиздирилади ва унга 3—4 дона майда қилиб түғралган пиёз, помидор, укроп ва петрушка солиб 10—15 минут қовурилади. Сўнг унга 3,5 л сув қўшиб секин-аста қайнатилади. Шўрва обдон қайнаб чиққач, унга катта-катта қилиб кесилган 500 г картошка солинади ва чамаси 1—1,5 соат қайнагач таом тайёр бўлади. Косаларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

и) Карам шўрва. Қиздирилган омихта майдаланган 500 г гүшт солинади ва то қизаргунича қовурилади. Сўнг унга майдаланган пиёз, помидор қўшиб, чамаси яна 10 минут қовурилади. Кейин 2,5 л сув, керагича туз, майда қилиб түғралган буррак, сабзи солиб 30—40 минут қайнатилади ва бўлакларга бўлинган 500 г картошка ҳамда майда қилиб түғралган карам қўшила-ди. Тахминан, 30—40 минутлардан сўнг таом тайёр бўлади.

й) Думбул шўрва. Қиздирилган омихта ёғда майдаланган 500 г гүштни солинади ва то қизаргунича қовурилади. Сўнг унга майдаланган пиёз, помидор қўшиб, чамаси яна 10 минут қовурилади. Кейин 2,5 л сув, керагича туз, майдаланган буррак, сабзи солиб 30—40 минут қайнатилади ва бўлакларга бўлинган 500 г картошка ҳамда майдаланган пиёзни карам қўшила-ди. Тахминан, 30—40 минутлардан сўнг таом тайёр бўлади.

қилиб тұғралган 300 г гүшт, пиёз ва помидор бирга қовурилади. Гүшти қизарғач унға 3 л чамаси сув құшиб қайнатилади. Қайнаган шұrvага думбул жұхорини сүтаси билан катта-кичиликлигига қараб бўлиб солинади ва керагича туз құшиб яна чамаси 1 соат қайнатилади. Пишишдан тахминан 20—25 минут олдин бўлакларга бўлинган картошка солиш керак. Таом тайёр бўлгач косаларга олиб истеъмолга тарқатилади.

к) *Мастава*. 500 г гүшт сүягидан ва шалхайидан ажратилади. Суягини майдалаб 3 л сувда қайнатилади, қайнагач кўпиги олиб турилади. Сўнг керагича ош туз құшиб, халқасимон қилиб тұғралган бош пиёз ҳамда тұғт бурчак қилиб тұғралган сабзидан керагича солиб паст оловда қайнатилади. Гүштнинг суюксиз қисмидан эса майда тұғралган бош пиёз билан бирга гүшт майдалагичдан ўтказилиб қийма тайёрланади ва ундан ёнгоқдек келадиган қилиб соққачалар ясалади. Соққачаларни ун устида думалатиб олиб қайнаб турган шұrvага солинади. Овқат пишишига тахминан 15—20 минут қолганда майда қилиб тұғралган картошка ва 200 г гуруч солинади. Картошка пишгач таом тайёр бўлган бўлади, уни косаларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

л) *Үгра ош*. 250 г унға 1 дона тухум, 0,5 стакан сув ва озгина ош туз құшиб қаттиққина хамир тайёрланади, бунинг учун хамирни 10—15 минут ўраб тиндириб қўйни керак. Сўнг ўқлов ёрдамида ёйилиб майда қилиб кесилади. 500 г гүштни сүягидан ажратиб, ажралган сүягини майдалаган ҳолда 3,5 л сувда қайнатилади. Гүштини эса майда қилиб тұғралган бош пиёз билан гүшт майдалагичдан ўтказилади ва туз билан аралаштириб қийма қилинади. Қиймадан нўхат катталигидай қилиб доначалар ясад, ун устида думалатиб олинади. Қайнаб турган шұrvанинг кўпиги олиниб, қиймадан ясалган доначалар солинади ва 20—25 минут қайнатилгандан сўнг шұrvага угра ташланади. Шұrvва қайнаб угра шұrvва устига кўтарилигандан сўнг оловни пасайтириб яна 2—3 минут қайнатиш керак. Сўнг оловни ўчириб қозон қопқогини то кўтарилигандан угра чўккунича ёпиб қўйилади. Тайёр бўлган таомни косаларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

Бу овқатни бошқача усулда ҳам тайёрлаш мумкин. Масалан, қийма ўрнига гүштни майда қилиб кесиб шу гүштнинг суюги қайнайтган шұrvага солинади. Бундан ташқари, хоҳишига қараб, майда қилиб тұғралган картошка ҳам құшиш мумкин.

м) *Үгра-чучвара*. 500 г унға 1 дона тухум, 200 мл сув, керагича ош туз құшиб хамир тайёрланади, 10—15

минут ўраб қўйиб тиндирилгандан сўнг, хамир ўқловда ёйилиб, ярмини чучвара учун  $4 \times 4$  см қилиб кесилади, иккинчи ярмини угра қилиб кесилади. 500 г гўшт суюгидан ажратилади, юмшоқ қисмини гўшт майдалагичдан пиёз билан бирга ўтказиб қийма тайёрланади, қиймага керагича туз қўшилади. Қийманинг бир қисмидан чучвара ясалса, иккинчи қисмидан майдамайдадан доначалар (фрикаделькалар) ясалади. Қозонда қиздирилган омихта ёғга ҳалқасимон қилиб кесилган пиёз билан помидор солиб 10—15 минут қовурилгандан сўнг 3 литрча чамаси сув қўшиб қайнатилади. Қайнаган шўрвага гўшт қиймасидан тайёрланган доначалар, чучваралар ва 3—5 минутдан сўнг угра ташланади. Чучваранинг юзага кўтарилиши таом пишганидан далолат беради. Тайёрланган таом 5—10 минутдан сўнг тақсимланиб истеъмолга тарқатилади.

н) *Мошхўрда*. 500 г майдаланган гўшт қиздирилган 100 г омихта ёғда майдамайдадан қилиб тўғралган пиёз помидор билан қизаргунча қовуриллади ва бир оздан кейин унга 3,5 л сув қўшиб қайнатилади. Сўнг 300 г мош солиб у очилгунича паст оловда яна қайнатилади. Мош очилгач 100 г гуруч ва майдамайдадан қилиб тўғралган картошка солинади. Таом тахминан 20—25 минут дан сўнг тайёр бўлади. Уни косаларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

о) *Мошқовоқ*. Қиздирилган омихта ёғга ҳалқа шакличда кесилган бош пиёз солиб қизаргунча қовуриллади. Сўнг 3,5 л сув ва 400 г мош солиб паст оловда қайнатилади. Керагича ош туз ва катта-катта қилиб кесилган қовоқ солинади, сўнг яна 25—30 минут қопқоги ёпиқ ҳолда паст оловда қайнатилади. Таом пишгач оловдан олиб бирор дақиқа қўйиб қўйилади ва косаларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

п) *Сўк оши*. 200 г сўк қозонда паст оловда 3—5 минут қовуриллади ва совутилиб совуқ сувда ювилади. Майдамайдадан қилиб кесилган 500 г гўшт ҳалқасимон қилиб тўғралган пиёз билан омихта ёғда қовурилади. Сўнг унга 3,5 л сув, керагича ош туз, майдамайдадан қилиб кесилган сабзи, картошка солиб тахминан 25—30 минут қайнатилади ва ювига тайёрлаб қўйилган сокдан олиб тўғралган помидор билан яна 15—25 минут қайнатилади. Сўнг оловдан олиб бирор дақиқа қопқоги ёпиқ ҳолда қўйиб қўйилади, демак, таом тақсимлаб истеъмолга тарқатишга тайёр.

р) *Ловия ош*. Қиздирилган омихта ёғга майдаланган 400 г гўшт, пиёз билан солиб қовуриллади ва 2,5 л сув қўйиб қайнатилади. Шўрва қайнаб чиққач 80 г чамаси ловия ва бўлакларга бўлинган сабзи солиб, паст оловда

яна чамаси 1 соат қайнатилади. Кейин керагича туз солиб 200 г гуруч ташланади. У 20—30 минут қайнагач таом тайёр бўлади. Косаларга тақсимлаб истеъмол қиувчиларга тарқатилади.

Келтирилган таомларга, айниқса, ёз кунлари қўшимча ҳар хил ош кўклар, жумладан, кашнич,райҳон, жамбул, петрушка ва укропларни, қишиш пайтларида эса уларнинг талқонини солиб истеъмол қилиш лозим. Бундан ташқари, суюқ таомларга сут маҳсулотлари, жумладан, сузма, қатиқ, кефир, қаймоқ қўшиб истеъмол қилиш жуда фойдали. Буни ҳаммамиз биламиз ва ҳамиша шундай қиласиз.

### 3.2. ҚУЮҚ ТАОМЛАР

Республикамиз аҳолиси ўртасида тайёрланадиган таомлар орасида қуюқ овқатлар салмоқли ўрин тутади.

а) *Палов.* Палов қадим-қадим замонлардан бери ҳалқимиз томонидан зўр иштиёқ билан тайёрланадиган ва севиб истеъмол қилинадиган миллий таомлардан бири-дир. Замона ўтиши билан турли жойларда турли усулларда тайёрлаш одат бўлиб кетди.

К. Маҳмудовнинг қайд қилишича, ҳозирги кунда 50 га яқин палов тури бор. Уларнинг айримлари қовурилган, қайнатилган қўй гўшти, қази, тухум, парранда гўшти солиб тайёрланса, айримлари магиз, нўхат, беҳи, саримсоқ кабилар солиб тайёрланади ва ҳоказо. Бинобарин, палов тайёрлашда ҳар хил ҳайвонот ва ўсимлик маҳсулотларидан фойдаланилади. Лекин мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга тайёрланадиган паловга солинадиган маҳсулотлар катта ёшдаги кишилар учун тайёрланадиган паловга солинадиган маҳсулотлардан фарқ килмоғи керак. Масалан, катталар учун тайёрланадиган паловга солинадиган думба ёғ ёки мол ёғи болаларга қийин сингийди, шу туфайли, болаларга паловни 70% сут ёғи ва 30% чамаси ўсимлик ёғи қўшиб тайёрлаган маъқул. Аммо ўсимлик ёғини сариёғ қўшишдан олдин яхшилаб қиздириб олиш керак, чунки ўсимлик ёғи таркибида гассипол деб аталувчи болалар учун заҳарли таъсир этувчи модда бор. Шунингдек, болаларга мўлжалланган паловга 1—2 ойлик бузоқ гўштини майда бўлакларга бўлиб ёки қийма қилиб солган маъқул. Бундай гўшт пушти рангда бўлиб, ёғсиз, мушак тўқималари ноzik, суяклари эса ингичка. Бундай гўштни қовуриш ва кейин қайнатиш пайтида олов айтарли баланд бўлмаслиги керак.

Баҳор фаслида қўйлар қўзилаган даврда, айниқса, чорвачилик районларда болаларга мўлжалланган паловга қоракўл қўзиларининг гўшти («барра гўшт») ни ҳам солиши мумкин. Бундай гўшtlар оч қизил рангда бўлиб, мушак тўқималари тараққий этмаган ва таркибида ёғи бўлмайди. Қўзи гўштидан палов тайёрлаганда уни майдада қилиб кесилмайди ва кўп қовурмайди. Сабзи солинганда ҳам зўр бериб қайнатилмайди, акс ҳолда гўшт титилиб кетади.

Паловга ҳайвонот гўшти ўрнига парранда гўштини, жумладан, товуқ, ўрдак, ғоз, курка, фазан, бедана кабиларни солиб ҳам тайёрласа бўлади. Бундай пайтларда гўшtlар бутунлайин ёки катта-катта бўлакларга бўлиб олинади. Парранда ҳидини йўқотиш мақсадида бир кун олдин гўштини туз, узум сиркаси ва майдада тўғралган пиёз билан тузлаб қўйиш керак. Парранда гўшти солиб тайёрланган палов болалар учун ҳам тўйимли, ҳам сифатли овқат саналади.

Сабзини бир текис пишириш мақсадида қовурилган пиёз ва гўшт устига солинганда уни майин ҳолга келгунича тез-тез аралаштириб туриш даркор. Кейин керагича ош туз ва сув қўшиб аста-секин қайнатилади. Қейин гўшт пишинқираб қолганда гуруч солиб устидан сув қўшилади ва баланд оловда қайнатилади. Бунда солинган сувнинг миқдорига аҳамият бериш керак. Сувга бўлган талаб асосан гуручнинг навига боғлиқ. Солинган сув туруч сатҳидан 1,5—2 см юқорида бўлмоғи ва бир текис қайнамоғи даркор. Солинган сувни гуруч ўзига тортгач, гуручни бир текис пишириш мақсадида аралаштириб туриласди ва пишиш олдида дамланади. Палов ош ўртача 20—25 минут дам еб туриши керак. Шундан кейин тайёрланган таомни яхшилаб аралаштириб истеъмолга тортилади.

Маълумки, Ўрта Осиё республикаларида ва уларнинг областларида ҳатто шаҳар ва районларида бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос тарзда палов тайёрланади. Бу — ўша жойнинг иқлимига, шарт-шароитига ва урф-одатларига, қолаверса, ўрганишларига боғлиқ.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга юқорида эслатиб ўтганимиздек фақат қўй ва мол ёғидан тайёрланган ва гўшт сифатида ёғли қўй гўшти ва қази ҳамда ҳар хил ўткир зираворлар солинган палов бериш зарарлидир.

Кўйида ёшга қараб 15—20 болага мўлжалланган паловга солинадиган масаллиқларни келтирамиз, қаранг: 500 г бузоқ ёки мол гўшти, 1 кг гуруч, умумий ҳажмда

250 г ёғ, 4 ёки 5 бош пиёз, 500 г сабзи ва керагича ош тузи.

б) *Шавла*. Ўзбек халқи орасида шавла ҳам қадимдан кенг истеъмол қилинадиган таомлардан бири. Уни тайёрлаш учун 400 г ёғсизроқ бузоқ ёки мол гўши, 2—3 дона бош пиёз ва 500 г сабзи майдалаб тўфраганида ва чамаси 400 г қиздирилган омикта ёғда палов тайёрландек қилиб бироз қовурилади. Кейин янга 2 л сув ва 600 г гуруч солиб, ковлаб турган ҳолда қайнатилади. Гуруч пишиб етилгач, оловдан олиб усти берк ҳолда 7—8 минут чамаси сақланади, сўнг таом тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

в) *Мошкичири*. Бир литр сувга 1,5 стакан тозаланган мош солиб, паст оловда у очилгунча қайнатилади. Мош очилгач қозонга 1 стакан тозаланган гуруч ва керагича ош туз ҳамда чамаси 1 л сув қўшиб қайнатилади ва дам-бадам ковлаб турилади. Гуруч пишиб бўтқа ҳолига келгач қопқоғи ёпиқ ҳолда 5—7 минут оловдан олиб қўйилади. Шундан кейин истеъмолга тарқатилади.

Пишиб тайёр бўлган мошкичири устига пиёздоф ҳам қўшиш мумкин. Пиёздофни майда қилиб кесилган гўшт билан пиёзни гўшт майдалагичдан ўtkазилади ва тахминан, 200 г қиздирилган ёғда помидор билан қовуриб тайёрланади.

г) *Ширгуруч*. 400 г чамаси сувга ош туз қўшиб қайнатилади. 1 кг гуруч солиб қайнатишни давом эттирилади. Сўнг 2 л сутни уч бўлакка бўлиб уларни бирма-бир аралаштириб туриб қўшилади. Бўтқа қуйилгач, оловдан олиб 5 минут чамаси қопқоғини ёпиб қўйиб сақланади. Сўнг ликобчаларга солиб устига (жами тайёрланган таомга 75 г) эритилган сариёғ ва (жами 30—40 г) шакар ёки шакар кукуни сепиб истеъмолга тарқатилади.

д) *Гўжабўтқа*. 400 г қиздирилган сариёғда майда қилиб кесилган 2—3 дона бош пиёз билан 400 г гўштни қовурилади. Сўнг 1 л сув, керагича ош туз ҳамда 1 кг майдаланган жўхори солиб, чамаси бир соат қайнатилади. Сўнг идишларга тақсимлаб, устига 1 чой қошиқда эритилган сариёғ солинади ва истеъмолга тарқатилади.

е) *Жаркоп*. Чамаси 150 г қиздирилган омикта ёғда майда қилиб кесилган 500 г гўшт, 2—3 дона бош пиёз, 200 г сабзи, 1 кг картошка ва керагича ош туз қўшиб қовурилади. Сўнг устини қоплагунча сув солиб паст оловда то пишгунича қопқоғини ёпиб қўйиб қайнатилади. Таом тайёр бўлгач идишларга тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

### 3.3. ХАМИР ОВҚАТЛАР

а) *Манти.* 500 г юмшоқ гүштни нұхат катталигіда кесилади, 3—4 дона бosh пиёзни кичик-кичик түрт бурчак шаклида түғраб керагиша ош туз құшилади ва аралаштириб қийма тайёрланади.

500 г ундан тайёрланган хамирни ўқлов ёрдамида юпқа қилиб ёйлади ва ҳажми  $10 \times 10$  см қилиб кесилади ва ҳар бирига 1 ош қошиқда тайёрланган қиймадан қүйіб хамир учларини бир-бирига бириктирган ҳолда чүзинчоқ ёки күп қирралы манти ясалади. Қасқон патнисларига ёғ суртилгач, уларга мантилар териб чиқылади ва сув буғида 45—60 минут сақланади. Сұнг устига қатиқ қүйіб идишларга тақсимлаб тарқатылади.

б) *Чучвара.* 500 г юмшоқ гүштни гүшт майдалагиңдан үтказылади, унга майдада қилиб түғралған 250 г пиёз ва керагиша ош туз құшиб аралаштырылади. 1 кг унга 2 дона тухум ва 2 стакан сув құшиб, хамир тайёрланади. Тайёрланган хамирни тиндириш керак, бунинг учун уни 10—15 минут үраб қүйилади. Сұнг тайёрланган хамирни ўқловда юпқа қилиб ёйлади ва катталигини  $5 \times 5$  см ли қилиб бұлакларга кесилади, кейин ҳар бирига ярим чой қошиқда тайёр қиймадан қүйіб чиқылади. Сұнг хамир олдин бүйиге, кейин эніга иккиге букланиб, күрсаткиң бармоқ атрофика айлантирган ҳолда учлари бириктирилади. Шу тарзда тайёрланган чучвараларни ун сепилған таhta устига териб устини ёпиб қүйилади. Чучваралар маълум миқдорда ясалғандан сұнг етарли даражада түзланған қайнаган сувда то чучваралар сув юзасига күтариլгунича ва ундан сұнг 2—3 минут қайнатылади. Шундан сұнг овқат тайёр ҳисобланади ва ликобчаларга тақсимлаб истеъмолға тарқатылади.

в) *Лағмон.* Бир кг унга 2 стакан сув, 2 дона тухум құшиб хамир қилинади. Хамир тингач, ўқлов ёрдамида юпқа қилиб ёйлади ва угра шаклида кесиб, қайнаб турған сувга угра ва керагиша ош туз солиб қайнатылади. Угра пишгач совуқ сувда чайиб бирор идишга олиб қүйилади. Бошқа қозонда лағмонга солинадиган алоҳида шұрва тайёрланади. Бунга 350 г гүшт, 2 дона картошка, сабзи ва карам, кичик түрт бурчак шаклида түғралған буррак, турп, түғралған сабзи, помидор, чучук қалампир ва пиёз түғраб, яхши қызыған ёғда олдин гүшт 5—10 минут, кейин сабзавот маҳсулотлари солиб 5—7 минут қовурилади, сұнг 1 литр чамаси сув құшиб, яна 30—40 минут паст оловда қайнатылади.

Тайёрланған уграга шұрва құшишдан олдин, уграны

қайнаб турган сувга чайиб олинади, сұнг тақсимлаб истеъмолга тарқатилади.

### 3.4. ДҮЛМАЛАР

а) *Карам дүлма*. 500 г юмшоқ гүштни гүшт майдалағичдан ўтказилади, унга 100 г гуруч, 100 г майда тұғралған бөш пиёз. 1 дона тухум, петрушка, укроп, керагича ош туз құшиб қийма тайёрланади. Бир бөш карамни баргларидан ажратиб юмшатиши мақсадида қайнаб турган сувга солиб олинади ва ҳар қайси қатига қиймадан құйиб өзинчоқ шаклда үралади.

Қозон тагига сүяк бұлаклари, бир текис қилиб кесилған помидор, пиёз, керагича ош туз ва унинг устига тайёр дүлма терилади. Дүлмани күмадиган даражада сув солинади ва устини бирорта тақсимча билан ёпиб босиб турадиган юқ құйиб құйилади. Сұнг пастроқ оловда бир-оз қайнатиб усти очилади. Шундан кейин яна паст оловда 25—30 минут қайнатилади. Дүлма тайёр бўлди деганда ликобчаларга тақсимлаб, устига керагича шўрвасидан солиб тарқатилади.

б) *Қалампир дўлма*. Карам дўлмага тайёрлагандек қилиб қийма қилинади. Қатта-кичиклигини бир хил қилиб, чучук қалампирлар танланади ва банди билан урутги олиб ташланади, сұнг уларга тайёр қиймадан айтарли зич қилмай тиқиб чиқилади.

Қалампир дўлманинг шўрвасини тайёрлаш ва тайёр дўлмани пишириш карам дўлмани пиширишдан фарқ қилмайди — юқорига қаранг.

Тайёрланган қуюқ миллий таомларни истеъмол қилишда ҳам ош күқлар — кашнич, укроп, петрушка, райхон, жамбул, күк пиёз, оқ пиёз, шакароп, турп, редиска ва сут маҳсулотлари — қаймоқ, қатиқ, сузма, кефир ва бошқалар йил фаслига қараб кенг ишлатилади.

### 3.5. ШИРИНЛИКЛАР

Ширинликлар республикамиз ақолиси орасида кенг истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари қаторига киради.

Кези келганды шуни айтиб ўтиш керакки, ӯзбек қандолатчилари тайёрлаган ширинликлар қадим-қадим замонлардан бери маълум ва машҳурдир. Уларнинг куриниши, мазаси, овқатлик қиймати ўзига хос миллий тароватга эга. Ҳозирги кунда озиқ-овқат саноатига қарашли консерва заводларыда ана шундай ҳар хил ши-

ринликларни корхона усулида кўп миқдорда тайёрлаб сотувга чиқариш расм бўлган, бу яхши, албатта. Бундай ширинликларга одатда ҳар хил мева маҳсулотлари — қулуңпай, олмадан, олча, анжир, ўрик, беҳи, нок, узум ва бошқа мевалардан тайёрланган қиёмлар ҳамда мурабболар қўшилади. Улар таркибида асосий овқат маҳсулоти — углеводлардан ташқари ҳар хил витаминлар, макро- ва микроэлементлар бор. Бинобарин, болалар овқатининг кундалик рационига истеъмол қилинадиган таомлар турини кўпайтириш ҳамда витаминлар, макро- ва микроэлементлар билан бойитиш мақсадида ҳар хил қандолат маҳсулотлари — ширинликлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

### 3.6. ИЧИМЛИКЛАР

Маълумки, Ўзбекистон территориясида ёз кунлари ҳарорат (салқинда)  $40^{\circ}$  ҳатто  $45^{\circ}$  га кўтарилади. Бундай ҳароратда одамнинг тез-тез чанқаб туриши табний. Бинобарин, чанқовни босадиган ичимликларга тез-тез эҳтиёж сезилади. Шундай экан, уларнинг турини аниқлаш, миқдорини боланинг ёшига, ишига қараб белгилаш муҳим гигиеник малака талаб қиласди.

Организмнинг суюқликка бўлган физиологик муҳтожлигини қондириш мақсадида чой, ҳар хил мевалардан олинадиган шарбатлар, компотлар, кофе ва какао истеъмол қилиш мумкин. Болаларнинг кундалик рационига қўшиладиган суюқлик миқдори мумкин қадар ўсаётган организм эҳтиёжини қопламоғи лозим, биз буни юқорида қайд қилиб ўтдик. Лекин болаларнинг ўзбошимчалик билан тартибсиз ҳолда ҳаддан ташқари кўп суюқлик ичишларига барҳам бериш керак, чунки ёз пайтида ортиқча ишиб юборилган суюқлик одамни янада кўпроқ терлатиб юборади ва натижада танадан кўплаб суюқлик чиқиб кетади, суюқлиқ билан эса витаминлар ва тузлар чиқиб кетади. Шуни назарда тутган ҳолда, биринчидан, оз-оздан, тежам билан суюқлик ичишга одатланиш керак. Иккинчидан қачон, қай вақтда, нима ичишни ҳам билиш лозим. Чой ичиладиган бўлинса ёки болага бериладиган бўлса, албатта, кўк чой абзал кўрилади.

а) *Кўк чой.* А. С. Содиқовнинг олиб борган талқиқот ишларига қараганда кўк чой организмнинг суюқлиқка бўлган эҳтиёжини 40% дан ортиқроқقا камайтиради. Ўнинг таркибидаги химиявий моддалар танадаги сув билан тузлар алмашинувини яхшилади, қон томирлар суюқлик ўтказувчанлигини камайтиради. Натижада, суюқликнинг меъдадан ичакка ўтиши, ичакдан қонга

сўрилиши сусаяди, бу эса истеъмол қилинган суюқлик-нинг кўп миқдорда тер билан туз чиқиб кетишини тежашга имкон туғдиради. Бундан ташқари, кўк чой меъдадаги хлорид кислота миқдорини кўпайтиради, бу эса ўз навбатида овқат ҳазм бўлишини яхшилади.

б) Қора чой чанқовни ҳар қалай босса ҳам кўк чой каби афзалликларга эга эмас. Бунинг устига, қора чой таркибида марказий нерв системасини таъсирловчи, яъни қўзғатувчи кофеин кўк чойдагига қараганда кўпроқ (2—4%). Шуни эътиборга олиб болаларга бериладиган қора чой ота-оналар ўzlари ичадиган чойга нисбатан суюқроқ дамланиши лозим.

К. Ю. Юсуповнинг ўтказган текшириш ишлари шуни кўрсатдики, кам миқдорда бўлса ҳам истеъмол қилинган олча қайнатмаси (1 кг қуриган олчанинг 7 литр сувдаги қайнатмаси) ташқарида ҳарорат кўтарилишига қарамай (айниқса ёз фаслида) чанқовни яхши босади ва организмдаги физиологик жараёнлар нормал ўтишини таъминлайди. Бинобарин, кўп терлаш, гавда ҳароратининг кўтарилиши, иш қобилиятынинг пасайиши каби аломатлар қайд этилмайди. Юқорида келтирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда К. Ю. Юсупов олча қайнатмасини ташқи муҳит ҳарорати кўтарилиганда организмни суюқликка бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида ҳамда организм функцияларини янада яхшилаш мақсадида истеъмол қилишни тавсия этади. Бундан ташқари, олча қайнатмаси таркибида углеводлар, витаминалар, макро- ва микроэлементлар кўпроқ бўлиб, организм терлаш билан йўқотган мазкур моддалар ўрни тўлароқ қопланади.

в) *Какао* озиқ бўлиши билан бир қаторда чанқовbosар ичимлик ҳамдир. У озиқ-овқат саноати корхоналарида порошок ҳолида ичимлик тайёрлаш учун кўплаб чиқарилади. Қандолатчилик корхоналарида эса шоколад тайёрлашда ишлатилади. Шоколаднинг химиявий таркибини баён қиласиган бўлсак, у қуидагича бўлади: 100 г какао порошогида 24,2 г оқсил, 17,4 г ёғ, 27,9 г углевод ҳамда 17,5 г клетчатка бор. Қалорияси — 374 ккал. Минерал тузлардан — 2403 мг% калий, 18 мг% кальций, 80 мг% магний, 771 мг% фосфор, 11,7 мг% темир бор. Бундан ташқари, какао таркибида глюкоза, фруктоза, органик кислоталар мавжуд. Какао меъда ости безини таъсирлаб, унинг активлигини оширади.

Какао одатда сут билан шакар қўшиб истеъмол қилинади. У яхши мазага ва озиқлик қимматига эга. Таркибида 0,4 дан 0,8% гача кофеин ва 1,5—2% тиобрамин

тутгани учун организм тонусини ҳамда иш қобилиятини оширади. Лекин болаларга ҳадеганда какао беравериш тавсия қилинмайди, чунки баъзи бир болаларда какаога сезувчанлик ҳаддан ташқари юқори бўлади — аллергик аломатларни келтириб чиқариши мумкин.

г) *Кофе*. Чанқов қолдириш хусусияти билан бир қаторда организм тонусини оширувчи ичимлик ҳамдир. Кофе таркибида 0,6—2,7% кофеин, 7,0% гача хлораген кислота, 12—15% ёғ, 13—14% азот модда, 2—3% қанд, 20% дан кўпроқ клетчатка ва 3,9% минерал моддалар бор. Кофе истеъмол қилинганда марказий нерв системаси қўзғалади, натижада иш қобилияти ошади. Юрак-томир функцияси жадаллашади. Шу сабабли ҳам юрак-томир системасида ўзгариш бўлган болаларга кофе берилса, юраги тез уриб кетади, оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат корхоналарида табиий кофелар билан бир қаторда ҳар хил ўсимлик маҳсулотларидан, жумладан, арпадан таркибида кам ёки бутунлай кофеин тутмаган кофе олинмоқда. Бундай кофелар табиий кофедан мазаси билан ҳам фарқ қиласди. Болаларга ана шундай кофе бериш тавсия этилади.

#### 4. ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚОНСЕРВАЛАШ

Маълумки, болаларнинг бўлсин, катталарнинг бўлсин кундалик овқат рационини кенгайтириш учун овқат маҳсулотларини консервалаб ғамлаб қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бежиз эмаски, республикамизда овқат маҳсулотларини саноат усулида бўлсин, уйда бўлсин консервалаш борган сари ривожланиб бормоқда. Чунки консерва қандай фаслда овқатланишдан қатъи назар аҳолини ҳар хил овқат маҳсулотлари, жумладан мева, сабзавот маҳсулотлари ва уларни шарбатлари билан етарли даражада таъминлаш имконини беради. Қуйида биз овқат маҳсулотларини консервалашнинг айрим турлари ва усуслари хусусида тўхталиб ўтамиз.

##### A. Овқат маҳсулотларини температура таъсирида консервалаш

1. *Юқори температурада консервалаши:*
  - а) стерилизация;
  - б) пастеризация.
2. *Паст температурада консервалаши:*
  - а) совутиш;
  - б) музлатиш.

## **Б. Овқат маҳсулотларини намини (сувини) тортиш усули билан консервалаш**

1. Атмосфера босими таъсирида маҳсулот намини тортиш (құритиши):

- а) табиий қүеши нуритаъсирида құритиши.
- б) сунъий (маҳсус камерада) құритиши.

2. Вакуумда маҳсулот намини тортиш усули билан құритиши:

- а) вакуум усули дақұритиши;
- б) сублимация усули билан құритиши.

## **В. Ионизациян нур таъсирида консервалаш**

## **Г. Мұхит хоссасини ўзгартыриш билан маҳсулоттарни консервалаш**

1. Осмотик босимни ошириши усули билан консервалиши;

- а) тузлаш усули билан консервалаш;
- б) қанд құшиб консервалаш.

2. Водород иони концентрациясини ошириши усули билан консервалаш:

- а) зиравор құшиб сиркалаш билан консервалаш.
- б) ачитиб консервалаш.

## **Д. Химиявий моддалар ёрдамида консервалаш**

1. Антисептик моддалар құшиб консервалаш.

2. Антибиотиклар құшиб консервалаш.

3. Ачишга қарши моддалар құшиб консервалаш.

Көлтирилған класификация шуны күрсатадыки, озиқ-овқат маҳсулотларининг овқатлық сифатини, биологик хоссаларини узоқ муддатда сақлаш учун имконият етарлы мавжуд экан. Лекин қандай озиқ-овқат маҳсулотларини қандай усулда консервалаш ва консерваларни қандай шароитда сақлаш мұхим ажамияттаға эга.

## **А. Овқат маҳсулотларининг температура таъсирида консервалаш**

### **Юқори температурада консервалаш**

Бу — озиқ-овқат маҳсулотларини консервалашнинг кең тарқалған усулларидан биридир. Унинг асосида түрли хил микробларнинг түрли хил температурага чидаммалигини билиш ва шунга қараб иш қоритиши ётади.

Масалан, температура 60°С га күтариlgанда микробларнинг вегетатив формалари 1—10 минутдаёқ ўлади. Лекин юқори температурага чидамли бактериялар ҳам борки, ҳатто, 80°С температура ҳам яшаш қобилиятини йўқотмайди. Бироқ, қайнатганда (100°С да) бир неча минут ичida ҳамма вегетатив формадаги микроблар ҳалок бўлади. Спорали бактериялар юқори температурага анча чидамли. Уларнинг активлигини йўқотиш учун 2—3 соат, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт қайнатиш талаб қилинади. Шунинг учун маҳсулотларни консервалаш жараённида уларни стерилизация қилиш керак бўлади.

Стерилизацияция консерваланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари микробларнинг ҳамма туридан батамом тозаланади. Бунинг учун эса микроб ва бактерияларнинг қисман бўлса-да, чидамлилиги, стерилизация қилиш қоидалари ва унинг муддатини билиш ва шу билимга риоя қилиш талаб этилади.

Стерилизация усули билан озиқ-овқат маҳсулотлари ни консервалашда температура 30 минут ва ундан кўп вақт давомида 100°С дан тушмаслиги лозим. Шунда консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ муддатга сақлашга яроқли бўлади.

Лекин шуниси борки, бундай стерилизациялаш даврида (юқори температура таъсирида) консерваланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ўзининг қисман овқатлик қийматини йўқотади. Витаминлар, ферментлар ва бошқа озиқ моддалар кўпми-озми парчаланиб нобуд бўлади.

Пастеризация — бу усул фақат микроорганизмларнинг вегетатив формаси активлигини пасайтиради. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, овқат маҳсулотлари ўзининг овқатлик хусусиятини, биологик қимматини, сифатини, таъмини узоқ муддат сақлаб қолади. Витаминлар, ферментлар жуда кам миқдорда нобуд бўлади. Шу билан бирга ичтерлама касаллигини чақирувчи микроблар группасини, сил касаллигини чақирувчи микробактерияларни ҳамда бруцеллез таёқчаси ва бошқа шу каби касаллик чақирувчи микробларнинг ўсиш, кўпайиш хусусиятини тўхтатиб қўяди. Унинг қулагилиги шундаки, паст температурада (стерилизацияга нисбатан) кам вақт ичida яхши натижага эришилади.

Пастеризация 65°С дан юқори бўлмаган температурада 10 минут ичidaёқ бажарилганда кўпчилик микроорганизмларнинг спорасиз вегетатив формалари нобуд бўлиб кетади. Амалда пастеризация тўла натижали бўлсин деб 65°С температурада камида 20 минут бажарилади.

## Паст температурада консервалаш

Маълумки, микробларнинг паст температурага чидамлилиги ҳар хил. Температура  $2^{\circ}\text{C}$  дан пасайганда кўпчилик микроблар ривожланишдан тўхтайди. Тўғри, паст температура микробларни ўлдирмайди, лекин уларнинг ўсишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўяди. Эътибор беринг-а, тўхтатиб қўяди, ўлдирмайди. Шундай экан кўпчилик микроорганизмлар, шулар қаторида спорасизлар — ич терлама микроблари, стафилококклар, салмонеллёз касаллигини чақирувчилар ва бошқалар паст температурадан кейин бир неча ойлар ичida ўз активлигини қайта тиклаб олиши мумкин.

Совутиш усули билан консервалаш. Озиқ-овқат маҳсулотларини консервалашнинг бу усули маҳсулотнинг ички қисмидаги температура  $0-4^{\circ}\text{C}$  бўлишига асосланган. Бинобарин, совитувчи агрегат камерасидаги ҳарорат  $0-2^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги эса 85% дан тоқори бўлмаслиги керак. Бундай шароит озиқ-овқат маҳсулотларига тушган спорасиз микроблар ўсишини тўхтатиб қўяди. Бундан ташқари, ачиш процесси 20 кунга кечикади. Совутиш усули билан консервалаш аксарият гўшт маҳсулотларини сақлаш вақтида қўлланилади.

Музлатиш усулида консервалашда озиқ-овқат маҳсулотларининг тўқима ва ҳужайраларида ҳатто структуравий ўзгаришлар рўй беради. Бунга сабаб маҳсулотларнинг тўқима протоплазмаларида майдада муз кристаллари ҳосил бўлиши ва ҳужайраларининг ички босими ошишидир. Аксарият ҳолларда бундай ўзгаришлар овқат маҳсулотларини асли ҳолига қайтармайдиган даражада бўлади. Шу сабабли ҳам бундай маҳсулотлар музидан тушганда янги маҳсулотдан сифат жиҳатидан ажralиб туради, бинобарин, ўзининг биологик қимматини ҳам қисман йўқотади. Бунинг олдини олиш учун маҳсулотларни қисқа муддат ичida, яъни тезлик билан музлатиш чорасини кўриш даркор. Чунки музлаш қанчалик тез бўлса, тўқималардаги майдада муз кристаллари шунчалик тўқималар структурасини ўзgartириб юбормайди.

### Б. Овқат маҳсулотларини намини (сувини) тортиш (қуритиш) усули билан консервалаш

Овқат маҳсулотларини намини (сувини) тортиш (қуритиш) усули билан консервалаш Ўрта Осиё шароитида кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади, чунки Ўрта

Осиё шароитида узоқ муддат мобайнида қуёш нури етарли даражада бўлади. Бу усулнинг асосида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги намликни камайтириш ётади. Сабаби — овқат маҳсулотларининг намлиги 15% га келтирилганда ундаги микроблар яшашдан тўхтайди. Микробларнинг аксарияти эса овқат маҳсулотларининг намлиги 30% дан ошган шароитда ривожланади. Овқат маҳсулотлари қуритилганда эса микроорганизмлар анабиоз шароитга ўтади, шу билан улар ўсишдан тўхтайди, борди-ю, шу маҳсулотнинг намлиги ошса, у ҳолда микроблар яна ўсиш ва ривожланиш хусусиятини тиклайди. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, қуритиш жараёнида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар ва ферментлар миқдори кескин камайиб кетади, бу аниқланган факт.

### *Атмосфера босими таъсирида маҳсулот намини тортиш (қуритиш)*

Овқат маҳсулотларининг намини камайтириш усули билан консервалашни атмосфера босимини ўзгартириш (табиий ва сунъий қуритиш) билан ва вакуум орқали амалга ошириш мумкин.

Табиий қуёш нури таъсирида қуритиш. Бу процесс узоқ давом этадиган усулларга киради. Бундан ташқари, унинг салбий томони — қуритиш ва қуриган маҳсулотларни йигищ жараёнида улар ҳар хил микроблар ва ёт чиқиндилар билан ифлосланиб қолиши мумкин. Бунинг устига бу усулни фақат узоқ вақт мобайнида қуёш нури тушиб турадиган, яъни офтоб жойларда қўллаш мумкин. Шунда ҳам саноатдагидек қисқа вақт ичida кўп маҳсулотни қуритиб бўлмайди.

Сунъий маҳсус камера да қуритиш усулидан асосан суюқ овқат маҳсулотларини — сут, тухум, по-мидор шарбати, компот кабиларни саноат усулида қуритишида фойдаланилади.

### *Вакуумда маҳсулот намини тортиш усули билан қуритиш*

Камера усулида озиқ-овқат маҳсулотларини қуритиш кўпи билан 50°C температурада ҳавони сийраклаштириш билан амалга оширилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бунда озиқ-овқат маҳсулотлари очиқ ҳавода қуритганга қараганда ўзида витаминлар, ферментлар ва бошқа табиий овқатлик хусусиятларини анча сақлаб қолади.

Сублимация усули билан қуритиш — ҳозирги замон талабига жавоб берадиган ва келгусида ривожланадиган усуллар қаторига киради. Бу усул қўлланганда озиқ-овқат маҳсулотларини тўла қуритиш билан бир қаторда уларнинг табиий овқатлик, биологик ва органолептик хусусиятларини юқори даражада сақлаб қолишга эришилади. Сублимация усулининг яна бир афзалиги шундаки, бунда овқат маҳсулотларидан музҳолидаги намлик эритилмасдан кристалл ҳолида тортиб олинади.

## **В. Ионизацион нур таъсирида консервалаш**

Ионизацион нур ёрдамида консервалашда овқат маҳсулотлари ўзининг табиий овқатлик, биологик хусусиятларини узоқ муддат сақлаб қолади. Бу усулда консервалашнинг ўзига хос томони шундаки, бунда температурни кўтармасдан туриб маҳсулотларни стерилизация қилишга эришилади. Унинг шу жиҳатидан келиб чиқиб, бу усулда консервалашни совуқ стерилизация қилиш ёки совуқ пастеризациялаш деб аталади.

## **Г. Мұхит хоссасини ўзгартириш билан маҳсулотларни консервалаш**

### *Осмотик босимни ошириши усули билан консервалаш*

Овқат маҳсулотларини осмотик атмосфера босимини ошириш усули билан консервалаш микробларнинг ўсишига тұсқынлик қиласидиган мұхит ҳосил қилиш билан бўлади. Бунда овқат маҳсулотига қўшиладиган ош туз ёки шакар шундай миқдорда бўлиши керакки, ҳосил қилинган мұхит микробларнинг ўсишига тұсқынлик қиласидиган даражада бўлсин.

Овқат маҳсулотларида осмотик босимнинг ошиши микроблар ҳужайраси билан ташқи мұхит ўртасидаги ўзаро моддалар алмашинуви процессини ўзгартириб қўяди. Яъни озиқ-овқат тўқималаридан кўп миқдорда намлик тортиб олиниши туфайли улар буришиб, қуришиб қолади, натижада, ундаги микроблар ўз-ўзидан ногуд бўлади.

Тузлаш усули билан консервалаш. Балиқ, гўшт ва бошқа шунга ўхшаш овқат маҳсулотларини узоқ муддат сақлашда уларни тузлаб қўйиш халқимиз орасида кенг тарқалган. Масалан, 8—12% қўшилган ош туз 50—70 атм. осмотик босимини ҳосил қиласиди. Бундай

шароитда микробларнинг ўсиши ва ривожланиши одатда ўз-ўзидан тўхтайди. Бу эса ўз навбатида гўшт маҳсулотларини узоқ муддат сақлаб қўйиш имконини беради. Аммо тузлаш усули билан овқат маҳсулотларини консервалашнинг бир қанча камчиликлари бор. Чунончи, тузланган овқат маҳсулотларидан таом тайёрлашда ва уларни сақлаб қўйишда уларнинг овқатлик сифати ўзгаради, жумладан азот ва оқсил миқдори камайиб, витамин ва ферментлар деярли йўқолиб кетади. Бундан ташқари, юмшоқлиги ва мазаси ўзгаради. Шу сабабдан ҳам овқат маҳсулотларини тузлаш йўли билан консервалаш яхши усуллар қаторига кирмайди. Лекин сельд ва бошқа турдаги балиқларни тузлаш йўли билан консерваланса улар ўзига хос маза беради, шунинг учун ҳам бу усул балиқларни сақлашда энг қулай, ишончли ва яхши усул саналади.

Қанд қўшиб консервалаш. Бу усулдан мурраббо, қиём ва бошқаларни тайёрлашда фойдаланилади. Бунда қанднинг миқдори 60% атрофида бўлиши керак, бунда осмотик босим 350 атм. тенг бўлади. Бундай шароитда мевалардан қилинган маҳсулотларда микробларнинг ўсиши ва ривожланиши батамом тўхтайди. Тайёрланадиган маҳсулотни олдин қайнатиб ёки пастеризация қилиб олиш ҳам уни сақлаш муддатини оширади.

Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, қанд билан консерваланган маҳсулотларда ачитқи бактериялари чидамли бўлганлигидан ҳатто баъзилари юқори концентрацияда ҳам яхши ўсади ва ривожланади.

Водород иони концентрациясини ошириш усули билан консервалаш асосида микроб тушган муҳит шароитини ўзгартириш ётади. Бундай шароитда асосан чиритувчи ва ачитувчи хусусиятга эга бўлган микроблар ўсишдан ва ривожланишдан тўхтайди. Бунга одатда маҳсулотларни зираворлаш ва сиркалаш билан эришилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, масалан, спорасиз микроблар 4—6% ли сирка кислотада ўлади. Бинобарин, зиравор қўшиб сиркалаш усули билан консервалашда сирка кислотанинг концентрацияси 1—1,8% ли бўлиши керак. Шунда микробларнинг яшаш ва кўпайиш қобилияти сусаяди ва анабиоз ҳолатга тушиб қолади. Бу усулда консервалашда маҳсулотлар сифатли бўлса ва олдиндан пастеризация қилинган бўлса яна ҳам яхши. Чунки, пастеризация қилинган маҳсулотларни консервалашда сирка кислота миқдорини 0,8—1,2% гача тушириш мумкин. Борди-ю, консервалашга мўлжалланган маҳсулотлар пастеризация қилин-

маган бўлса, сирка кислота миқдорини 1,2—1,8% га кўтариш ва сақланадиган жойнинг ҳароратини кўпи билан  $^{\circ}\text{C}$  да тутиш керак бўлади.

Ачишиб консервалаш асосида водород ионлар концентрациясини ўзгартириш ётади, яъни ўсимлик таркибидаги қанд сут кислотагача ачилади. Бу эса ўз навбатида чиритиш хусусиятига эга бўлган микрофлора-лар фаолиятини кескин сусайтириб қўяди. Ачиш жараёнида сут кислота ачиши билан бир қаторда ачишнинг бошқа турлари, яъни спирт ва сирка кислота ҳосил бўлиши каби химиявий реакциялар кечади. Бунда ҳосил бўладиган қўшимча моддалар (ацетильалдегид, глицерин), талайгина органик кислоталар (пропион, ёф ва бошқалар) ҳамда спирт ва мураккаб эфир кислоталари бир-бирига қўшилиб тузламага ўзига хос таъм беради.

Тузланган карамда спиртнинг миқдори 0,04—0,08% га боради.

Водород ионлари тузламада қанча кўп бўлса ачиш процесси шунча ошади. Лекин асосий ачиш процессини тезлатувчи модда бу — сут кислотадир. Сут кислотанинг турига қараб тузламанинг кислоталилиги 0,6 дан 2% гача бўлиши керак. Узоқ сақланадиган тузламалар таркибидаги эркин кислота 0,75% дан кам бўлмаслиги керак.

Тузламаларга, одатда, ош туз ишлатилади. Шунга кўра карамда 1,5—2,5%, бодринг, помидорда 3—5% ош туз бўлганда ачиш биринчи босқичда, яъни сут кислота ҳали ҳосил бўлмаган вақтда тайёр бўлади.

Маҳсулотлар тўғри тузланганда уларда спорасиз микроблар ва турли хил гижжалар бўлмайди.

#### Д. Химиявий моддалар ёрдамида консервалаш

Химиявий моддалар ёрдамида консервалаш бизнинг мамлакатда анча чегараланган. У ҳозир озиқ-овқат саноатида қўлланилмоқда. Бунда қўлланадиган химиявий моддаларни тахминан қўйидагича группалаш мумкин: а) антисептик моддалар; б) антибиотиклар ва в) ачишга қарши моддалар. Химиявий моддаларни қўллашда уларнинг қайси бирини қандай овқат маҳсулотига ва қанча миқдорда ишлатиш муҳим аҳамиятга эга.

## 5. МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ОВҚАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

### 5.1. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ОВҚАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мактабгача ёшдаги болалар овқатини түғри ташкил қилишда шу ёшдаги болалар организмининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Бунинг учун мактабгача ёшдаги болаларни группаларга бўлиб олиш керак: 1) кичик ясли ёшидаги болалар; 2) ўртача катта ясли ёшидаги болалар ва 3) мактабгача ёшдаги болалар. Кўриниб турибдики, болаларга бериладиган овқатлар улар группасига қараб берилиши лозим. Шунда уларнинг анатомик ва физиологик хусусиятлари, ўсиши ва талаб ҳамда эҳтиёжлари ҳисобга олинган бўлади.

Энди, болаларнинг анатомик ва физиологик хусусиятларини билиш нимага керак бўлиб қолди? Биз болаларнинг бу хусусиятларини билсак уларнинг, масалан, чайнов мускулларининг қанчалик тараққий этганлигини, меъда шираси таркибидаги ферментларнинг активлигиги ҳамда боланинг овқат таъмини ажратса билиш қобилиятини назарда тутиб овқат тайёрлаймиз. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, масалан, кичик ёшдаги болаларнинг менюсига овқат ҳазм қилиш органлари тараққиётини ҳисобга олган ҳолда фақат суюқ ва яirim суюқ овқатлар ўрнига чайнаш аппарати кўпроқ иштирок этадиган қуюқ овқатлар бера бошлаш мумкин. Овқатлар билан ҳар хил зираворлар, жумладан, ҳар хил ошкўк (шавель, салат, кўк пиёз, петрушка, укроп, кашнич, саримсоқ ва бошқалар), мевалар ва улардан тайёрланган шарбатлар ва қиёмлар бериш мумкин. Иштаҳасини очиш мақсадида озроқ балиқ икраси ва тузланган балиқ, катта группа болаларига эса колбаса ҳам бериш мумкин. Лекин болалар овқатига ўткир таъсир этувчи: сирка, мурч, аччиқ гармдори, хантал ва бошқалар бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, болалар овқатида юрак-томир ва нерв фаолиятини зўриқтирувчи ичимликлар, зираворлар, ширинликлар бўлмаслиги керак, шоколад ва какаолар кам миқдорда берилиши керак.

Бир кунлик овқат таркибидаги асосий овқат **маҳсулотлари** — оқсиллар, ёғлар, углеводлар нисбати **юқорида** қайд қилинганидек 1:1:4 бўлиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар (3 ёшдан 7 ёшгacha) **бир** кунда овқат билан (ҳар бир кг оғирлигига) **3,0—3,5 г**

оқсил, шунча ёғ ва 14 г углевод олиши керак. Овқат маҳсулотлари билан олинадиган оқсиллар умумий миқдорининг 65—70 процентини ҳайвонот маҳсулоти ташкил қўймоги лозим. Умумий ёғ миқдорининг 12—15 процента ни эса ўсимлик ёғи, қолган қисмини эса сут ёғлари қоплаши керак. Ҳар кунлик овқат таркибида 110 г кальций, 1,5 г фосфор, 8 мг темир бўлсин.

Болалар овқатида сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, ошкўкларни кўп истеъмол қилиш тавсия этилади, чунки улар минерал тузларга, микроэлементларга ҳамда витаминаларга бойдир, биз буларни юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Болаларга овқатлар билан айниқса баҳор ва ёз фаслларида пиширилмаган ҳолда ҳар хил сабзавот маҳсулотларини, жумладан, янги узилган карам, қизил сабзиларни майдалаб тӯғраб ўсимлик ёғи (салат учун чиқарилган ёғ) билан аралаштириб бериш мақсадга мувофиқдир. Истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибини витаминалар билан бойитишни зарур деб билиб, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги 1972 йил 6 июня чиқарган 978—72-сон буйруғида ясли, боғча, болалар уйида, болалар санаторийлари, шифохоналарда болаларга ҳамда туфруқхоналарда ётган аёлларга бериладиган овқатга ёшга қараб витамин С ни бир суткада 30—70 мг гача қўшиб (аскорбин кислота ҳолида) бериш тавсия қилинган.

Мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган суткалик овқатни 4 қисмга бўлиб берган маъқул. Шунда эрталабки нонушта суткалик ҳаражат қилинадиган энергиянинг 25 процентини, тушлик овқат 35 процентини, иккичи нонушта 15 процентини, кечки овқат 25 процентини ташкил қиласди. З ёшдан 5 ёшгacha бўлган болалар бир кунда 1800 ккал, 5—7 ёшгacha бўлган болалар эса 2400 ккал гача энергия берадиган овқат истеъмол қилиши керак. Тайёрланган овқатлар етарли ҳароратда, яъни иссиқлиги  $40^{\circ}$  бўлмоги лозим. Овқатнинг миқдори боланинг ёшига ҳамда бола органларининг, жумладан, овқат ҳазм қилиш органларининг, юқорида айтганимиздек, хусусиятларига қараб белгиланади. Шуларга риоя қилинганда бола иштаҳа билан овқатланади ва истеъмол қилинган овқатлар ўз вақтида ва тўла ҳазм бўлади. Бу ҳақда тўла маълумот олиш учун 7-жадвалга қаранг.

Бизнинг шахсий текширишимиз шуни кўрсатадики, республикамизнинг қишлоқ жойларида мактабгача бўлган муассасаларида болаларнинг ҳар кунлик овқати бир-биридан кам фарқ қиласди. Бунга чек қўйиш пайти келди. Ана шу нуқтаи назардан биз қўйида болаларнинг

овқат рациони (ўлчови) хусусида фикр баён қилмоқчи-миз.

Аввало, шуни эслатиб ўтиш ўринлики, болаларнинг овқат рациони бир йўла ёки бир кунлик истеъмол қилинадиган овқатга қараб тузилмайди. Балки бир ҳафталик ёки 10—12 кунлик рацион тузиб олинади. Фақат шундагина бола организми учун керакли ҳамма овқат маҳсулотларини бериш ҳамда таомлар хилини ҳар хил қилиб ўзгартириш мумкин бўлади.

Меню тузишда врач, бош ошпаз ва болалар муассасининг мудираси қатнашади. Бу менюдаги овқатлар болаларнинг овқатга бўлган физиологик талабини, энергетик ҳаражатларини қоплаган ҳамда кун бўйида истеъмол қилинадиган овқатларнинг тақсимоти, таомларнинг таркибидағи асосий овқат маҳсулотлари — оқисиллар, ёёлар, углеводлар, минерал тузлар, микроэлементлар ва бошқаларнинг энергетик қиймати ҳамда калорияси ҳисоблаб чиқилган бўлади.

Биз 1981—1987 йиллар мобайнида Тошкент областидаги ташкил қилинган мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида мунтазам кузатув ишлари олиб бориб, болаларнинг соғлифи, жисмоний ривожланиши ҳамда

#### 7-жадвал

**Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар бир овқатланишида истеъмол қилинадиган өвқат миқдори (суюқ таомлар мл, қолганлари г ҳисобида)<sup>1</sup>**

Овқат маҳсулотлари	Бериладиган овқат миқдори	
	3 дан 5 ёшгача	5 дан 7 ёшгача
<b>Эрталабки нонушта</b>		
Бўтқа ёки мевалар	200	200
Сут билан кофе ёки	150	200
какао билан сут		
Буғдой нони	50	50
<b>Жами</b>	<b>400</b>	<b>450</b>

<sup>1</sup> Овқатланиш гигиенаси институти ҳамда РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлиги Педиатрия ва болалар хирургияси институти тавсия этган.

7-жадвалниг давоми

Овқат маҳсулотлари	Бериладиган овқат миқдори	
	3 дан 5 ёш-гача	5 дан 7 ёш-гача
<b>Тушки овқат</b>		
Шўрва	150	200
Котлет ёки гўшт	70	80
Бўтқа ёки сабзавотлар	80	90
Компот ёки кисел	150	180
Буғдой нони	75	100
<b>Ж а м и</b>	525	650
<b>Иккинчи нонушта</b>		
Сут ёки кефир	200	200
Олма	85	100
Булочка	60	60
<b>Ж а м и</b>	345	360
<b>Кечки овқат</b>		
Дўлма ёки сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган овқат	200	200
Нон	50	75
Сут, кефир, қатиқ	150	200
<b>Ж а м и</b>	400	375

уларнинг истеъмол қиласидиган овқат маҳсулотларини ўрганиб чиқдик. Натижада СССР Соғлиқни сақлаш министрилиги 1984 йил 12 июндаги 666-сон қарори асосида мазкур болаларнинг овқат маҳсулотларига ўзгартишлар киритдик. Масалан, ёз ва куз ойларига ҳамда баҳор ва қиши фаслларга мўлжалланган бир ҳафталик меню<sup>1</sup> (1-илова) ишлаб чиқиб тавсия қиласидик. Менюдаги оқсили, ёғ, углеводлар ва витаминалар миқдори 2-иловада, фаслга қараб тақсимланган миқдори 3-иловада келтирилди.

<sup>1</sup> Меню профессор С. С. Солихўжаев, доцентлар: Н. С. Хўжаева, М. Д. Раҳматуллаева ва медицина фанлари кандидатлари: Р. С. Миннипа, Т. Н. Смокотнина, М. Ф. Файзиева, А. П. Сайфуллина томонидан ишлаб чиқилган.

Менюларда қишлоқ шароитидаги мактабгача ёшдаги болаларга, асосий овқат маҳсулотлари мувозанатини сақлаган ҳолда, кенг истеъмол қилинадиган миллий таомлар ҳам киритилди.

Тавсия қилинган бир кунлик овқат маҳсулотлари йиғиндининг гигиеник қиймати ва химиявий состави (фаслларга қараб) Иттифоқ миқёсида қабул қилинган нормадан фарқ қилмайди. Масалан, овқатлар турига 50 та эскича ҳамда янгича тайёрланган ва кенг истеъмол қилинадиган ўзбек миллий таомлари киритилди.

Йил фаслини ҳисобга олган ҳолда тузилган менюда эса СССР Министрлар Советининг 1984 йил 10 апрелдаги 317-сон қарорига асосан бир кунда ҳар хил соатларда мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган маҳсулотлар келтирилди. Буларга Ўзбекистон шароитида етишириладиган ҳамда миллий таомлар тайёрлашда кенг ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари киритилган (8-жадвал).

#### 8-жадвал

**Мактабгача ёшдаги (ясли, бөғча, санаторий типидаги мактабгача ёшдаги болалар муассасалари) болаларнинг кундалик рационига кирадиган овқат маҳсулётлари нормаси (г ҳисобида)**

Овқат маҳсулотлари	Болаларнинг ёши					Санаторий типидаги муассасаларда тарбияланувчи болаларнинг ёши			
	3 ёшгача		3 ёшдан 7 ёшгача						
	Муассасалarda болаларнинг бўлиш муддатига қараб								
	9—10,5 соат	12—25 соат	9—10,5 соат	12 соат	12—24 соат	3 ёшгача	3 ёшдан 7 ёшгача		
Буғдой нон	55	60	80	110	110	70	110		
Қора нон	25	30	40	6	60	30	60		
Буғдой уни	16	16	20	25	25	16	25		
Картошка уни	3	3	3	3	3	3	3		
Макарон маҳсулотлари, ёрма, дуккакли доналар	20	30	30	45	45	35	45		
Картошка	120	150	190	220	220	150	250		
Ҳар хил сабзавот маҳсулотлари	180	200	200	250	250	300	300		
Мевалар	90	130	60	60	150	250	350		
Меваларнинг қуруғи (қоқиси)	10	10	10	10	15	15	15		
Қандолат маҳсулотлари	4	7	10	10	10	10	15		
Қанд	35	50	45	55	55	50	60		

8-жадвалниң давоми

Овқат маҳсулотлари	Болаларнинг ёши					Санаторий чилидаги муассасаларда тарбияланувчи болаларнинг ёши			
	3 ёшгача		3 ёшдан 7 ёшгача						
	Муассасаларда болаларнинг бўлиш муддатига қараб								
	9—10,5 соат	12—25 соат	9—10,5 соат	2 ёш- гача	12—24 соат	3 ёш- гача	3 ёш- дан 7 ёшгача		
Сариёғ	12	17	20	23	25	30	35		
Усимлик ёғи	5	6	7	9	9	6	10		
Тухум (дона ҳисобида)	0,25	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1		
Сут	500	600	420	500	500	700	700		
Сузма	40	50	40	40	50	50	75		
Гўшт	60	85	100	100	100	120	160		
Балиқ	20	25	45	50	50	25	70		
Қаймоқ	5	5	5	10	15	20	25		
Пишлөқ	3	3	5	5	5	10	10		
Чой	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2		
Кофе	1	1	1	2	2	1	2		
Туз	2	2	5	5	8	5	8		
Хамиртуруш	1	1	1	1	1	1	1		

Бир кунга мўлжалланган овқат маҳсулотлари — нон, ун, балиқ, гўшт, чой ва ҳоказоларнинг ўртача бир йиллик нархи ҳам ҳисоблаб чиқилган.

Мактабгача ёшдаги болалар тарбияланадиган муассасаларда 12 соат мобайнида болаларга бериладиган бўлка ноннинг ярмидан кўпи истеъмол қилинмаслиги туфайли кундалик нормага ўзгартириш киритилди. Эътибор беринг, бериладиган бўлка нонни ўзлари ўргангандан уй нонига (тандирда ёпилган нонга) алмаштирилганда уни истеъмол қилиш миқдори икки марта ошиши аниқланди. Тушликка 40—60 г қора нон ва 70 г ёпган нон овқат билан бирга берилганда истеъмол қилинмаган ноннинг миқдори кескин камайгани қайд қилинди.

Бир кунга мўлжалланган ун миқдорининг 25 г дан 35 г гача оширилишида ўзбек миллый таомларида ундан тайёрланадиган таомлар кенг истеъмол қилинишидан келиб чиқилди. Худди шунингдек менюда буғдой унидан қилинган нон миқдорини 40 г гача камайтирилди. Рационга киритилган бундай ўзгартиришлар бир кунлик овқат маҳсулоти миқдорида углеводлар миқдорини 12,5 г камайтиришга олиб келади. Бу камомат нормадаги 60 г ҳўл мева миқдорини ёз ва куз ойларида Ўзбекистонда мўл бўладиган ҳўл мева миқдорини 150 г га етказиш ҳисобига қопланди.

Баҳор ва қиши фаслларида эса ҳўл мева миқдорини ярмига камайтириб, камоматни мева шарбатлари ҳисобига қоплаш мумкин.

Болаларни оқсил моддалар билан таъминлаш мақсадида истеъмолга тавсия этилган 50 г балиқ миқдорини 35 г га тушириб шунинг ҳисобига гўшт миқдорини 100 г дан 110 г га ошириш тавсия этилди. Буни балиқ ва балиқ маҳсулотларидан тайёрланган таомларни республикамизning қишлоқ жойларида уй шароитида ҳамда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида яхши истеъмол қилинмаслигидан келиб чиқиб қилинди. Бу ҳол биз ўтказган текшириш ишларимизда тасдиқланган.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг тасдиқланган менюсига ўзгартириш киритганимизда ичимликларни ҳам ҳисобга олдик. Масалан, чой миқдорини 0,3 г га оширилиши (кофе ичимлиги миқдорини 1 г га камайтириш ҳисобига) миллий одатдан келиб чиқиб қилинди. Айниқса, қишлоқ шароитида ширчой мунтазам истеъмол қилинади, шу сабабли ҳам чой миқдори оширилган.

Дон маҳсулотлари тавсия қилинганда ҳам миллий одатларни ҳисобга олинди. Масалан, гуруч, ловия ва нўхат кенг истеъмол қилиниши кўзда тутилди, чунки қайд қилинган дон маҳсулотларидан тайёрланган таомлар қишлоқ жойларида катталар билан бир қаторда болалар ҳам яхши истеъмол қиласидилар.

Сабзавот маҳсулотлари қаторида қовоқни ҳам кенг истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди, чунки Ўзбекистон шароитида аҳолини қовоқ билан йил бўйи таъминлаш мумкин. Бундан ташқари, қовоқ миллий таомлар тайёрлашда қадимдан кўп ишлатилади. Бунда қовоқ таркибидаги каротин моддасини ва унинг фойдасини унутмаслик керак. Овқатни каротин билан янада бойитиш мақсадида сариқ сабзи ўрнига қизил сабзини қаймоқ ёки ўсимлик ёғи билан қўшиб салат ҳолида болаларга бериш тавсия этилади.

Мана шундай ўзгартишлар киритиб тавсия этилган овқат маҳсулотларининг гигиеник қиймати 9-жадвалда келтирилган. Унда келтирилган асосий овқат маҳсулотлари мактабгача ёшдаги муассасаларда тарбияланувчи болаларнинг энергетик ҳаражатларини қоплайдики, бу — Совет Иттифоқида қабул қилинган СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1982 йил 22 марта тасдиқланган «Физиологик талабларни қондирадиган овқат маҳсулотлари ва энергияси» қарорида кўрсатилган тавсияларга яқин туради.

Меню тузганда қандай ва қанча овқат **маҳсулотлари**

## 9-жада л

**Мактабгача ғылдаги болалар мұассасаударда неча соат бүлиши мұддатига қараб түзилгандың өвқат мажсулотлары ва уларнинг химияий таркиби**

Соат	Оксидлар		Ернап		Угле-водлар	Кало-рияси, иккал	А	каротин	Витаминалар		Минерал тузлар						
	хайвон	үсим-лик оксиди	хайвон	үсим-лик өфи					B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	PP	C	K	Ca	M	P	Fe
9—10,5 соат	40,32 60,53	30,21 59,38	49,5 59,38	9,88	220,2	1663,5	0,5	1,658	0,903	1,442	7,62	57,3	2561,8	806	247	1109,7	13,2
12 соат	43,32 68,88	25,56 68,4	56,26 68,4	12,14	272,9	1926,2	0,55	1,929	1,533	9,29	76,8	3140,6	949	309	1311,9	15,3	
24 соат	44,46 72,32	27,86 72,81	60,45 72,81	12,36	292,7	2055,1	0,57	2,049	1,067	1,578	9,52	76,5	3277,0	0,997	325	1372	156

олиш кераклигини билиш мақсадида меню-тақсим (меню-раскладка) тузилади.

Меню-тақсим ошхонада сақланадиган ва ошпаз овқат маҳсулотларини қозонга солишда фойдаланадиган асосий ҳужжат. Меню-тақсимда ҳар бир таом учун қанча маҳсулот ёзиб олиниши алоҳида-алоҳида кўрсатиб қўйилган бўлади. Ҳар бир болага олинган овқат маҳсулотини умумий болалар сонига кўпайтирилади. Бу — ошпазга масаллиқларнинг керакли миқдорини олишга ва қозонга солишга қўлланмадир; медицина ходимига эса овқатнинг химиявий таркиби ва энергетик қийматини ҳисоблашга хизмат қиласди.

Рационнинг химиявий таркибини ҳисоблаш учун маҳсус жадвалдан (масалан, мазкур ишимизда 10-жадвал) фойдаланиш зарур. Бу жадвалда у ёки бу овқатнинг қиймати ва унинг тарбияланувчи болаларнинг барчаси учун тайёрлашнинг қулайлиги ҳисобга олинган. Унда А. А. Покровский томонидан тавсия этилган (овқат маҳсулотларининг химиявий таркиби келтирилган) жадвалдан фойдаланилди.

#### 10-жадвал

**Тозаланмаган 100 г маҳсулётга нисбатан ўзлаштириш ҳисобида олинган маҳсулотнинг химиявий таркиби ва энергетик қиймати (фойдаланишни осенлаштириш мақсадида сонлар катталиги бутун қилиб олинди)**

Тартиб №	Маҳсулот	Оқсил	Еғлар	Углеводлар	Килокалориялари
1.	Ёғи олинмаган сут	2,8	3,5	4,5	62
3.	Қефир	2,8	3,5	4,0	60
3.	Қаймоқ — 10% ли	2,6	9,0	4,0	150
4.	Қаймоқ — 20% ли	2,0	20,0	3,0	280
5.	Сузма	12,0	8,0	3,0	140
6.	Голланд пишлори	20,0	20,0	2,0	300
7.	Товуқ тухуми	10,0	10,0	0,5	130
8.	Мол гүшти	14,0	8,0	—	135
9.	Чўчқа гүшти	12,0	17,0	—	200
10.	Қуён гүшти	12,0	5,0	—	100
11.	Товуқ гүшти	10,0	6,0	—	100
12.	Жигар	13,0	3,0	—	80
13.	«Отдельная» колбасаси	10,0	13,0	1,0	150
14.	«Молочный» сосискалари	12,0	9,0	1,0	135
15.	Дарё балиғи	8,0	1,0	—	40
16.	Денгиз балиғи	10,0	0,5	—	45
17.	Сельдь	9,0	10,0	1,0	130
18.	Буғдои уни	9,0	1,0	70,0	330
19.	Маний ёрмаси	9,0	0,5	70,0	320
20.	Сули ёрмаси	10,0	6,0	60,0	380

## 10-жадвалниң давоми

Тартиб №	Маҳсулот	Оқсил	Еғлар	Углеводлар	Килокалориялари
21.	Гречиха ёрмаси	10,0	2,0	65,0	325
22.	Гуруч	6,0	1,0	70,0	320
23.	Нұхат	19,0	2,0	50,0	300
24.	Ловия	19,0	2,0	50,0	300
25.	Макарон маҳсулотлари	9,0	1,0	70,0	330
26.	Бүгдой нони	7,0	1,0	50,0	240
27.	Жавдар нони	5,0	1,0	45,0	210
28.	Печенье	10,0	10,0	70,0	410
29.	Сариёф	—	80,0	—	720
30.	Усимлик ёғи	—	93,0	—	850
31.	Картошка	1,0	—	15,0	65
32.	Сабзи	1,0	—	6,0	29
33.	Лавлаги	1,0	—	8,0	36
34.	Оқ карам	1,0	—	4,0	22
35.	Янги томатлар	0,5	—	3,5	16
36.	Қовоқ	0,2	—	4,2	15
37.	Құқ нұхат	4,0	—	13,0	69
38.	Кабачки	0,3	—	2,5	11
39.	Пиёз	2,5	—	7,5	41
40.	Бодринг	0,5	—	2,5	14
41.	Салат	1,0	—	1,5	9
42.	Үрик	1,0	—	9,0	41
43.	Апельсин	0,5	—	6,0	25
44.	Узум	0,3	—	15,0	62
45.	Қулупнай	1,0	—	8,0	36
46.	Олма	0,2	—	10,0	42
47.	Қанд	—	—	99,5	390
48.	Асал	0,3	—	78	320
49.	Шоколад	6,0	37,0	48,0	568
50.	Какао порошоги	20,0	19,0	38,0	420

Тавсия этилган менюда овқатлар түри сузма ва дуккакли донлар ёрмасидан тайёрланған ва европа ақолиси орасыда кенг истеъмол қилинадиган овқатлар билан ҳам бойитилған, бундай овқатларни республикамиз болалар ҳам иштаха билан истеъмол қиласылады.

Үй шароитида кечки овқатни ҳамда дам олиш ва байрам күнлари (бала уйда қолғанда) истеъмол қилинадиган таомларни тайёрлаш усуллари тавсия этилған. Уйда қабул қилинадиган кечки овқатта мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида иложи бұлмаган маҳсулотлар: мош, ловия, нұхат, товуқ гүшти киристилған. Шунингдек дам олиш ва байрам күнлари уйда тайёрланадиган овқат маҳсулотлари болалар муассасаларида тайёрланадиган таом масаллиқларига яқын бўлиши керак.

Булардан ташқари, биз тузган менюда истеъмол қиласылады.

лишга тавсия қилинган овқат миқдорига ҳам баъзи бир ўзгартишлар киритилдики, бу — овқатни исроф қилишнинг олдини олишга қаратилгандир.

Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи баъзи бир оила аъзоларининг кун тартибини ўрганиш шуни кўрсатади-ки, ёз-куз ва баҳор фаслларида ота-оналар эрта тонг билан ишга кетишлари туфайли болалар кўпинча ясли-боғчаларига нонуштасиз (эрталаб соат 8 гача) келадилар. Кечки овқатни эса одатда оила аъзолари билан биргаликда соат 21—22 да истеъмол қиласидилар. Шуни назарда тутиб биз уларнинг ясли-боғчаларда овқатлашишини қўйидагича тартибда бўлишини тавсия этамиз (овқат истеъмол қиласидиган вақтга қараб овқатнинг энергетик қиймати):

эрталабки нонушта	— 8.30 — 25%
тушки овқат	— 12.30 — 40%
кечки тушки овқат	— 16.30 — 15—20%
кечки овқат	— 19.00 — 10—15%

Келтирилган овқатланиш тартибидан кўриниб туридиди, эрталабки нонушта бирмунча эрта; кечки овқат эса миқдор жиҳатидан бирмунча кам, чунки тахминан 2 соатдан сўнг оила аъзолари билан бола уй шароитида яна кечки овқат истеъмол қиласиди; кечки тушлик эса куннинг иккинчи ярмида бўлганлиги учун бирмунча тўйимлироқдир.

Меню тузганда бир овқат маҳсулотини иккинчи бир овқат маҳсулоти билан алмаштириш лозим бўлганда уларнинг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш йўли билан тенглаштириб туриш керак. Болалар муассасаларида эса бир овқат маҳсулотини иккинчи бир овқат маҳсулоти билан алмаштирилганда уларнинг фақат энергетик қийматинигина эмас, шу билан бир қаторда уларнинг химиявий таркибини ҳам ҳисобга олиш керак. Шундай қилинганда ҳам алмаштиришга фақат баъзи вақтлардагина ўтиш лозим, акс ҳолда, яъни ўзгартирилган бир овқат маҳсулотининг химиявий таркиби иккинчисиникига ўхшамаслиги туфайли болаларнинг муайян моддага бўлган эҳтиёжи физиологик нуқтаи назардан қопланмай қолиши мумкин.

Таркибидаги оқсил ва ёғ миқдорига қараб овқат маҳсулотларини қандай алмаштириш мумкинлиги 11-жадвалда келтирилган, қаранг.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи бир овқат маҳсулотларини, жумладан, нон, сариёғ, сут, қанд кабиларни бошқа овқат маҳсулотлари билан алмашти-

риб бўлмайди. Шу сабабли улар ҳар кунлик истеъмол қилинадиган овқат таркибида етарли даражада бўлиши шарт. Қаймоқ, пишлоқ, сузма ва бошқалар ҳар кунлик овқат рационига кирмай қолиши мумкин. Лекин ҳафта-нинг охирида асосий овқат маҳсулотларининг миқдори болаларнинг физиологик талаб-эҳтиёжига тўла жавоб берадиган даражада бўлмоғи лозим.

Бундай жадвалда таомлар қандай овқат маҳсулотларидан тайёрланганлиги ва бу овқат маҳсулотлари менюда неча марта такрорланганлигини аниқлаш қийин эмас. Масалан, ҳар бир болага тавсия қилинган меню бўйича бир кунда 35 г (бир ҳафтада 245 г) балиқ мўлжалланган, дейлик. Албатта, бундай миқдордаги маҳсулотдан ҳар куни таом тайёрлаш қийин, лекин у ҳафтага мўлжалланган бўлганлиги учун ҳар хил овқатлар, яъни балиқ, котлет, қовурма балиқ, тузланган балиқдан тайёрланган паштет — эзилган картошка билан бериб тақсимлаб юборса бўлади.

Гўшт ва балиқдан тайёрланган таомлар тушки вә эрталабки таомлар билан бирга берилгани маъқул. Кечки овқат учун сутдан, ҳар хил ёрмалардан ва мевалардан тайёрланган таомлар, иккинчи нонушта учун кефир, сут, мевалар, ҳар хил ширинликлар, печеньелар, булкалар ва чой бериш мақсадга мувофиқ келади.

Бир ёшу 2 ойликдан 7 ёшгача бўлган болаларга овқат масаллиқлари олишда болаларнинг ёши ҳисобга олинади. Бинобарин, тайёрланган овқатнинг миқдори шунга қараб ўзгаради, демак, тарқатиладиган овқат болаларнинг ёшини ҳисобга олган миқдорда бўлиши лозим.

Меню тузгандаганда овқатланадиган болаларнинг сонини, олинадиган овқат маҳсулотларини ҳамда унинг миқдорини кўрсатиб бериш даркор.

Овқат маҳсулотларини пиширгунча ва пишириш даврида табиий йўқотиладиган салмоғини, бундан ташқари, макарон ҳамда ёрма маҳсулотларини пиширишга талаб қилинадиган сув миқдорини ҳисобга олиб юритиш керак. Масалан, мол гўшти пиширилгунча суюк ва шалҳайларидан тозаланганда ўртача 30,5% салмоғини йўқотади. Демак, 1 кг мол гўштидан (бунинг салмоғини брутто дейилади) пиширилгунча 305 г чиқинди чиқиб кетади, 695 г қисмини истеъмол қилса бўлади (бу салмоғни нетто дейилади).

Гўштни пиширгандан кейин қанча маҳсулот қолишини билиш учун гўштни пишириш даврида нетто маҳсулотнинг 38 проценти йўқотилишини ҳисобга олиш керак.

Бу — бизнинг юқорида келтирган мисолимизда 264 г ни ташкил этди. Демак, 1 кг брутто гўшт маҳсулотидан ёки 695 г нетто маҳсулотдан 431 г пишган гўшт олиш мумкин.

Витаминалар миқдорини ҳисобга олишда маҳсулотлар пиширилганда уларнинг қанчалик парчаланиб кетишини назарда тутиш лозим. Маълумки, пиширилган овқатларни истеъмолга тарқатишдан олдин врач ёки медицина ҳамшираси дегустация қилиб кўради. Дегустация натижалари эса маҳсус очилган бракераж журналига қайд қилиб қўйилади.

Медицина ходимлари ҳамда болалар муассасалари ходимлари ҳар болага бериладиган овқат миқдорини менюда кўрсатилганича берилишини назорат қилиб боришилари лозим. Болалар ўзларига тегишли миқдорда овқат истеъмол қилиб боришилари уларнинг яхши ўсиб, ривож топиб кетишилари учун жуда муҳим.

## 5.2. МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ОВҚАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик ва физиологик хусусиятлари, органларининг анча ривожланганлиги, жумладан, марказий нерв системаси, жинсий органлари тараққиёти ҳамда моддалар алмашинуви процессларининг кучайганлиги мактабгача ўшдаги болаларнидан фарқ қиласди. Шу сабабли ҳамда уларнинг ўқиш жараёнида замонавий илмий техника тараққиётидан фойдаланиши, бу эса, ўз навбатида, кучли ақлий фоалиятни талаб қилиши мактаб ёшидаги болалар овқатини талаб даражасида тўғри ташкил қилиш масаласини жиддийлаштириб қўяди.

СССР Медицина фанлар академиясига қарашли Овқатланиш гигиенаси институтининг тавсиясига кўра мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик ва физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб уларни уч группага: 7 ўшдан 13 ўшгача, 11 ўшдан 13 ўшгача ва 14 ўшдан 17 ўшгача бўлиш расм бўлган. Бинобарин, уларга бериладиган овқат таркиби, миқдори ва умумий калорияси қайд этилган шу группаларга биноан тақсимланади. Бунда асосий овқат маҳсулотлари — оқсилик, ёғ, углеводлар тақсимотда етарли даражада бўлиши муҳим.

Бундан ташқари, СССР Бош санитария врачининг 735—68-сон қарорига мувофиқ мактаб болаларнинг овқатини ташкил қилишда болаларнинг физиологик талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда таомлар турмани ва

миқдорини белгилаш керак бўлади. Масалан, калориясини назарда тутадиган бўлсак, мактаб ёшидаги болаларнинг бир кунлик истеъмол қиласидиган овқати 2400—3150 ккал ни ташкил қилиши керак. Акс ҳолда улар зарурий энергия олмаган бўладилар. Хореография ва ёш спортчилар мактабида тарбияланувчи болалар машғулот даврида ҳар бир соатда 400 дан 500 гача ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ ккал энергия йўқотадилар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, 2—2,5 соатга чўзиладиган машғулот давомида ўқувчилар йўқотадиган бир кунлик энергиянинг учдан бирини сарфлаб қўядилар. Шуни назарда тутган ҳолда болаларнинг бир кунлик овқати: 11—13 ёшли ўсмир учун 3100—3300; 14—18 ёшлилар учун 3500—3700 ккални ташкил қилиши керак. Айниқса, юқори калорияли (масалан, 4000—4500 ккал ли) овқатлар билан ёш спортчилар машғулот ва беллашув пайтида, қишлоқ жойларда ўқувчилар ёки ГПТУ талабалари қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган механизмлар билан ишлаётганларида ҳам таъминланишлари керак.

Корхоналарда ишлаш (практика маҳалида) ўқувчилардан (талабалардан) кўп энергия сарфлашни талаб қиласи. Уларнинг корхоналарда ўтказадиган практика кунларида қишлоқ шароитида механизаторлик касбини ўзлаштирувчи ўсмирларга бир кунда сарфланадиган энергия 3500—3650 ккални ташкил этади. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ҳолларда иш жараёнида сарфланадиган энергиянинг ўрнини юқори калорияли овқатлар билан қоплаш лозим бўлади.

Умуман қўйида биз 7—14 ёшли мактаб болаларини икки группага бўлиб ёшига яраша интернат-мактаблар, лионерлар лагери ва ПТУ даги болаларни овқатлантиришда қандай озиқ маҳсулотларидан қанча берилиши назарда тутилган тақсимотни эътиборингизга ҳавола қилдик (12-жадвалга қаранг).

Ҳайвонот маҳсулотларидаги оқсиллар ўз таркибида киши организмида синтезланмайдиган аминокислоталар тутгани учун ҳамда организмга яхши сўрилгани учун бир кунлик истеъмол қилинадиган таркибида оқсил тутган овқат маҳсулотларининг 60 проценти ҳайвонот маҳсулотларидан бўлиши лозим.

Чунки овқат маҳсулотлари билан организмга оқсил етарли даражада кириб турса, бола организмини ташки муҳит таъсирига чидамли қиласи, айниқса, унинг юқумли касалликларни чақиравучи микробларга қаршилик кўрсатиш ҳамда жисмоний ва ақлий иш қобилиятини оширади.

**Интернат-мактаб, пионерлар лагери ва ПТУ да тарбияланувчи бир болага мұлжалланған өвқат маҳсулотларининг таҳминий ҳисоби  
(СССР Министрлар совети 1969 йил 31 декабрда тасдиқлаган)**

Овқат маҳсулотларининг номи	Интернат-мактаб		Пионерлар лагери	ПТУ
	7—11 ёш	11—14 ёш		
Қора нон	100	200	100	500
Жайдари нон	200	200	250	200
Картошка уни	20	30	—	50
Бүгдой уни	10	10	10	—
Ёрма ва макаронлар	60	70	45—20	75—35
Картошка	250	350	350	400
Сабзавотлар	250	300	400	300
Қуритилган мева	20	20	15	—
Хұл мева	100	100	100	—
Дүккакли ўсимликлар	—	—	10	—
Шакар	60	60	70	55
Гүшт	100	125	160	80
Балиқ	25	75	60	50
Сут	400	400	500	150
Сузма	30	40	40	—
Қаймоқ	20	25	10	—
Пишлоқ	10	10	10	5
Саріеф	15	60	45	12
Ўсимлик ёғы	—	—	15	10
Конфет	10	10	—	—
Печенье	20	20	—	—
Туз	10	15	8	15
Кофе (какао)	3	3	2,5	—
Клюква	—	—	—	—
Эритилган оқ ёғ	—	—	—	15
Тухум (дона)	1	1	1	0,2
Чой	0,2	0,2	0,2	0,2

СССР Медицина фанлари академиясига қарашли Овқатланиш гигиенаси институтида олиб борилған илмий тадқиқот ишлари шуни күрсатдик, 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар бир кг оғирлиғига 2—2,5 г; 11—13 ёшли болаларга 1,5—2 г; 13 ёшдан юқори бўлган болаларнинг ҳар бир кг оғирлиғига эса 1,5—1,9 г оқсил мунтазам бериб борилса болалар одатда ҳар томонлама уйғун ривожланиб боради.

Мактаб ёшидаги болалар овқатининг бир кунлик рационида ўртача 80—106 г оқсил бўлиши керак. Болалар ва ўсмирларнинг (хореография ўқувчилари, ёш спортчилар, механизатор талабалар) анча жисмоний иш талаб қиласидаги иш вақтидаги овқат билан оладиган бир кунлик оқсил миқдори: 10—13 ёшли болалар учун 110—120 г; 14—18 ёшли ўсмирлар учун 132—140 г гача оширилиши керак.

Мактаб ёшидаги болаларнинг ёғга бўлган бир кунлик эҳтиёжи 80—106 г ни ташкил қилади. Бунинг кўп қисми сут ёғи бўлмоғи лозим. Истеъмол қилинадиган овқатда ёғ миқдори ошиб ёки камайиб кетса, боланинг униб-ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мактаб ёшидаги болаларнинг бир кунлик овқатидаги углеводлар миқдори 324—367 г бўлгани ҳолда унинг 60 г ни қанд ташкил қилмоғи керак.

Овқат маҳсулотларида минерал тузларнинг етарли бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тайёрланган овқатнинг сифатини ошириш ҳамда овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида ҳар хил ошкўклар — кащнич, укроп, петрушка, пиёз, равоч ва бошқалар; дориворлар — қалампир, хрен, хантал кабиларни истеъмол қилишга рухсат этилади. Меъерида ейилган бундай ошкўк ва дориворлар юқорида эслатиб ўтганимиздек, овқат таъмини яхшилаш билан бирга, иштаҳани очади, меъда шираси ажралишини оширади, аммо кўпроқ истеъмол қилиб юборилса, айниқса болаларда меъда шиллиқ қаватини, ўт пуфагини ҳамда буйракларни таъсирлаб кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Болаларда истеъмол қилинган овқатнинг организмга қанчалик сўрилиши кўп жиҳатдан таом учун олинган маҳсулотларнинг сифати билан миқдорига ҳамда пазанданинг тайёрлаш маҳоратига боғлиқ. Масалан, агар овқатга ёрмалар ўрнига қисман ҳар хил сабзавот маҳсулотлари қўшилса, гўшт, дон ва нон оқсилиларининг организмга сўрилиши 75% дан 85—90% гача ошади. Бунга сабаб сабзавот маҳсулотлари таркибидаги меъда ширанинг кўплаб ажралишига сабабчи бўлган экстрактив моддаларнинг таъсиридир. Бундан ташқари, сабзавот маҳсулотларидаги витаминлар билан микроэлементларнинг бола организмига фойдали таъсири бекиёсdir.

Истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотларининг организмга сўрилиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, асосий овқат маҳсулотлари — оқсилилар, ёғлар ва углеводларнинг етарли миқдорда бўлишига ҳам боғлиқ. Масалан, овқатда ёғ меъеридан кўп бўлса, унинг организмга сўрилиши камаяди. Бундан ташқари, таркибида кўп ёғ тутган овқат иштаҳани пасайтиради ва организмда ҳар хил заҳарли моддалар, жумладан, кетон танаачалари тўпланишига сабаб бўлади.

Овқатнинг организмга яхши сўрилиш омилларидан яна бири таомни етилтириб пиширишдир. Қунт билан, шошилмасдан етилтириб пиширилган таом шошиб, чала

ярим пиширилган овқатга нисбатан анча яхши ва тез сўрилади. Овқатнинг сўрилишига иштаҳанинг яхши бўлиши овқатга ўтирилган пайтдаги шарт-шароитга ҳам боғлиқ, албатта.

Болалар билан ўсмирларга таомни шошмасдан, тўла чайнааб истеъмол қилишни, овқатланаётган даврда бошқа ишлар билан (китоб ўқиш, гапга аралашиб) шуғулланмасликка ўргатиш керак, чунки истеъмол қилинган овқатнинг сўрилишига шулар ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг учун эса, аввало, болаларни ёшлигидан бошлаб овқатланаётганда тўғри ўтиришга, овқатни иштаҳа билан еб, яхшилаб чайнашга ва бу вақтда бошқа ишларга чалғимасликка одатлантириб бориш əҳамиятга эга.

Организмнинг овқатга бўлган талаби куннинг маълум бир вақтига ҳосил қилинган шартли рефлексга боғлиқ. Шунинг учун болаларнинг овқатланиш режими, яъни бир овқатдан сўнг иккинчи овқат ўртасидаги дақиқа ҳамда овқатнинг миқдори ва сифати кун мобайнида тўғри тақсимланмоғи лозим. СССР Медицина фанлар академиясига қарашли Овқатланиш гигиенаси институти мактаб ёшидаги болаларнинг кун давомида 4 маҳал овқатланишни тавсия қиласди. Қуйида I ва II сменада ўқийдиган болалар учун 4 маҳал овқатланиш режими тавсия қилинди, қаранг (13-жадвал).

#### 13-жадвал

#### Мактаб ёшидаги болаларнинг 4 маҳал овқатланиш режими

I. смена		II смена			
Овқатланиш маҳали	Соати	Калорияси, % ҳисобида	Овқатланиш маҳали	Соати	Калорияси, % ҳисобида
Эрталабки нонушта	8.00	20—25	1. Эрталабки нонушта	8.30	20—25
Иккинчи нонушта	11.00	15—20	2. Тушлик	12.30	35—40
Тушлик	14.30	35	3. Иккинчи нонушта	16.30	15
Кечки овқат	19.30	25	4. Кечки овқат	19.30	25

Кўрсатилган овқатланиш вақтлари оралиғида бирон овқат ейиш ярамайди, аks ҳолда иштаҳа йўқолади, овқатланишга ҳосил қилинган шартли рефлекс сусайди ва овқат ҳазм қилиш органлари иши издан чиқиб турли хил кўнгилсизликларга сабабчи бўлиши мумкин.

Хореографияда таълим олувчи ва спорт билан шу-

ғулланувчи болаларнинг кун тартибидаги машғулотлари вақтига қараб уларнинг бир кунлик овқатини соатларга тақсилаб чиқиш керак. Бунда машғулотдан олдин истеъмол қиласиган овқат албатта юқори калорияли бўлиши лозим, миқдори эса кўп бўлмаслиги керак. Агар машғулот эрталаб бўладиган бўлса (масалан, эрталабки нонушта билан тушлик ўртасида) у ҳолда эрталабки нонушта бир кунлик овқатнинг 35 процентини, тушлик — 35 процентини, иккинчи нонушта — 5 процентини ва кечки овқат — 25 процентини ташкил қиласди.

Мактаб ўқувчиларининг овқати, юқорида қайд этилганидек, ҳар хил маҳсулотлар — ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланиши керак. Ўртacha семиз қорамол гўшти, ёғсизороқ қўй гўшти, қуён ва парранда гўштлари ҳамда жигар, буйрак ва мия тавсия қилинади. Улар бир кунда овқат билан камида 500 мл сут, 1 дона тухум емоқлари керак.

Овқатга ишлатиладиган ёрмалар, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари ҳам ҳар хил бўлиши лозим. Гречиха ва арпадан қилинган ёрмалар таркибида кўп миқдорда минерал тузлар ва В группага кирувчи витаминлар тутади, деб юқорида қайд қилиб ўтган эдик.

Гуруч билан соя ҳам муҳим овқат маҳсулоти ҳисобланади. Улар таркибидаги аминокислоталар ўзининг химиявий тузилиши билан ҳайвонот маҳсулотларидаги аминокислоталарга яқин туради. Макарон ва нон таркибидаги аминокислоталар қиймати жиҳатдан пастроқ турсалар ҳам ҳайвонот маҳсулотлари — гўшт, сузма, сут, тухум, балиқ қаторида истеъмол қилинса, организминг умумий аминокислоталарга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилган бўлади.

Маълимки, ҳафта ичида овқатларнинг ҳар хил бўлиши олинадиган овқат маҳсулотларига ҳамда бир хил маҳсулотдан ҳар хил таомлар тайёрлашни билишга боғлиқ. Бир хил таом ҳафта ичида икки мартадан ортиқ тақоррланмаслиги керак.

Эрталабки ионуштада иссиқ таом таркибида гўшт, балиқ, сабзавот ёки ёрма бўлиши, пишлоқ, сут, чой, сариёф ва нон об-ичилиши яхши. Гўшт ёки балиқ бўлмаган кунлари ҳар хил бўтқалар, сузма ёки тухумдан тайёрланган овқатлар бериш ҳам мумкин.

Тушлик овқат З хил бўлгани маъқул: биринчисига — гўшти ёки балиқ шўрва, иккинчисига — гўшт ёки балиқ ёнига сабзавот ёки ҳар хил ёрмалардан тайёрланган бўтқа қўшиб бериш керак. Учинчисига организмнинг

суюқликка бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳар хил ичимликлар (компот, кисель, витаминлаштирилган ҳар хил суюқлиқлар, чой, мева ва полиз маҳсулотлари) берилади. Нон қора бўлгани маъқул.

Иккинчи нонушта кефир, қатиқ, сут ва ҳар хил ширин булкалар берилади.

Кечки овқатда сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган шакароблар, сузма ёки тухумдан тайёрланган таомлар, сут, чой, қатиқ, кефир ва ҳар хил мевалар берилгани маъқул.

Оқсилларга бой овқатлар боланинг нерв системаси фаолиятини оширади, кўп миқдорда суюқлиқ талаб қиласди. Организмнинг бундай физиологик талабини қондириш учун суюқликлар куннинг биринчи ярмигача, яъни эрталабки нонушта ҳамда тушлика берилгани маъқул. Кечқурун эса суюқликни кўп талаб қилмайдиган овқатлар беришга ҳаракат қилиш лозим. Бундан ташқари, кечки овқат миқдор жиҳатидан ҳам кўп бўлмаслиги, сут, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан иборат бўлиши, ётишдан 1,5—2 соат олдин истеъмол қилиниши керак.

Болаларнинг бир марталик истеъмол қилиши лозим бўлган овқат маҳсулотлари миқдори 14-жадвалда келтирилган.

#### 14-жадвал

##### **Мактаб ёшидаги болаларнинг бир маҳал истеъмол қиладиган овқатлари миқдори (суюғи мл, қуюқлари г ҳисобида)<sup>1</sup>**

Тайёр овқатлар	Истеъмол қилинадиган овқат миқдори		
	7—11 ёш	12—14 ёш	14—16 ёш
<b>Эрталабки нонушта</b>			
Бўтқа ёки сабзавот	300	300—400	400—450
Сут билан кофе ёки сут билан какао	200	200	200
<b>Жами:</b>	500	550	625
<b>Тушлик</b>			
Шўрва	300—400	400—500	500
Котлет ёки гўшт	100	120	400
Гарнири бўтқа ёки сабзавот маҳсулотлари	150—200	180—230	
Компот ёки кисель	200	200	200
<b>Жами:</b>	675	880	1100

<sup>1</sup> СССР Медицина фанлар академиясига қарашли Овқитлонниш гигиенаси институти ва РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлиги Педиатрия ва болалар хирургияси институти тавсия этган.

14- жадвалниң давоми

Тайёр овқатлар	Истеъмол қилинадиган овқат миқдори		
	7—11 ёш	12—14 ёш	14—16 ёш
<b>Иккинчи нөнушта</b>			
Сут ёки кефир	200	200	200
Олма	100	100	100
Булочка	90	100	100
<b>Жами:</b>	390	400	400
<b>Кечки овқат</b>			
Ёрма ёки сабзавотдан тайёрланган таом	300	400	400
Сут, кефир, қатық	300	200	<b>200</b>
<b>Жами:</b>	600	600	600

Шуни ҳам ёдда сақлаш лозимки, маҳсулотларни овқатга тайёрлаш жараёнида ҳам уларнинг сифати тўла сақланиб қолиши катта аҳмиятга эга. Масалан, сабзавот маҳсулотларини тозалаб майдалагандан кейин мумкин қадар уларни сувда камроқ ушлаб туриш лозим. Чунки майда қилиб тӯгралган сабзавот маҳсулотлари 20—30 минут сувда турганида таркибидағи сувда эрувчи витаминлар миқдори 20 % дан 40 % гача камайиб кетиши мумкин.

Мактаб ёшидаги болаларнинг бир суткалик овқатига кирадиган маҳсулотларнинг тахминий миқдори 15-жадвалда келтирилган.

15-жадвал

**Мактаб ёшидаги болаларнинг бир суткалик овқатига кирадиган маҳсулотлар миқдори (г ҳисобида)<sup>1</sup>**

Овқатларниң номи	Пишгандан кейинги салмоғи	Пишгунга бўлган салмоғи
<b>Эрталабки нонушта</b> Сосиска (ёки колбаса)	75	сосиска 75
Қайнатилган вермишель	вермишель 180	вермишель 70 сариёф 5
Кофе <b>Сариёф билан нон</b>	кофе 200 нон 100 сариёф 5—10	кофе 2,5 сүт 100 шакар 15

<sup>1</sup> СССР Медицина фанлар академияси Овқатланиш гигиенаси институти ишлаб чиқкан.

**15-жадвалниг давоми**

Овқатларнинг номи	Пишгандан кейинги салмоғи	Пишгунча бўлган салмоғи
<b>Тушлик</b> Помидорли шакароб (ёки бошқа сабзавот маҳсулотлари)	шакароб 100 карам шўрва 400	помидор 100 кўк пиёз 15 карам 100 картошка 100 сабзи 20 пиёз 10 сариёф 5 томат 3 қаймоқ 10 гўшт 175 ун 3 томат 2 пиёз 10 шакар 3 картошка 300 сариёф 5 сут 50 бодринг 50 компот 200
Димлама гўшт (ёки қовурма балиқ) эзилгани Картошка бодринг билан	гўшт 85 эзилган картошка 240	бодринг 50 қуритилган мева 20 шакар 15 қора нон 100
Компот ёки мева шарбати		кефир 250 шакар 5 булка 100
Нон	қора нон 100	
<b>Иккинчи нонушта</b> Шакар билан кефир (ёки сут) Оширилган нон ёки булка		кефир 250 шакар 5 булка 100
<b>Кечки овқат</b> Винегрет ёки олма ва сабзавот салати	винегрет 200	каштошка 150 буррак 40 сабзи 25 пиёз 10 бодринг 50 ўсимлик ёғи 10 тухум 1 дона сут 50 сариёф 10 шакар 20 буғдой нони 100 сариёф 5—10
Қўймоқ ёки сузма (плитада устини қизартириб пиширилган) Ширин чой Нон сариёф билан	қўймоқ 80  чой 200 нон 100 сариёф 5—10	

Буларнинг ҳаммасини жамлаганда шундан асосий очқут маҳсулотлари ҳисобланмиш оқсилилар — 92,9 г ни, унинг 500 г ҳийвонот маҳсулоти; ёғлар — 92,8 г ни, унинг 18,0 г ўсимлик ёғи; углеводлар — 414,6 г ни ташкил қилиши керак. Буларни калория ҳисобига айлантирганда 2955,4 ккал бўлади.

### **5.3. МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАР ОВҚАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

Умумий таълим мактабларида ўқувчилар овқатини ташкил қилишда аввало ошхоналарни етарли даражада чиройли, озода қилиб жиҳозлаш керак бўлади. Ҳар бир мактаб ошхонаси шаҳарда бўлсин, қишлоқда бўлсин ўқувчи болаларни иссиқ овқат билан бир марта, куни узайтирилган мактабларда эса икки марта иссиқ овқат билан таъминлаши керак. Бунда бошланғич синф болалари иккинчи дарсдан кейин, юқори синф болалари эса учинчи дарсдан кейин — икки ёки уч поток бўлиб (ошхонанинг имкониятига ҳамда мактабнинг неча сменалигига қараб) овқатланадилар. Ҳар қандай ҳолда ҳам ошхонанинг хизмат кўрсатиш тартиби мактаб директори ҳамда умумий овқатланиш корхоналари раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим.

Маълумки, шаҳар мактабларини овқат маҳсулотлари билан давлат савдо муассасалари, қишлоқ жойларда эса матлубот кооперациялари таъминлаб туради.

СССР Савдо министрлигининг 1965 йил 30 октябрдаги 11-сон қарорига мувофиқ матлубот кооперациясининг умумий овқатланиш корхоналаридан узоқда жойлашган мактаблардаги ўқувчиларнинг иссиқ овқатини ташкил қилиш шу ердаги колхоз зиммасига юкланади.

Мактабларда болаларга бериладиган овқат нархи ҳар қандай оила аъзоси учун оғир тушмайдиган бўлиши керак. Ҳозир баъзи бир республикаларда, районларда, колхоз ва совхозларда мактаб ўқувчилари бепул овқатлантирилмоқда.

Умумий таълим мактабларида ўқувчилар овқатини ташкил қилишда аввало ошхоналар техник жиҳатдан мукаммал жиҳозланиши (маҳсулотларни тайёрлаш, пишириш ҳамда қолган маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган хоналар, жойлар бўлиши) га аҳамият берилади. Ҳар тўрт ўқувчига битта стол ҳисобидан (4 ўринли) ҳар кайси смена (ёки поток) даги болалар сонига яраша зал бўлиши жуда муҳим.

Умуман олганда, мактаблардаги ошхоналар ўқувчилар сонига қараб уч группага тафовут қилинади:

1) хом озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишлайдиган мактаб ошхоналари (асосан, 8—20 та синфи бор қишлоқ мактабларида);

2) ярим тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишлайдиган ошхоналар (30 ва ундан кўп синфи бўлган мактабларда). Бундай ош-

хоналар бошқа умумий овқатланиш корхоналаридан ярим тайёр озиқ-овқатлар олиб ишлайди. Бундай маҳсулотлар мактабларга маҳсус ажратилган транспорт воситаларида идишларга солиб келтирилади;

3) тайёр овқатни тақсимловчи мактаб ошхоналари. Бундай ошхоналар яқин орадаги (гиgienик талабларга жавоб берадиган) ошхоналарда тай-срлаб келтирилган овқатни ўқувчиларга тарқатади.

Буфет асосан нонушта учун мұлжалланған озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қиласы.

Мутахассисларга маълумки, болалар мактабдалигиде (4—6 соатгача) ўзларининг ақлий ва жисмоний ўқаттан энергиялари ўринин тұла қондириси учун (мактабга келиш ва уйга кетишларини ҳисобга олмаганды) 600 ккал ли озиқ олишлари керак, буни унұтмаслик зарур. Чунки узоқ вақт овқатланмай юрган боланинг ишқобилияти албатта сусайиб кетади, бинобарин, бу — баъзи бир касалликларнинг келиб чиқишига ҳам замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

СССР Медицина фанлар акадомияси Овқатланиш гигиенаси институти ходимлари олиб борган тадқиқот ишларига кўра мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларининг кундалик энергетик харажатини қоплаш учун улар камида 500 ккал энергия берадиган овқат билан мактабда таъминланишлари керак, юқори синф ўқувчиларига бу калория 600—700 ккал дан кам бўлмаслиги керак, бу — кунда ейдиган овқатнинг 20—25 процентини ташкил қиласы. Мактаб ёшидаги болаларнинг бир суткалик овқатига кирадиган маҳсулотлар миқдори 15-жадвалда келтирилган. Ўйлари мактабдан узоқда жойлашган қишлоқ ўқувчиларининг мактабда оладиган иссиқ овқатининг калорияси тушлиқда ейдиган овқатидан 1/3 марта кўп бўлмоғи керак.

Мактаб ёшидаги болаларнинг мактабда иссиқ овқат билан оладиган овқат маҳсулотининг таҳминий миқдори 16-жадвалда келтирилди.

Мактабда 8—10 соат бўладиган болалар (куни узайтирилган группалар) юқори сифатли ҳамда калорияли овқат ейишдан ташқари, тушлик ҳам олишлари керак. Шундай қилингандан мактабда бериладиган овқат уларнинг бир кунлик умумий истеъмол қиласидиган овқатининг 50—70 процентини ташкил қиласы. Баъзи вақтларда (болалар мактабда узоқ қолганларида) тушлиқдан ташқари иккинчи нонушта ҳам берилади. Болаларга мактабда бериладиган бундай нонуштанинг таҳминий менюси 17-жадвалда келтирилди.

16-жадвал

**Мактаб ёшидаги болаларнинг мактабда иссиқ овқат билан өладиган маҳсулот миқдори<sup>1</sup>**

Маҳсулот номи	Маҳсулот миқдори (брutto), г
Буғдой нони	50—100
Қора нон	25—50
Картошка уни	3
Ёрмалар, дуккакли ўсимлик ва макарон маҳсулотлари	20
Картошка	90
Сабзавот	60
Қуруқ мевалар	10
Мевалар	50
Шакар	12—15
Ўсимлик ёги	2
Хайвон ёғи	8
Тухум	1—1/3 дона
Гүшт	50
Балиқ	25
Сут	110
Қаймоқ	510
Сузма	10

17-жадвал

**Бөлаларга мактабда бериладиган иккинчи нонуштанинг 10 кунлик тахминий менюси<sup>1</sup>**

1-кун	Гүшт билан гуручли дўлма Қисель Буғдой нони Қора нон
2-кун	Қовурма балиқ, бодринг билан (редиска билан карамдан шакароб) Гречканинг сутда пиширилган бўтқаси Қора нон
3-кун	Гүшт котлет, эзилган картошка ва ломидор билан компот (қуруқ ёки янги узилган мевадан)
4-кун	Буғдой нони, қора нон Картошка котлет, қаймоқ билан (сабзавотдан қилинган шўрва) Кефир (сут ёки қатиқ)
5-кун	Буғдой нони, қора нон Қовурдоқ, бодринг билан Қисель Буғдой нони, қора нон

<sup>1</sup> Мактаб врачлари учун қўлланма.—Москва, «Медицина» нашриётининг 1966 йил нашр қилган китобидан олинди.

6-күн	Пишлоқ, қаймоқ билан Сут
7-күн	Қора нон, буғдой нони Балиқдан тайёрланган котлет (гарнири картошкадан) Помидордан ясалған шакароб Ширин чой Олма
8-күн	Буғдой нони, қора нон Қовурма макарон Сут
9-күн	Буғдой нони, қора нон Қарам дұлмаси Компот (куруқ ёки янги узилған мевадан)
10-күн	Буғдой нони, қора нон Гүшт тифтель, макарон билан (бодринг, помидор) Сут ёки кефир Буғдой нони, қора нон

Куни узайтирилған мактабларда тарбияланувчи ҳар хил ёшдаги болаларға тушликда бериладиган овқат маҳсулоттарининг миқдори 18-жадвалда келтирилди.

## 18-жадвал

Куни узайтирилған мактабларда үқувчиларга тушликда бериладиган овқат маҳсулеттарининг таҳминий миқдори<sup>1</sup>

Маҳсулоттар номи	Маҳсулоттар миқдори (брютто), г
Буғдой нони	50
Қора нон	25
Картошка уни	3
Ерма, дуккакли үсимлик ва макарон маҳсулотлари	15
Картошка	175
Сабзавотлар	130
Куруқ мевалар	10
Шакар	11
Үсимлик ёғи	3
Хайвон ёғи	11
Гүшт	50
Балиқ	22
Тухум	1/3 дона
Сузма	10
Қаймоқ	9
Сут	10

<sup>1</sup> Мактаб врачлари учун құлланма. Москва «Медицина» нашриётининг 1966 йил нашар қылған китобидан олинди.

Куни узайтирилган мактабларда ўқувчиларга тушликда бериладиган овқат маҳсулотларининг 10 кунлик менюси 19-жадвалда келтирилди.

#### 19-жадвал

##### Куни узайтирилган мактабларда ўқувчиларга тушликда бериладиган овқат маҳсулотларининг 10 кунлик менюси

1-кун	Сабзавотлардан тайёрланган шўрва ва қовурма гўшт ва макарон Кефир Буғдой нони, қора нон
2-кун	Суяк қайнатилган сувда тайёрланган сабзавотли шўрва. Гўшт котлет, қайнатиб пиширилган картошка билан Шакароб Қисель Буғдой нони, қора нон
3-кун	Нўхатли шўрва Сузмадан қилинган котлет, қаймоқ билан Сут Буғдой нони, қора нон
4-кун	Сабзавотлардан тайёрланган гўшт, гўшт сувида тайёрланган шўрва Димлама (гўштли) Компот Буғдой нони, қора нон
5-кун	Сабзавотлардан тайёрланган шўрва, гўштсиз Гўштли юпқа Сутли кофе Буғдой нони, қора нон
6-кун	Қаймоқли карам шўрва Қовурма балиқ, картошка билан (қайнатилган, димланган) Қисель Буғдой нони, қора нон
7-кун	Гўшт сувида қайнатилган сабзавотли шўрва Қайнатма гўшт, эзиб пиширилган картошка бодринг билан Сут Буғдой нони, қора нон
8-кун	Картошкиали шўрва Қаймоқли қуймоқ Сут Буғдой нони, қора нон
9-кун	Вермишelli шўрва гўштли, димланган гўшт, картошка билан Шакароб Кефир ёки қаймоқ Буғдой нони, қора нон
10-кун	Суяк қайнатилган сувда пиширилган сабзавотли шўрва. Сузма, котлет, қаймоқ билан Сут Буғдой нони, қора нон.

Умумий таълим мактабларида тарбияланувчи болаларнинг ақлий ва жисмоний фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги 1974 йил 15 августда 1174—74-сон билан қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ барча ўқувчилар комплексли овқатлар билан таъминланиши керак (20-жадвалга қаранг).

Мактаб ошхоналарида ҳамма ёшдаги болалар учун битта комплекс овқат тайёрлаш мумкин, лекин бериладиган овқат миқдори болаларнинг ёш группасига қараб берилади.

1-группага I—IV синф болалари — 6—7 ёшдан 11 ёшгача; 2-группага V—VIII синф болалари — 12 ёшдан 15 ёшгача; 3-группага IX—X—XI синф болалари киради. Юқори синф болаларининг энергетик харажатларини одатда суюқ овқатни кўпроқ бериш билан қопланади.

Меню тузилаётганда шунга аҳамият бериш даркорки, мактаб болаларига бир ҳафта ичидан бериладиган асосий овқатлар (сут ва сут маҳсулотларидан тайёрланганидан ташқари) икки марта тақрорланмаслиги керак. Қишиш ва баҳор фаслларида мактаб ўқувчилари учун тайёрланган овқатларга қўшимча витамин А ва С қўшиш тавсия этилади.

Мактабда тайёрланадиган тушликда икки хил иссиқ овқат бўлади. Бу мактаб болаларининг йўқотган бир кунлик энергетик харажатининг 35—40 процентини қоплади. Бундай тушлик таомларда 25 г оқсил, 25 г ёғ ва 120 г углевод бўлиши керак.

Одатда ошхонада тайёрланадиган иссиқ нонушта ҳамда тушликтан ташқари мактаб буфетида сут ва сут маҳсулотлари, ҳар хил нон ва иссиқ ичимликлар (чой, кофе) бўлиши керак. Қандолат маҳсулотлари мактаб буфетида бўлмаслиги керак. Чунки бундай маҳсулотлар болаларнинг иштаҳасини бўғиб қўяди. Бундан ташқари, ҳаво ҳарорати кўтарилганда улардан заҳарланиш юз бериши мумкин.

Мактаб ошхоналари қўйидагича тартибда ишлаши керак:

1. 1—3-синф болалари нонушта билан тушликни группа бўлиб ейишлари лозим. Бунда овқатланадиган столлар болалар келгунича овқатланишда керак бўладиган асбоблар билан жиҳозлаб қўйилади. Болалар келишига 5—10 минут қолганда навбатчи ўқувчилар нонушта ва тушликларни столга келтириб қўядилар. Вакт бўлгач болалар синф раҳбари бошлилигига группа бўлиб ошхонага кирадилар. Ҳар бир синфга столлар,

**20 ЖАДВАЛНИҢ ДАВОМИ**

Репорт №	Овқаттар номи ва ком- плекслар варианти	Микдори, г	Хазм қилинадиган овқат максулоти, г		Кало- рияны өкспл	Микдори, т	Хазм қилинадиган овқат максулоти, г		Кало- рияны өкспл	Угле- вод	
			өгр	углевод			окспл	т			
<b>Болшандың синф болалары үчүн</b>											
<b>Овқаттык қиймати</b>		830	31,5	28,2	125,8	906	1030	36,0	32,3	163,5	
<b>3-вариант</b>											
<b>Нонушта</b>		30/150	6,1	10,0	26,2	225	150/30	6,1	10,6	26,2	
Сутта димланган карам		200	3,2	3,6	22,0	136	200	3,2	3,6	22,0	
Кофе, сут билан		75	5,0	0,5	37,7	180	100	6,7	0,7	35,0	
<b>Овқаттык қиймати</b>		455	14,3	14,1	85,9	541	280	16,0	14,3	98,5	
<b>Түшлик</b>											
Кирма сабзи, қаймок би-		45/5	0,6	1,4	5,7	39	45/5	0,6	1,4	5,7	
лан		250	2,0	6,3	15,2	129	400	3,2	10,1	24,3	
Сабзазотли шурва										39 206	

болаларга эса стуллар бириктирилади. Болалар овқатланиб бўлгач, идиш-товоқларни идиш ювадиган хона токчасига олиб бориб қўядилар.

2. Ўзига ўзи хизмат қилиш. Бунда ўқувчилар ўзлари нонушта ёки тушликка тегишли овқатларни «Овқат тақсимлаш» бўлимидан оладилар ва овқатланиб бўлгач, идиш-товоқларни ўзлари идиш ювадиган хонанинг токчасига олиб бориб қўядилар.

3. Ўқувчилар ўз хоҳишларига қараб овқатни танлаб оладилар ва нарх кўрсаткичига қараб пулини ўзлари кассага ташлайдилар. Бунда алоҳида столларга буфет маҳсулотлари, термосда иссиқ ичимликлар: кофе, какао, чой, компот кабилар қўйилган бўлади.

4. Буфетда овқатланиш. Бундай овқатланиш мактабда ошхона бўлмагандан ташкил этилади. Буфетдан ўқувчилар сут ва сут маҳсулотлари, булкалар, мевалар, мева шарбатлари, чой, кофе, какао кабиларни олишлари мумкин.

Шароити бўлган буфетларда, масалан, овқат сотила-диган жойлар, идиш-товоқлар ювадиган ҳамда ортиқча овқатлар сақлаб қўйиладиган жойлари бўлган буфетларда иссиқ таомлар ҳам тарқатиш мумкин.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, СССР Медицина фанлар академиясига қарашли Овқатланиш гигиенаси институтининг тавсиясига кўра (яқин келажакда) саноатда чиқарилган нонуштани мактаб болаларига буфет орқали тарқатиш мўлжалланмоқда. Масалан, нонуштага маҳсус идишда витаминалластирилган сут (250 г), сузма аралаштирилган пишлоқ (50 г), оқсилга бойитилган «Октябрёнок» деб аталувчи булочка (сутли нонушта) ва бунга мевалар қўшиб бериш мўлжалланган.

Овқат маҳсулотларини саноатда чиқарилганда мактабда болаларга бериладиган нонуштанинг бир қанча турини (масалан, болаларнинг ёшига ҳамда йилнинг фаслига қараб) тавсия қилиш мумкин бўлади. Бу жиҳатдан буфетда ярим тайёрланган овқат маҳсулотларидан пиширилган иссиқ таомларга сут маҳсулотлари, булочкалар, мева, полиз маҳсулотлари, витаминларга бойитилган компотлар бериш ва болалар организмининг биологик эҳтиёжини шу йўл билан тўла қондириши мумкин бўлади.

5. Синфларда овқатланишни ташкил қилиш. Болаларни синфларда овқатлантириш усули истисно тариқасида, масалан, мактаб ошхонаси ишга туширилгунинг қадар қўлланилиши мумкин. Шунда ҳам фақат 1—3-синф ўқувчиларига рухсат этилади. Бундай шароитда

болаларни овқатлантиришда ионуштага тайёрланадиган таомлар мураккаб бўлмаган ва тайёрлаш ҳамда истеъмол қилиш кўп ошхона жиҳозларини талаб қилмайдиган бўлиши лозим. Одатда тайёрланган овқат маҳсулотларини синфга паннисларда, корзиналарда ва қичик аравачаларда келтириб тарқатилади. Бундан олдинроқ эса ўқувчилар ўз парталари (столлари) устига ўзларининг шахсий салфеткаларини ёзиб тайёрланиб ўтиришлари керак.

Ўқувчиларни синфда овқатлантирилганда идишларни ювишга, сақлашга алоҳида хона ажратилиши керак.

## 6. ОШХОНА ХОНАЛАРИГА, ЖИҲОЗЛАРИГА ҲАМДА ХОДИМЛАРИГА ҚУЙИЛАДИГАН САНИТАРИЯ ВА ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Ясли-боғча ва мактаб учун ажратилган хоналар ёруғ ва яхши шамоллатиладиган жойларда бўлиши керак. Шунингдек мактаб ошхоналарини подвалларга, яримподвалларга жойлаштириш санитария ва гигиена талабларига жавоб бермайди.

Ошхоналарнинг овқатга маҳсулотлар тайёрланадиган хоналари эса қўйидагича бўлиши керак: овқат пишириладиган хона гўшт ва балиқ учун хона, сабзавот ва мевалар учун хона, ҳамир қорадиган хона, идиштовоқ ювадиган хона, ходильник хонаси, омборхона, шахсий кийимлар хонаси, душхона ва хожатхона.

Ошхона деворининг ички юзаси тез-тез тозалаб туришга қулай қурилиш материаллари билан қопланган бўлиши лозим. Маҳсулотларни тайёрлаш учун мўлжалланган столлар ҳамда идиш-товоқ ювиладиган ванналар зангламайдиган пўлат тунукалар билан қопланади. Овқат тайёрланадиган идишлар зангламайдиган пўлатдан ясалган бўлиши керак, мис идишларда овқат тайёрлаш ва сақлаш қатъяни ман этилади.

Овқат тайёрлашда ишлатилган идиш-товоқлар иккита бўлмачадан иборат, алоҳида ваннада ёки иккита тосда алоҳида-алоҳида ювилади. Яъни ваннанинг биринчи бўлмачасида ёки биринчи тосда идишлар хантал ёки ош содаси қўшилган иссиқ сувда булат билан ювиб, иккинчисида иссиқ сувда чайиб, маҳсус токчаларда қуритиш тавсия этилади.

Овқат исътемол қилишга ажратилган идиш-товоқлар учта бўлмачадан иборат ванналарда ёки учта тосда

ювилиши керак. Идишлар ювишдан олдин овқат қолдиқларидан тозаланади ва сўнг уларни ёғсизлантириш мақсадида ҳарорати  $45^{\circ}$  дан юқори бўлган ҳароратда ювилади. Ваннанинг учинчи бўлмасида идишлар камидаги  $75^{\circ}$  ли сувда чайилади. Сувни оқизиб қўйиб чайиш яна ҳам яхши. Идишлар батамом ювилгандан сўнг маҳсус панжара токчаларда қуритилиб, сўнг идишлар сақланадиган маҳсус шкафларга тахлаб қўйилади. Ўвилган ва қуритилган идишларни артиш мутлақо ярамайди. Бордю артиладиган бўлса ваннанинг иккинчи ва учинчи бўлмачаларида қайтадан чайиб сўнг яна панжара токчада қуритиш даркор.

Чўтка, булут ва қозон-товоқ сочиқлари идишлар ювилгандан сўнг хар гал маҳсус идишга солиб устига қайнаб турган сув қўйилади. Сўнг 15 минут 2% ли ош содаси эритмасида сақланади, кейин қуритилади ва маҳсус усти қопқоқли идишларда сақланади. Устида хом маҳсулотлар тайёрланадиган тахтачалар камидаги  $50-60^{\circ}$  ли сувда маҳсус химиявий моддалар қўшиб ювилади ва кейин устидан қайнаб турган сув қўйиб чайилади.

Қолдиқ овқатларни солиш учун мўлжалланган челак ва баклар тўлган ёки тўлмаган бўлишидан қатъи назар ҳар куни бўшатилиши ҳамда 2%ли кальций сода эритмасида ювилиши ва иссиқ сувда чайилиши керак.

Ошхонанинг ўзини ҳар куни нам латта билан артиб тозалаш (полини ювиш, деворининг пастки қисмлари ва жиҳозларини артиш), ҳафтада бир марта бошдан-ёёқ тозалаш ишларини уюштириш даркор. Бунда ошхона жиҳозлари (идиш-товоқлар, стол-стуллар, токчалар ва ҳоказо) 1% ли хлорамин эритмаси ёки 0,5% ли тинитилган хлорли оҳак эритмасида ювилиши, сўнг иссиқ сувда чайилиши лозим.

Ошхоналарни холодильниклар билан таъминлаш ва уларнинг ишига алоҳида аҳамият бериб туриш керак. Холодильникларнинг бўлмачаларидағи ҳарорат унда сақланадиган овқат турига қараб белгиланади, жумладан гўшт сақланадиган бўлмачада ҳарорат  $-0^{\circ}$ , балиқ сақланганида  $-2^{\circ}$ , сут ва ёғ маҳсулотлари сақланганида  $+2^{\circ}$  С бўлиши керак.

Овқат маҳсулотларини холодильникларда сақлаш муддати ҳам аҳамиятга эга. Шуни назарда тутиб 21-жадвалда овқат маҳсулотларини холодильникда сақлашнинг муддатлари алоҳида берилди. Тез бузиладиган овқат маҳсулотларини сақлаш шароити бўлмаган ошхоналар.

## Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш муддатлари

Маҳсулотлар	Холодильникда	Музхонада	Совитилмайдын жойда
Гүшт Совитилган балиқ	0°C да 5 сутка 2 суткагача	2 сутка 1 сутка	сақлашга йўл қўйилмайди
Саріёғ Музлатилган балиқ	10 суткагача -2°C да 3 суткагача	5 сутка музга қўйиб 2 суткагача	—“—
Гўшт сосискалари ва сарделькалари, 1-ва 2-навли қайнатилган колбасалар	72 соат	12 соат	кўпи билан 6 соат
Тўшт-балиқ қиймаси	кўпи билан 6 соат	сақлашга йўл қўйилмайди	—“—
Сут	кўпи билан 20 соат	12 соат	сақлашга йўл қўйилмайди
Қаймоқ	72 соат	24 соат	—“—
Сузма	36 соат	18 соат	—“—

да овқат маҳсулотларини ҳар куни шу кунга лойиқ миқдорда омборлардан олиб келиш керак бўлади.

Болаларнинг овқатланишида хизмат кўрсатадиган ходимлар шахсий гигиена талабларига кўра: врач-терапевт (ишга киришдан олдин ва ҳар кварталда бир марта) ва тери-таносил органлари мутахассиси — врачи (ишга киришдан олдин) кўригидан ўтишлари керак. Бундан ташқари, меъда-ичак юқумли касалликлари микроблари ҳамда гижжалар бор-йўқлигини лаборатория текширувидан ўтиб ойдинлаштириб олишлари лозим. Ҳар йили бир марта флюорография қилдиришлари ҳам шарт. Медицина кўриги ҳамда лаборатория текшируванинг натижалари ишга кирувчи ходимнинг шахсий санитария дафтарчасида қайд қилинган бўлиши ва корхона раҳбарига топшириши керак.

Сил касаллигининг очиқ формаси, йирингли бронхит, ичак юқумли касаллиги, кўз, қулоқ ва тери йирингли касалликларига дучор бўлганлар ҳамда ичбуруғ, ичтерлама, паратиф каби касалликларни келтириб чиқарувчи микробларни тарқатиб юрувчи шахслар, бундан ташқари, оила аъзолари ичида ичак касаллиги, полиомиелит, бўғма ва скарлатина билан оғриганлар бўлса, булар ошхонага ишга зинҳор қабул қилинмасликлари керак.

Ошхона ходими сифатида ишга қабул қилинган ҳар

бир шахс махсус программа бўйича санитария минимумидан маълумот олиши ва шу программа бўйича минимум топшириши ва буни ҳар икки йилда бир марта қайта такрорлаб туриши тавсия этилади.

Ошхона ходимлари ҳар куни иш бошлашларидан олдин душга тушишлари, санитария кийимларини кийишлари, қўлларини совун ва чутка билан ювишлари, ҳар гал ҳожатга боргандан сўнг эса қўлларини дезинфекция қилиувчи хлорамин эритмаси билан чайиб сўнг совун билан яхшилаб ювиши лозим.

Махсус кийимсиз (халат, қалпоқча, курткасиз) корхона ходимларининг ошхонага киришлари қатъян ман қилинади. Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, хом ҳолдаги овқат маҳсулотлари билан ишлаб бўлгач, пишган овқат маҳсулотларига ўтишдан олдин қўлларни албатта совунлаб ювиш даркор. Ошхона ходимларининг овқатланишлари ва чекишлари учун махсус хона ажратилган бўлиши лозим.

Педиатр-врач ошхона ходимлари, ўқувчилар, педагоглар, ота-оналар ўртасида санитария ва гигиенага доир суҳбатлар ўtkазиб турсин. Шунингдек, врач овқат маҳсулотларини омбор ва базалардан олиб келиш, сақлаш, улардан таомлар тайёрлаш ва тайёрланган таомларни тарқатишгacha бўлган идишларни санитария ва гигиена нуқтаи назардан контроль қилиб бориши керак.

Болалар муассасаларида медицина ходимлари систематик равишда хом ва алоҳида тайёр маҳсулотларга бракераж журнallари тутади. Биринчи журналга маҳсулотлар олинган кун, уларнинг миқдори, сифати ҳамда ишлатиб юбориш муддати ҳақидаги маълумотлар ёзиб борилади. Иккинчи журналга эса пишиб тайёр бўлган овқатдан олинган синама натижалари ёзилади. Бунда таомларнинг номи, уларнинг миқдори, тайёрланган вақти ва овқатни болаларга тарқатиш ҳақида берилган рухсат қайд қилинган бўлади.

Мактаб ўқувчиларига фақат талабга жавоб берадиган нонушта ва тушликни тўғри тарқатибгина қолмай, уларга овқатланишга оид гигиеник талаблар тўғрисида тушунча бериб бормоқ ҳам лозим. Шундай қилинганда болаларнинг овқатланиш маданияти ортиб боради.

А. Н. Бурая<sup>1</sup> авторлар колективи билан биргаликда

<sup>1</sup> Бурая А. Н., Головко И. А. Тихомирова В. С., Шапина М. П. Соғлом ва касал бола парваришига доир амалий машғулотлардан қўлланма, — Тошкент, «Медицина», 1984, 94- бет. — А. И. Қосимов таржимаси.

чоп этган «Соғлом ва касал бола парваришига доир амалий машғулотлардан қўлланма» китобида дастурхон атрофида ўтиришнинг қуйидаги асосий тартиб-қоидлари берилган:

«— дастурхон, яъни стол атрофида гавдани ҳар ёнга ташламай, оёқларни типирчилатмасдан, вилка, қошиқ ёки стол устидаги бошқа нарсаларни ўйнамасдан тинч, тўғри ўтириш;

— таомни умумий идишдан қўли ёзи ўзи ишлатиб турган қошиқ ёки вилка билан эмас, балки шу идиш олдига қўйиб қўйилган чўмич ёки вилка билан олиш;

— нон, сомса, мевалар, печене кабиларни, агар улар учун маҳсус қисқичлар қўйилмаган бўлса, умумий идишдан ёки вазадан қўл билан олинади;

— умумий идиш ёки вазадан бирор нарса оладиган бўлса, бола танламасдан, қайсиини унга яқин ва қулай турган бўлса, ўшанисини олиши лозим.

— нонга сариёф, қийма гўшт (ёки жигар), юпқа қилиб кесилган гўшт қўйиб бутерброд қилиш учун умумий идишдан ўзига кераклисини олиб ликобчасига қўйиши зарур;

— дастурхон атрофида ўтирганда, айниқса қўлида вилка, қошиқ, пичноқ ёки чой тўла стакан (пиёла) тутиб қўлларини ёзиб, кериб ўтириш рухсат этилмайди;

— оғзини овқатга тўлдириб олиш ёки катта-катта луқмалар қилиб ютиш, овқат еб туриб гаплашишга рухсат берилмайди.

Болаларни овқатга, нонга ҳурмат билан қарашга ўргатиш, уларнинг барчаси талай кишиларнинг меҳнати эвазига яратилганлигини тушунтириш керак. Болаларни таомларни қолдирмасдан еб қўйишга, нонни думалоқлаб ўйнамасликка, овқатга ҳурмат билан қарашга ўргатиш ва бунга эришиш лозим. Овқат вақтида стол усти озода бўлишига ҳаракат қилиш зарур».

Овқатланишда талаб этиладиган гигиеник қоидларни тушунтириш ва уни контролъ қилиш мактабдаги санитария активлари — санитарлар, санпост аъзолари, санитария-гигиена тўгараги қатнашчилари ва ошхона навбатчилари зиммасига юкланди.

Медицина ходимлари мактаб ошхонасида, овқатланиш залларида, буфетда ишловчи ходимлардан санитария талаблари қандай бажарилаётганини яъни: ишлатилган идишларни ўз вақтида ювиш, чиқиндиларни сақлаш, уларни ўз вақтида чиқариб ташлаш, шахсий гигиенага риоя қилиш ҳамда кўрсатилган вақтда медицина кўригидан ўтиб туришларини талаб қилишлари керак.

Мактабда болаларни овқатлантиришни жойлардаги маҳаллий санитария-эпидемиология станцияси ходимлари назорат қилиб турадилар. Бунда қуйидаги масалаларга эътиборни кучайтирмоқ зарур бўлади:

1. Мактабда овқатланишни ташкил қилиш усуллари ва унинг режими.

2. Овқат маҳсулотларини транспортда ошхонага келтириш ва уларни сақлаш усуллари.

3. Тез бузиладиган овқат маҳсулотларини сақлаш усуллари.

4. Овқат пишириш шароити, усуллари ҳамда тайёр овқатларни тарқатиш.

5. Тайёрланган таомларнинг сифати (олинган масаллиқларни тайёр бўлган таомга таққослаш, вақти-вақти билан тайёр таомларни овқатлик қийматини лаборатория усулида текшириш).

6. Ошхона, буфет ҳамда овқатланиш залининг санитария ҳолатини кузатиш;

7. Йашлатилган идишларни ювиш усуллари, жойлари, шароити;

8. Озиқ-овқатга алоқадор шахсларни ҳамда мактаб ўқувчиларини шахсий гигиенага қандай риоя қилаётганини кузатиш;

9. Ошхона ходимлари малакасини ошириш, ўз вақтида санитария минимумларини топшириш.

10. Овқатланишга оид санитария-пропаганда ишларини ошхона ходимлари, ота-оналар ва мактаб ўқувчилари орасида мунтазам олиб бориш ва бошқалар.

Ишни шундай йўлга қўйилганда болалар муассасаларида меъда ва ичак касалликлари тарқалишининг олди ҳам олинган бўлади.

## **7. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА МАКТАБ ВА ОШХОНА РАҲБАРЛАРИ ВАЗИФАЛАРИ**

Шаҳар ва қишлоқ умумий таълим мактабларида умумий овқатланишни ташкил қилиш халқ маориф орғанлари, умумовқатланиш корхоналари, савдо министрлиги ҳамда таъминот кооперациясининг ходимлари зиммасига юкланади. Улар ўртасидаги мулоқат-муносабат масалалари республикадаги савдо министрлиги, таъминот кооперацияси правленияси ҳамда маориф орғанлари томонидан тузилган шартнома орқали белгилаб олинади. Мазкур шартномага кўра мактаб раҳбарлари зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

- мактабда болалар овқатланишини ташкил қилиш-чи үз зиммасига олиш;
  - мактаб болаларини овқатлантириш билан боғлиқ бўлган давлат ва таъминот кооперациясига қарашли умумовқатланиш корхоналарига санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган (ёруғ, хоналар ҳавоси алмаштириладиган, иссиқ ва совуқ сувлар билан таъминланган) мактаб ошхонасини ташкил қилиш;
  - болаларнинг ўқиши даврида сарф қиладиган энергетик харажатларни ҳисобга олиб тузилган бир ҳафталик ёки ўн кунлик нонушта ва тушлик учун тузилган менюни тасдиқлаш;
  - ошхона раҳбарлари ҳамда мактабдаги ота-оналар комитети вакилларининг ошхона ишларини кўздан кечириш тартибини тасдиқлаш;
  - ошхонага (ёки буфетга) танаффус вақтида ўқитувчи ёки юқори синф ўқувчиларидан навбатчилар белгилаш;
  - мактаб болаларидан мумкин қадар кўпроғини иссиқ овқат билан таъминлаш ҳамда замонавий овқатланиш формаларини жорий этишда бевосита иштирок этиш;
  - маълум бир шахсга болаларнинг овқатланишини ҳисобга олиб бориш вазифасини юклаш;
  - овқат нархини арzonлаштириш мақсадида мактабнинг ўқув-тажриба участкасида етиширилган сабзавот маҳсулотларидан фойдаланишни ўюштириш;
  - мактабни оталиққа олган корхоналар, колхоз ва совхозларнинг мактаб ошхоналарини ремонт қилиб бориши, ошхонага қўшимча ёрдамчи хоналар қуришни планлаштириши каби ёрдамларидан тўла фойдаланиш ва бошқалар.
- Ошхона раҳбарлари зиммасига эса:
- болаларни мактабда бўлган даврларида йўқотадиган энергетик харажатларини ҳисобга олган ҳолда медицина ходимлари ҳамда мактабдаги ота-оналар комитети томонидан маъқулланиб мактаб раҳбарлари томонидан тасдиқланган 6 ёки 12 кунлик меню бўйича иссиқ овқатлар билан таъминлашни ташкил қилиш;
  - тайёрланадиган нонушта ҳамда тушликнинг юқори даражада сифатли бўлишини таъминлаш ҳамда ҳар куни тайёрланган овқат маҳсулотини назорат қилиб туриш;
  - овқат маҳсулотларини ярим тайёр ёки тайёр ҳолда мактаб ошхонасига транспортда үз вақтида олиб келишини таъминлаш;

— тез бузиладиган овқат маҳсулотларини санитария ва гигиена қоидалариға амал қилган ҳолда тегишли муддатларда, сақлаш ҳамда тезроқ ишлатиб юборишга күз-қулоқ бўлиб туриш;

— буфет орқали овқатланишини уюштириш, буфетни янги овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш;

— ошхона ва унинг ёрдамчи хоналарига ҳамда асбоб-ускуналарга, жиҳозларга қўйиладиган санитария-гигиена талабларига қандай риоя қилинаётганини назорат қилиб бориш;

— ошхона ва буфетларни талаб даражасида (тасдиқланган умумий норматив бўйича) жиҳозлаш, ходимлар учун ҳамда навбатчи ўқитувчи, ота-оналар комитети вакиллари ва вақтинча ошхона ишига жалб қилинган юқори синф ўқувчиларини маҳсус санитария кийимлари (халат, қалпоқча) билан таъминлаш;

— мактаб ошхонасида ва буфетида ишловчи ходимларнинг болаларни овқатлантириш тўғрисида тушунчага эга бўлган ҳолда санитария минимумини ўз вақтида топшириб туришларини уюштириш;

— СССР Бош давлат инспекциясининг ВЦСПС билан келишиб 1966 йил 6 февралда қабул қилган 352—61-сон қарорига асосан ошхона ва буфет ходимларнинг ўз вақтида медицина кўригидан ўтиб туришларини таъминлаш кабилар юкланди.

## 8. МАКТАБДА БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Мактабда болаларнинг овқатдан заҳарланишининг олдини олиш чораларига қўйидагилар:

1. Овқатга ишлатиладиган маҳсулотлар ва улардан тайёрланган таомларнинг сифатли бўлиши.

2. Ташқи муҳит таъсирида (юқори ҳароратда) тез бузиладиган овқат маҳсулотларини ошхонага етказиб келиш даврида ва сақлашда тегишли шароит билан таъминлаш.

3. Тез бузиладиган овқат маҳсулотларидан зудлик билан таом тайёрлаш ва уларни тез тарқатиб тамомлаш.

4. Хом маҳсулотларни пиширишга тайёрлашда, ярни

пишган маҳсулотлар тайёрланаётганда, уларни тарқатишида гигиена талаблариға тұла амал қилиш.

5. Хом маҳсулотлар билан ишлаб бўлгандан кейин пишган овқат маҳсулотларига үтишда талаб қилинадиган гигиена қоидалариға риоя қилиш.

6. Ошхона ва буфетларни етарли даражада санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминлаш.

7. Овқат маҳсулотларини тўғри сақлашни (пишган овқат маҳсулотларига микроблар тушишининг олдини олиш тадбирларини кўришни) уюстириш.

8. Мактаб ошхоналарини холодильниклар билан албатта таъминлаш.

9. Мактаб ошхонасига терисида йирингли яралари, жароҳати бўлган, тез-тез шамоллаб турадиган шахслар ким бўлишидан қатъи назар киритилмаслиги.

10. Мактаб ошхонасида талаб даражасида санитария маданияти бўлишини таъминлаш.

11. Мактаб ошхонасига санитария минимумини топширмаган ходимларни ишга қабул қиласли.

12. Ошхонани ҳамда ошхона жиҳозларини 0,2% ли хлорли оҳак ёки хлорамин эритмаси билан дезинфекция қилиб туришни назорат қилиб бориш.

13. Ошхона ва буфетларни ва уларнинг жиҳозлари тоза бўлишини доимо таъминлаш каби вазифалар киради.

Мактаб ошхонасига ёки буфетига тайёр ёки ярим тайёр овқат маҳсулотлари шулар учун ажратилган махсус идишларда ва транспортда усти ёпиқ ҳолда келтирилиши керак. Бундан ташқари, ошхонада таом тайёрлашга ажратилган овқат хом ашёлари медицина кўригидан үтиши шарт. Тез бузиладиган овқат маҳсулотлари (гўшт, балиқ, қайнатилган колбаса, сосискалар, сут маҳсулотлари) холодильникларда ҳарорати 4—7 °C да сақланмоғи лозим.

Сабзавот ва мевалар сақланадиган омборларнинг ҳарорати 1—3 °C, ҳавосининг нисбий намлиги 85—90% атрофида бўлиши керак. Қуруқ мевалар шамоллатиш

иложи бўлган қуруқ хоналарда ер сатҳидан камида 15 см юқори кўтарилиган токчаларда сақланиши мақсадга мувофиқдир.

Ошхонадаги хом овқат маҳсулотлари тайёрланадиган столлар зангламайдиган яхлит тунука ёки силлиқ дюралюмин билан қопланган бўлиши зарур. Ун маҳсулотлари силлиқ қилиб рандаланган, қаттиқ ва қалин тахталардан ишланган столлар, мосламалар устида тайёрланади. Хом ва пишган овқат маҳсулотларига ишлатиладиган тахтачалар тегишли белгилар: «ХГ» — хом гўшт учун, «ХС» — хом сабзавот учун, «ПС» — пиширилган сабзавот учун, «ХБ» — хом балиқ, «ПБ» — пишган балиқ «Н» — нон, «Ё» — ёғ; «ПГ» — пишган гўшт учун деган белгилар билан нишонлаб қўйилиши лозим.

Ошхонада ишлатиладиган жиҳозлар қандай металлардан ясалган ёки қопланган бўлиши ҳақида олдинги бўлимларда айтиб ўтдик. Унга қўшимча — мактаб ошхоналарида таомлар чинни идишларда тарқатилиши керак. Пластмассдан ясалган идишлар мактаб ошхонасида ишлатишга мутлақо ярамайди, чунки бундай идишларни тозалаб ювиш ва дезинфекция қилиш анча машақатли бўлади ва ҳоказо.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшлиқ чоғида ноқ болаларнинг овқатланишини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу даврда бола тез ўсади ва ривожланади, унинг орган ва системалари шу ёшда шаклланади ва такомиллашади. Шу муносабат билан болаларнинг овқатланишини ёшлигиданоқ тўғри ташкил этиш болалар соғлигини сақлашда жуда муҳим аҳамиятга эга. Буларни унутмаслик керак.

Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий Комитети ҳам буни назарда тутган ҳолда боғча болалари, мактаб ўқувчилари ва ҳомиладор аёлларга ғамхўрлик кўрсатиб, келгуси йилда уларнинг овқатланишига қўшимча равишда маблағ ажратишга қарор қилди. «Масалан, умумий таълим мактабларининг 1—5-синфлари ўқувчилари учун текин овқатни ташкил этиш, камқонлик

касалыга учраган ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш учун 100 миллион сүмдан күпроқ пул ажратиласы. Интернат уйларда овқатланишга сарф-харажатлар нормаси анча ошириласы. Қишлоқ касалхоналари ва болалар боғчаларига қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари давлат хариди юзасидан колхозларнинг құшимча маҳсулот ажратишига рухсат этиласы<sup>1</sup>.

Күриниб турибдикі, партия ва ҳукуматимиз бор имкониятдан фойдаланып болалар ақолиси соғлигини муҳофаза қилиш чораларини күрмөқда. Аммо жойларда болалар билан бевосита мулоқотда бұлаётган, уларнинг тарбияси ва овқатланиши билан шуғулланаётган «боғча опа» лар, мактаб муаллимлари ҳам бу ишга сидқидидан қарасалар, ғамхұрлық қылсалар нур устига аъло нур бұлур эди. Мазкур рисола эса уларга үзига хос дастурамолдир. Чунки овқатланишнинг келтирилген барча тартиб ва қоидалари илмий жиҳатдан ҳар томонлама үрганиб чиқылған ва маҳаллий шароитта мосланғандыр-

---

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитети 1989 йил сентябрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотларининг вазифалари. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретария И. А. Қаримов доклади, «Тошкент оқшомы» газетаси, 1989 йил 25 ноябрь, 3-бет.

# **„ИЛОВАЛАР“**

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
1. Овқатланишнинг баъзи физиологик жиҳатлари . . . . .	5
2. Овқат маҳсулотларининг биологик аҳамияти . . . . .	6
2. 1. Оқсилилар ва уларнинг организм учун аҳамияти . . . . .	8
2. 2. Ёғлар ва уларнинг организмда тутган ўрни . . . . .	13
2. 3. Углеводлар ва уларнинг организмдаги аҳамияти . . . . .	17
2. 4. Витаминалар ва уларнинг саломатлик учун аҳамияти. 21	
2. 4. 1. Витаминалар манбай . . . . .	30
2. 4. 2. Сувда эрийдиган витаминалар . . . . .	32
2. 4. 3. Ёфда эрийдиган витаминалар . . . . .	37
2. 5. Минерал моддалар ва уларнинг организм учун фойдаси . . . . .	50
3. Кенг истеъмол қилинадиган айрим миллий таомларни тай- ёрлаш хусусида . . . . .	55
3. 1. Суюқ миллый таомлар . . . . .	57
3. 2. Қуюқ таомлар . . . . .	62
3. 3. Ҳамир овқатлар . . . . .	65
3. 4. Дўлмалар . . . . .	66
3. 5. Ширинликлар . . . . .	66
3. 6. Ичимликлар . . . . .	67
4. Овқат маҳсулотларини консервалаш . . . . .	69
5. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар овқатини ташкил қилиш . . . . .	77
5. 1. Мактабгча ёшдаги болалар овқатини ташкил қилиш	77
5. 2. Мактаб ёшидаги болалар овқатини ташкил қилиш	93
5. 3. Мактабда ўқувчилар овқатини ташкил қилиш усул- лари . . . . .	102
6. Ошхона хоналарига, жиҳозларига ҳамда ходимларига қўйи- ладиган санитария ва гигиеник талаблар . . . . .	112
7. Мактаб ўқувчиларини овқатлантиришни ташкил қилишда мактаб ва ошхона раҳбарлари вазифалари . . . . .	117
8. Мактабда болаларнинг овқатдан заҳарланишининг олдини олиш . . . . .	120
И л о в а л а р . . . . .	123
1- илова . . . . .	124
2- илова . . . . .	153
3- илова . . . . .	157

*Научно-популярное издание*

На узбекском языке

САИДАМИН САЛИХОДЖАЕВИЧ САЛИХОДЖАЕВ,  
доктор медицинских наук, профессор

**Гигиенические требования к питанию детей  
дошкольного и школьного возраста**

Редакция мудири М. Муслимов

Редактор А. Қосимов

Рассом А. Б. Қаҳхаров

Бадий редактор О. Аҳмаджонов

Техредактор Л. А. Жихарская

Корректорлар М. Ҳайдарова, С. Каримова

ИБ № 1516

Терилига берилди 24.02.89. Босишига рухсат этилди 28.11.89. Формати 84×108<sup>1/32</sup> отт. 8,61. Нашр, ҳисоб л. 7,2. Нашр №124-88. Тиражи 25000. нусха. Заказ №2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 8,4. Шартли бўёқ-отт. 8,61. Нашр, ҳисоб л. 7,2. Нашр № 124-88 Тиражи 25000. нусха. Заказ № 381. Баҳоси 45 т, шундан 10 т. устама нарх.

Издательство «Медицина» УзССР, 700129, Ташкент, Навои, 30.

Узбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-босмахонаси. Тошкент, Юнусобод массиби, Муродов кўчаси, 1.



В.И. ЛЕНИН НОМИДАГИ  
СОВЕТ БОЛАЛАР ФОНДИ

